

А. Сагдуллаев

**КАДИМГИ
ҮРТА ОСИЁ
ТАРИХИ**

А. Сагдулаев

ҚАДИМГИ ҮРТА ОСИЁ ТАРИХИ
(үкүв қўлланма)

Тошкент
“Университет”
2004

Ўрта Осиё халқлари шу заминда ривож топган бой тарихий-маданий мероснинг ворислариидир. Уларнинг тарихи энг қадимги даврлардан бошлиб, турли маданий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни қамраб олган. Ушбу қўлланманинг вазифалари қадимги жамиятнинг тараққиётига хос хусусиятлар, унинг асосий босқичларининг моҳияти, моддий ва маънавий маданиятнинг босқичма-босқич ривожланиши қонуниятларини ўрганишдан иборат бўлиб, мазкур китоб қадимги тош асидан илк давлатлар вужудга келган асрларгача бўлган катта даврни ўз ичига олган.

Китоб ўқитувчилар, талабалар ва умуман, қадимги тарих билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори Р. Сулаймонов,
тарих фанлари номзодлари Б.Аминов,
Ў.Мавлонов.

МУҚАДДИМА

Ўрта Осиё жаҳон цивилизацияси, инсоният маданияти тарихининг масканларидан биридир. Бу ўлканинг турли қўшини вилоятларида бир умумий, қадимги маданиятта тегишли ёдгорликлар топиб текширилган. Шу қадимги манзилгоҳлар ва шаҳарларга асос солган аҳоли Ўрта Осиё халқлари аждодларининг йирик гуруҳларини ташкил қилган.

Бир умумий географик ўлкада қадимда юз берган маданий, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жараёнлар бир-бирига яқин бўлиб, қўшини қабилалар ва элатларни умумий маданий ва этник илдизлар бирлаштирган. Улар турли кўринишдаги ўзаро алоқалар асосида ривожланган. Шунинг учун ҳам қадимги замонлардан бошлаб, Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдири бир-бирига узвий боғланган.

Бу борада Президент И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида таъкидлаганидек: «Қадимдан Туркистонда қабила ва халқлар аралаш жойлашган бўлиб, бунга муштарак маданиятлари ва тиллари туфайли чамбарчас боғлиқ бўлган одамларнинг воҳаларда яшаганликлари ва кўчманчи ҳаёт кечирганликлари сабаб бўлган».

Ҳар биримиз тарихий-маданий меросни ўрганиш жараёнида қадимги жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ва турли тарихий воқеаларни ҳисобга олишимиз керак. Шунингдек, ҳар биримиз халқимиз тарихини холисона ўрганишга ва яхши билишга интилиб, ўзга мамлакатлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан қарашимиз лозим.

Сўнгти йилларда Ўрта Осиёнинг турли бурчакларида кўпгина археологик қашфиётлар ўtkазилди ва муҳим аҳамиятга эга бўлган янги маълумотлар тўпланди. Олимлар томонидан топиб, текширилган бу янги ашёлар ўлкамизнинг энг қадимги тарихи ҳақидаги билимларимизни анча кенгайишига имкон яратди. Мазкур манба ва ашёлар ўлка тарихининг илк босқичидаги иктисодий, маданий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлари ҳақида тўлароқ тасаввурлар ҳосил қилиш имконини беради. Ўрта Осиё худудидаги кишилик жамиятининг вужудга келиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Энг қадими ги одамлар тарқалиши жараёнидан бошлаб, бу худуд тарихида турли хил мураккаб воқеалар содир бўлган.

Улар энг қадимги ҳўжаликлар ва меҳнат қуроллари, уругчилик тузумининг вужудга келиши, замонавий қиёғали одамнинг пайдо бўлиши, ҳўжаликнинг ишлаб чиқариш шаклларига ўтилиши, бинокорлик ва хунармандчilikнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришида

металлнинг ишлатила бошланиши, айирбошлиш, савдо-сотик, илк шаҳарлар ва давлатларнинг ташкил топиши билан бирга бошқа кўпдан-кўп воқеалар билан боғланадилар.

Бир неча минг йиллар давомида инсоният жамияти тараққиётида хўжалик ва маданият соҳасидаги эришилган ютуқлар Ўрта Осиё ҳудудига ҳам тегишли бўлиб, улар тарихимизнинг энг қадимги даврлари билан боғлиқдир. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихини ўрганишда уларнинг даврларини, тарихий саналар жадвалиш тўғри ва аниқ илмий асослаш катта аҳамият касб этмоқда.

Китобхонлар ўлканинг энг қадимги тарихини ўрганиш пайтида турли манбаларга (археология, антропология, этнография, ва ёзма манбаларга) эътибор беришлари лозим. Бу манбалар билан танишмай туриб, қадимги давр тарихи ҳақида юзаки маълумотга эта бўлиш мумкин.

Ўрта Осиёда текширилган барча турдаги археологик ёдгорликлар ва улардан тоғилган моддий манбалар - инсоният тошдан ясалган содда қўпол чўқмор ясащдан, узлуксиз меҳнат натижасида юксак маданият яратиш дарражасига етиб келишининг асосий қонуниятларини очиб берадилар. Шунинг учун ҳам турли тарихий воқеаларга тўғри баҳо бериш катта аҳамиятга эга.

Энг қадимги жамият тарихи одамзотнинг пайдо бўлиши, тош даври аҳолиси жойлашувининг асосий даврлари, хўжалик ва ижтимоий фаолиятининг ривожланиши, инсониятнинг моддий ва маънавий маданияти вужудга кела бошлаган даврни ўрганди. Энг қадимги давр тарихининг муҳим вазифаларидан бири, шу давр жамоа тузумининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, унинг асосий босқичларининг моҳиятини очиб бериш, шунингдек маданиятнинг босқичма-босқич ривожи шаклларини ўрганишдан иборатdir.

Қадимги тарихни ўрганишда Ўрта Осиё ҳудудида одамнинг тарқалиши жараёни, қадимги маконларнинг географик жойлашуви ва тошдан ясалган меҳнат қуроллари тоғилмаларига, хўжаликнинг ривожланиши, диний тасаввурлар, иқтисоднинг ишлаб чиқариш турлари, бинокорлик ва хунармандчиликнинг ривожланишига алоҳида эътибор билан қараш лозим.

Шу тариқа, ҳамда ҳозирги давр талабини ҳисобга олган ҳолда «Қадимги Ўрта Осиё тарихи» китобини тайёрлашни лозим топдик. Мазкур китобда Ўрта Осиёда илк тош давридан бошлаб, македониялик Александрнинг ҳарбий юришларига қадар бўлган тарихий жараёнлар ҳақида маълумот берилган.

Китоб юзасидан билдирилган мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қиласди.

МАНБАЛАР

Энг қадимги давр тарихининг ғўзига хос хусусияти, инсоният тарихида энг узоқ давом этишига қарамай, у ёзма манбалар орқали ёритилмаганлигидир. Ўрта Осиё тарихига тегишли илк ёзма манбалар мил. ав. I минг йилликнинг биринчи ярмига оиддир. Шунинг учун, қадимги давр тарихининг асосий хусусиятларини археология очиб беради.

Қадимги давр тарихига оид манбалар ниҳоятда турли-тумандир. Одамзотнинг узоқ ўтмишидан дарак берувчи асосий маълумотлар — моддий (ашёвий) манбалар бўлиб, уларнинг барчасини одамлар яратган ва улар инсон ҳаёти ва меҳнат фаолиятида муҳим ўрин топган.

Моддий манбаларнинг кўпича ер остида археологик ёдгорликларнинг маданий қатламларида сақланади ва улар археологик қазув ишлари орқали топиб текширилади.

Замонавий археология фани ҳозирда жуда ривожланниб бормоқда. Ўлкамизда археологик қидирив ишлари катта ҳажмда олиб борилиб, у кишилик жамиятининг узоқ ўтмиши тарихини чукур ўрганиш бора-сида улкан имкониятлар очиб бермоқда. Археология тарих фанига мансуб бўлиб, ижтимоий фанлар ичida муҳим ўрин тутади. «Археология» тущунчаси «архайос» - «қадимги», «логос» - «фан» юнон сўзларидан иборатдир. Яъни «қадимшунослик» маъносини билдиради.

Археология – кишилик узоқ ўтмишини ўрганувчи фан бўлиб, турли тарихий жараёнларни ўрганиш ва тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Тарихий жараёнлар ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий воқеалардан иборатдир. Аммо, археология фани фақат ибтидоий даврнингина эмас, балки энг қадимги давлатлар вужудга келиб ривожланган даврлар, ўрта асрлар маданияти ва тарихини ҳам ўрганувчи фандир.

Моддий ашёвий манбаларга тош, суюк, металдан ишланган меҳнат ҳамда жант қуроллари, қўлда ва чархда ясалган сопол идислар, кулолчилик буюмлари - урчук боши, сопол чироқ ҳамда қадимий зеб-зийнатлар, санъат буюмлари, танга пуллар ва бошқа топилмалар киради. Улар тарихининг турли даврларига оид моддий маданият буюмларидир.

Моддий маданият қолдиқлари бебахо тарихий манбалар бўлиб, улар маълум замоннинг маҳсули сифатида ўша давр турмуш шароитини акс эттиради.

Одамлар яшаган жойлар, энг қадимги манзилгоҳлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари, қоятош суратлари, ҳунарманҷчилик устахоналари, истеҳкомлар, ибодатхоналар, қадимги суғориш иншиоотла-

ри, ишлаб чиқарыш учун хомашё қазиб олинган конлар ва бошқалар археологик ёдгорликлар ҳисобланади.

Қадимги гор-маконлар ва туар жойлардаги маданий қатламдардан, шунингдек қадимги қабрлардан археологлар турли-туман меҳнат қуроллари, сопол ва металдан ясалган буюмларни топадилар. Уларнинг барчаси қадимги хўжаликнинг ривожланиши даражаси, хунармандчилик ва моддий маданият ҳақида хulosалар чиқариш имконини яратади.

Моддий маданият манбалари ёзма манбаларга нисбатан анча қадимироқдир. Энг қадимги тарихий воқеалар кўпинча ёзма маълумотлар бўлмаган даврларга мансубдир. Кишилик жамияти тарихидаги охирги 5000-3000 йил қисмини ёзма манбалар билан бирга моддий манбалар орқали ўрганиши мумкин, аммо тарихнинг улкан қисмини фақат моддий археологик топилмалар орқалигина тиклаш мумкин.

Моддий манбаларнинг аҳамиятини аниқлашда ўкувчилар «моддий маданият» тушунчасига эътибор беришлари лозим. Моддий маданият - бу инсон яратган уй-жойлар, қуроллар ва турли буюмлардан иборатдир. Моддий маданиятнинг ривожланиши ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, турли географик ўлкаларда ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб турган.

Энг қадимги жамият тарихини ўрганишда археология фанини бошқа фанларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Археология билан бевосита боғланган фанлар - бу тўртламчи давр геологияси, антропология ва этнографиядир. Антропология («антроп» - одам, «логос» - фан) одамнинг қиёфаси ва жисмоний тараққиётини ўрганувчи фандир. Қадимги тарихни ўрганишда антропологик манбалар катта аҳамият касб этади. Антропология инсон суюклари қолдиқларини ўрганади. Энг қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари топилмалари асосида антропология тош даври одамидан тортиб, замонавий одамгача бўлган авлоднинг табиий қиёфасини тиклаш имконини яратиб беради.

Этнография - турли халқларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, маданий-тарихий муносабатлари, урф-одатлари, турмуш тарзи, машгулоти, моддий ва маънавий маданиятини ўрганади.

Археология ва антропология манбалари энг қадимги жамият ва маданиятнинг кўпгина томонларини очиб берса-да, бу соҳада бальзи бир саволларга тўла жавоб беролмайди. Ушбу ҳолатда, тадқиқотчиларга жаҳоннинг турли бурчакларидаги ибтидоий жамиятнинг турли томонларини ўзида сақлаб қолган элатларнинг турмуш ва маданиятини ўрганувчи этнография фани ёрдамга келади. Археоло-

гия ва этнография фанлари маълумотларини солиштириш усули билан узоқ ўтмишдаги моддий ва маънавий маданиятнинг кўптина томонларини тиклаш мумкин.

Китобхонлар эътиборини шунга жалб қўймоқ керакки, илмий адабиётлар ва ўкув қўлланмаларда турли хил маҳсус тушунчалар кенг қўлланнилади. Жумладан: «моддий манбалар», «моддий маданият», «табиий манбалар», «маданий қатлам», «археологик ёдгорликлар» ва бошқалар. Ташқи кўринишда «манба» ва «ёдгорлик» сўзлари бир умумий маънони билдирувчи сўзларга ўхшайди. Аммо, «моддий манба», биринчи навбатда, инсон томонидан яратилган буюмлар ва нарсаларни тушунтиради (куроллар, сопол идишлар, зеб-зийнатлар, яроғ-аслаҳалар ва ҳоказо). «Археологик ёдгорликлар», асосан, одамлар яшаган жойлар (маконлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари) ёки инсон томонидан бунёд этилган йирик иншоотлар (ҳимоя деворлари, қальъалар, ибодатхоналар, сунъий сугориш иншоотлари) ва бошқа ёдгорликлар (қоятош расмлари, қадимги мозор-қўргонлар, хомашё конлари) билан узвий bogланади.

Ер, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тарихи билан боғлиқ манбаларни (геология, палеозоология, палеоботаника) табиатшунос олимлар ўрганадилар. Табиий манбалар энг қадимги одамлар ривожланган даври иқлими, табиий шароити, фауна ва флора дунёсини тиклашга имкон яратиб беради. Турли олимлар ҳамкорлигига ўтказилган тадқиқотлар натижасида қадимги тарихнинг бир қанча муҳим масалалари ҳал этилди.

ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Энг қадимги тарихни даврлаштириш ҳақида фанда ягона фикр бўлмаса ҳам, кўптина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу давр бир неча юз минг йилларни ўз ичига олади. Европа ва Осиё худулида тарихий ва маданий жараёнлар ривожланишининг нотекислиги, айниқса, турли даврларда моддий маданиятдаги ўзгаришиларнинг бир-бирига мос келмаслиги туфайли, айрим ҳудудларга тегишли тарихий сана ва даврлаштириш бир-биридан фарқланади.

Межнат куроллари ва хунармандчиллик буюмлари ишлаб чиқарилишининг ривожланиши ва уларнинг изчил ўзгаришига асосланган қадимги тарихнинг даврларга бўлинishiши ва санаси тизими энг муҳим ҳисобланади. Умумий кўринишда булар тош даври, бронза даври ва темир давридир.

Тош даври инсоният тарихида энг узок давом этган давр бўлиб, моддий манбалар топилган жойлар номига қараб, алоҳида босқичлар ва маданиятларга бўлинади.

Бу даврдаги саналарни аниқ ва мутлақ белгилашда табиий фанлар маълумотларидан фойдаланилади.

Ўрта Осиё қадимги тош даври - палеолит илк, ўрта ва сўнгги босқичларга бўлинган бўлиб, 700 минг йил аввал бошланади, деб тахмин қилинади (айрим фикрларга кўра, 1-1,5 млн. йил аввал). Мезолит (мил. авв. 12-7 минг йиллар), неолит (мил. авв. 6-4 минг йиллар) тош даврининг кейинги босқичлариdir. Энеолит - мис-тош даври бўлиб, милоддан аввалги 4-3 минг йиллар билан саналади. Милоддан аввалги 3 минг йилларнинг ўрталарида бронза даври, милоддан аввалги 1 минг йилларнинг бошларида эса - темир даври бошланган.

Шуни алоҳида назарда тутиш керакки, ҳар бир янги давр ва янги шакллардаги маданиятнинг нотекис ривожланиши туфайли, Ўрта Осиё ҳудудида маданий ривожланиш жараёни ҳам бир хил бўлмаган.

Энг қадимги жамоа тарихи ўрганилишининг муҳим масалаларидан бири, антропогенез-одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши муаммосидир.

Ўрта Осиё энг қадимги одамлар ривожланган ҳудуд деб ҳисобланади. Одамзотнинг ушбу ҳудудни эгаллаши аста-секинлик билан юз берган бўлиб, бу жараёнда ҳали ноаниқликлар жуда кўп. Ўзбекистон ва умуман, Ўрта Осиёда одам илк палеолит даврида тарқала бошлайди. Бу даврга оид Фарғона водийсидаги Селунгур, Бухоро вилоятида Учтут ва Оҳангарон дарёси воҳасидаги Кўлбулоқ мақонлари мавжуд.

Бу мақонларда энг қадимги одамларнинг бутунлай сақланган қазилма қолдиқлари топилмаган, шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ҳудудидаги илк палеолит даври одамининг антропологик тузилиши ҳақида бир нарса дейиш қийин. Фақат унинг табиий (ташқи) кўриниши 1927 йилда Пекин яқинидаги Чжокоутян горидан топилган синантропга («Хитой одами») ўхшашлигини тахмин қилиш мумкин холос.

Шарқий Африка ва Жануби-шарқий Осиё инсон пайдо бўлган дастлабки ўчоқлари деб ҳисобланади. Антрополог ва археологлар фикрларига кўра, Ўрта Осиёда жойлашган энг қадимги одамлар, Жануби-шарқий Осиё аҳолисининг қариндошлари бўлиши мумкин.

Селунгур горида қирғичлар ва тешгичлар каби тош қуроллар топилган. Күпөл, содда қуроллар, шунингдек Бухоро вилоятидан ва Оҳангарон дарёси водийсидан ҳам топилган. Бу даврда одамлар тошдан ясалган қадимий чопқичлар, куракчалар, тешгичлар каби қуроллардан фойдаланганлар.

Ўрта Осиёда ўрта палеолит даврига оид 100 дан ортиқ ёдгорликлар мәлум. Ўзбекистон ҳудудидаги Тешиктош, Хўжакент, Обирахмат, Қўлбулоқ ва Қўтиргулоқ маконлари шулар жумласидандир.

Бойсун тоғида жойлашган Тешиктош фори ўрта палеолит ёдгорликлари орасида энг машҳуридир. Ўрта палеолит - мустъе маданияти маконларидан топилган тош буюмлар, нуклеуслар, қирғичлар ва тешгичлардан иборатdir.

Ўрта палеолит даврида неандертал қиёфадаги одамлар яшаган. Неандертал одамлар илк палеолитнинг ашел даврида яшаган синантроп ва шитеантроп каби одамлардан узоқлашиб кетиб, ҳозирги (замонавий) қиёфадаги одамларга яқинлашиб қолган эди.

Инсониятнинг меҳнат фаолияти ва янги ижтимоий муносабатларининг ривожланиши натижасида сўнти палеолит даврида уруғчилик жамоалари пайдо бўлган.

Мезолит даврида музликнинг чекиниши билан иқлим ўзгариб, анчагина илиқлашади. Янги экологик мұхит хўжаликнинг янги шаклларига асос бўлиб хизмат қилган. Овчиликнинг тармоқлари анчагина кенгайиб, йирик ҳайвонлар билан биргаликда майда ҳайвонлар ов қилина бошланган. Балиқчилик ҳамда овчиликда ишлатиладиган янги қуроллар, наиза, ўқлар ва кесувчи қуроллар пайдо бўлади.

Неолит даврида термачилик, овчилик ва балиқчиликдан хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклига - лалмикор дехқончиликка ва уй чорвачилигига ўтиш содир бўлган. Дехқончилик ва чорвачиликнинг тараққий этиши жамият тарихида муҳим аҳамиятга эга.

Ўрта Осиёда дехқончилик ва чорвачилик дастлаб Копетдоғ олди (Клинуий Туркманистон)да вужудга келган. Милоддан аввалги 6-5 минг йилликларда бу ерда дехқонларнинг ўтроқ манзилгоҳлари (Коёнун мәданияти) вужудга келди. Манзилгоҳлар пахсадан курилтип кичик бир хонали уйлардан иборат бўлиб, бу ерда тош қуроллар, ўроқлар, пичоқлар, бигизлар ва қадамалар топиб текширилди. Бу даврга келиб, кулолчилик тарихи - сопол идишилар ясаш бўлишиниди.

Неолит даврида Ўзбекистон ҳудудида овчилик ва балиқчилик тарихи ширининг ривожланиши давом этган. Бу даврга оид ёдгор-

ликлар Хоразмда (Калтаминор маданияти), Орол олди, Фарғона ва Зарафшон этакларидан топилган. Туар жойлар ярим өртүла ва чайлалардан иборат бўлган. Топилмалар орасида кўлда ясалган со-пол идишлар, силлиқланган тошбоглалар, ўқ учлари, тошдан ва суяқдан ясалган тақинчоқлар учрайди.

Мистош - энеолит даври тош қуроллардан фойдаланиш билан бирга мис қуроллар тарқалиши билан изоҳланади. Мисдан фойдаланиши жараёни хўжалик ва хунармандчиликка турли ўзгаришлар кириптган. Бу даврда сугорма дәхқончилик тарихи бошланди. Туркманистоннинг жанубида дастлабки сунъий сугориш иншоотлари барпо этилган.

Бу даврда Ўрта Осиё аҳолисининг ҳосилдорлик ва табиий кучларга, уй ўчоги ва оловга сигинишлари билан боғлиқ бўлган мафкуравий тасаввурлари шаклана бошлади.

Милоддан аввалги III минг йилликнинг иккинчи ярми ва II минг йилликларда металпургия соҳасида янги мудаффақиятлар кўлга киригтилган. Мисни қалай билан аралаштириб, бронза ҳосил қилинди. Ўрта Осиёнинг турли қабилалари Ўртасида маданий алоқалар кучайди.

Археологик ёдгорликлар ва моддий манбалар турлари



ПАЛЕОЛИТ - ҚАДИМГИ ТОШ ДАВРИ ТАРИХИ. МОДДИЙ МАДАНИЯТ

Ўрта Осиёда инсон маданиятининг энг қадимги манбалари илк палеолитнинг ашел даврига мансубdir. Турли хил маълумотларга кўра, бу ҳудудларда одамлар жуда қадимги замонларда ўрнаша бошлиганлар. Энг қадимги тош қуроллар - тош сиҳчалар, қўл чўқморлари ёки дарё тошларидан ишланган содда ва қўпол қуроллар (чопперлар) Вахши водийсидаги Қизқалъа, Туркманистондаги Қоратангир ва Янгажа, Қирғизистондаги Онарча дарёси бўйида, Фарғона водийсидаги Селунгур маконида ва Қайрағоч қишлоғи атрофида топиб текширилган. Жанубий Қозогистоннинг Қоратоғ олди, Бўриқазиган ва Танирқазиган маконлари ҳам ашел даврига оидdir.

Ўзбекистон тупроғида илк палеолит даври ёдторликлари Бухоро, Самарқанд вилоятларида ва Оҳангарон водийсида (Учтут, Ижонд, Кўлбулоқ) текширилди. Археологик текширишлар натижасида қадимги тош даври маконларида чақмоқтошдан ясалган кескир қуроллар, тош парракчалари ва курол учун ишлатилган тош синиқлари топилган.

Илк палеолит даври меҳнат қуроллари ўзининг соддалиги ва қўпполлиги билан кейинги даврларнинг меҳнат қуролларидан анча фарқ қиласи. Ашел даври маконлари сувга яқин, очиқ ерларда бўлган. Энг қадимги одамлар дастлаб туда бўлиб яшаганлар. Маконларда топилган ҳайвон суюклари ва тош қуролларнинг хусусиятлари энг қадимги одамлар овчилик ва термачилик билан шуғулланаб, шу асосда ҳаёт кечирганлигини кўрсатади.

Шубҳасиз маълумки, у пайтда одамларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиши даражаси уларга якка-якка яшаш учун ҳеч қандай имкониятлар яратиб бермаган. Уларнинг озиқ-овқат заҳираларави чегараланган эди, бундан ташқари, якка яшаб, одамлар йирик йирик ҳайвонларнинг ҳужумидан ўз ҳаётларини сақлай олмасдилар. Очлик хавфи ва кўп вазиятларда номаълум табиий жараёнлар энг қадимги одамларни туда бўлиб яшашга мажбур қилган. Олимлар фикрига кўра, ашел давридаги иқлим иссиқ бўлганлиги учун одамларнинг уй-жой ва кийимга эҳтиёжи бўлмаган.

Ўрта палеолит (мустеъ) асли бошланиши билан табиий вазият кескин равишда ўзгарган. Музлик даврида Ўрта Осиё ҳудуди Евросиё шимолига нисбатан музламаса ҳам, жуда совиб кетган эди.

Ўлкамизда топиб текширилган ўрта палеолит даври маконлари, асосан, горларда жойлашади. Демак, музлик босиб келини билан

үй-жой зарур бўлиб қолиб, одамлар табиий пана жойлар - горларни эгаллашга ҳаракат қилганлар.

Жаҳон тарихи фанида машҳур Тешиктош гор-макони шу вазијатни ўрганишида муҳим аҳамият касб этди. Бу макон Бойсун тогининг дengиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган. Горнинг чукурлиги 21 метр. Бундай табиий бошпана остида қадимги жамоа авлодлари бир неча минг йиллар давомида ҳаёт кечирганлар.

Неандерталлар замони музлик даврига тўғри келиб, бу даврда инсон мураккаб тарихий синовлардан ўтган. Одамларнинг асосий машғулоти овчилик бўлиб, кўп сонли ва турли шакллардаги қуролларни ишлаб чиқаришни талаб этган ва энг қадимги хўжаликнинг асоси бўлиб хизмат қилган.

Мустеъ даврининг ҳайвонот дунёси турли-туман бўлиб, инсонлар тоф эчкиси, буғу, қулон, кўён ва кушларни ов қилганлар. Одамлар аста-секинлик билан йирик ҳайвонларни ҳам ов қилишни ўрганиб борди, улар оловдан фойдаланиш ва уни сақлашга ҳаракат қилидилар. Узлуксиз меҳнат асосида инсон ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўзгариб борди.

Олов - совуқдан ва йиртқич ҳайвонлардан сақланиш, овқат пишириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Аввало ўтни эгаллаш ўрмондаги ёнғинлардан, табиий ўтлардан фойдаланишдан бошланган. Бундай ўтларни ўчирмасдан, узок вақт давомида сақлаб туриш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлган. Шу билан бирга, одамлар ёғочларни ишқалаш ўйли билан ва чақмоқтошлардан ўт чиқариш ўйларини топганлар.

Одамлар йирик ҳайвонларга ов қилиши натижасида овчиликнинг усуслари кўпайиб борган (ҳайвонларни ўраб олиш, ботқоқликка ҳайдаш, жарга кулатиш ва бошқалар). Ҳайвонларни овлаш жараёни меҳнатни мақсадли ташкил қилишни талаб этган.

Тешиктошнинг ўрта палеолит даври қабрида неандертал одамнинг суяклари билан бирга найзасимон тош қуроллар топилган. Одамнинг жасади ёнида тартиб билан териб қўйилган бир неча жуфт тоф эчкиси шохлари ҳам топилган. Илк палеолит даври қабрлари номаълум, аммо Европа ва Осиё турли вилоятларининг ўрта палеолит даври маконларида қабрлар учрайди.

Мустеъ даврида жасадларни ерга қўмиш маросими, одамлар мурладан қўрқанлари туфайли, унга меҳрибонлик қилиш ва мурдани ҳайвонлардан сақлаш сабабларига кўра вужудга келган. Бу жараён одамларнинг ақлий жиҳатдан анча ривожланиши ҳақида далолат беради.

Тешиктооща топилган неандертал боланинг тикланган қиёфа-сининг кўришишида, унинг бош суюги катта (неандертал одамнинг мия косасининг ҳажми ўргача 1400 куб. см. бўлган), аммо пешонаси тор. Неандертал одамлари ҳозирги қиёфадаги одамларга ташки кўриниш жиҳатидан яқинлашганлар.

Сўнгти палеолит замонида қуроллар ясашинг янги усуллари вужудга келган. Қуроллар тош парракчалардан ясалиб, кўпинча нуклеусларнинг (нуклеус - тош ўзак) янги шакллари билан боғланадилар ва қуролларнинг хили кўпая бошлайди. Сўнгти палеолит даври маконларида тош кескич билан тош қирғич қуролларнинг турли хилдаги намуналари топилган. Тош парракчалар узунчоқ, юпқа пи-чиқсимон шаклда бўлиб ҳийла такомиллашади. Бу даврда суюклардан ишланган қуроллар ҳам тарқалган.

Сўнгти палеолит - неандертал қиёфали одамдан замонавий қиёфали одамга ўтиш давридир. Замонавий қиёфали одамнинг пайдо бўлиши сабабларидан бири - бу жамоада яқин қариндошлар ўртасида никоҳнинг ман қилиниши бўлиб, ушбу вазият одамнинг жисмоний турини биологик жиҳатдан тез ўзгаришига олиб келган.

Сўнгти палеолит даврининг муҳим хусусиятларидан бири, ибтидоий тўдадан уруғ жамоасига ўтилишидир. Уруғчилик тузумининг бошлангич ва асосий шакли матриархат - она уруғидан иборат бўлган. Уруғчилик тузуми инсон ҳётидати бир қатор ижобий ўзгаришларнинг пайдо бўлишича асос соглан. Манзилгоҳлар ов қилинадиган жойлар билан боғланган, бу жойларга қариндош-уруғлар эга бўлиб, улар овчилик билан тирикчилик ўтказганлар.

Сўнгти тош асирида энг қадимги тасвирий санъат (ҳайкалтарошлиқ ва рассомчилик) пайдо бўлган. Қоятош расмларида дастлаб ҳайвонларнинг суратлари ва кейинги даврларда (мезолит, неолит) ов манзаралари тасвирланган. Қоятош расмлари узоқ аждодларимизнинг маданияти, гоявий қарашлари ва диний эътиқодини ўрганишда муҳим тарихий манба бўлиб ҳисобланади.

Сўнгти палеолит даврига оид ёдгорликлар топилган жойлар Бўзсув, Туябўғиз, Самарқанд макони, Хўжагор, Учтут, Шуғнау ва бошқалардир.

Бу даврда одамлар форлардан чиқиб, енгил турар-жойлар қура бошишганлар. Натижада улар фақат тоғли худудларда яшаб қолмай, поҳдилор бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар соҳилларига келиб жойлаша бошлайдилар. Сўнгти палеолитнинг энг катта ютуғи антропогенез жараёнининг тугалланиши ва ҳозирги замон олимларининг (кроманьон) пайдо бўлишидир.

**Ўрта Осиёда палеолит даври ёдгорликлари ва
куролларининг ривожланиши**

Сана	Давр	Ёдгорликлар	Куроллар
- 12 минг йиллик - 20 - 30	Сүнгги палеолит	Бўзсув Учбулоқ Самарқанд макони	Найзасимон, тош чопқич, тошкескич, тош парракча
- 40 - 50 - 60 - 70 - 80 - 90 - 100	Ўрта палеолит	Обираҳмат Хўжакент Кўлбулоқ Тешиктош Кайроқум Омонқутон	Тош кирғич, тош парракча, найзасимон тош учи нуклеус, ўтқир пайконлар, қўл чопқичлари, куракчалар
- 200 - 300 - 400 - 500 - 600 - 700	Илк палеолит	Кўлбулоқ Бўриқазиган Танирқазиган Қоратангир Кизқалъа Селунғур Онарча	Кўл чўқмоқлари, тошқирғич, тош парчалари, чоппер - дарё тошларидан ишланган куроллар

**МЕЗОЛИТ, НЕОЛИТ ВА ЭНЕОЛИТ
ДАВРИ ТАРИХИ**

Мезолит даври ёдгорликлари. Ўрта тош даври бошланиши билан музлик даври тутайди. Улкан музликнинг чекиниши натижасида, иқлим ўзгариб, ҳозирги давр иқлимига анча ўхшаб қолган эди. У иликроқ бўлиши туфайли, Ўрта Осиёнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси (фауна ва флора олами)да ҳам ўзгаришлар юз берган. Табиий ўзгаришлар палеолит даври йирик ҳайвонларининг аста-секин қирилиб, йўқолишига асос солди. Улар ўрнига кўпдан-кўп майда ва ўртача ҳайвонлар (жайрон, сайғоқ, қулон, бугу, архарлар, қуён, қоплон, арслон ва бошқалар) кўпая бошлади. Табиатдаги бу ўзгаришлар, ўз наъбатида, одамларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлишига олиб келган.

Мезолитнинг бошланиши ўқ-ёйнинг ихтиро қилиниши даврига тұғри келади. Камон ва ўқнинг вужудға келиши мезолитнинг энг катта ютуқларидир. Мезолит маконлардан тощдан ишланған майдыңда қуроллар - микролитларнинг топилиши диққатта сазовор. Қуроллар орасыда найза ва камалак ўқ учлари анча кенг тарқалған.

Мезолит даврида одамлар Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудида ёйилди, улар асосан дөнгиз ва құллар бүйларида, тоғлар, тоғолди ва дарё водийларида яшай бошлаганлар.

Мезолит даври ёдгорликлари турли географик қисмларға бўлиниб ўрганилади: Каспий дөнгизининг бўйлари (Жебел, Кайло, Қашқирбулоқ маконлари), Жанубий Тожикистон (Чилчорчаашма, Сойсаёд), Помир тоғлари (Ошхона, Қоратумшук), Жанубий Ўзбекистон - Сурхондарё (Мачой, Зараутсой), Фарғона (Обишир, Сухсой), Тошкент вилояти (Бўзсув, Кўшилиш), Зарафшон водийиси (Учтут).

Мачой гор-макони мезолит даври ёдгорликларининг энг муҳим намуналаридан биридир. Археологик қазиши ишлари натижасида маконда чакмоқтошдан ва күмтошдан ишланған ов ва меҳнат қуроллари билан бир қаторда ҳайвонларнинг суюклари (буғу, тоғ эчкилари, бўри, тулки, күён, айиқ ва бошқа суюклар) топилган. Мачой горида мезолит даври одамининг бош суюклари, тиши ва жағи ҳам топиб текширилган.

Мезолит даврида ҳам уруғ аъзоларининг жамоа меҳнати ва ўзаро ёрдамлари ҳәётнинг зарурий шарти бўлган. Камон ва ўқлардан иборат янги қуролларнинг ихтиро этилиши натижасида хўжаликнинг янги турлари вужудға келди. Мезолит даврининг энг катта ютуқларидан бири - ит, қўй ва эчкиларни қўлга ўргатила бошланиши эди. Милоддан аввали IX-VII минг йилилар давомида Олд Осиёда овчиликдан чорвачиликка ва термачиликдан дәхқончиликка, хўжаликнинг ишлаб чиқариш шаклига ўтиш бошланған. Бу жараён тарихда бир вақтда бошланмаган ва баъзи жойларда анча эрта, бошқа жойларда бироз кеч содир бўлган.

Ҳайвонларни қўлга ўргатиши қай тариқа бошланған? Тарихчилар ва этнографларнинг айтишича, овда камон ишлатилиши натижасида бевосита истеъмолдан анча ошиқ ўлжа топиш мумкин эди. Овчилар ярадор ҳайвонларни ёки уларнинг болаларини бирданига ўлдириласдан, уйларига олиб келганлар. Айрим ҳолларда, бу ҳайвонларни одамлар озиқ-овқат фамлаб қўйиш мақсадида боқишилари лозим бўлган.

Термачилик машгулотининг ривожланиши натижасида, инсон ўсимликлар олами хақида кўп маълумотларга эга бўлган (ўсимлик

ва дараҳтлар ўсиши қонуниятлари, ҳосил қилиши, уларнинг фойдалиги ва заарлиги, дон ва уруғлар, мевалар, илдизлар ҳақида ва бошқа маълумотлар). Мезолит даврида қадимги Шарқдаги иссиқтабаб ёввойи бошқоли ўсимлик ва дараҳтлар ҳам тобора кўпая борган. Бу ерда дәхқончилик ривож томшигига турли хил имкониятлар бўлган. Олд Осиё ва Икки дарё оралигига яшовчи термачилар буғдой ва арпа экиш тарихини бошлаб берганлар. Шу худудларда милоддан аввалги X-IX минг йилликларда ит ва мушук қўлга ўратилган. Улар энг қадимги хонакилаштирилган ҳайвонлар бўлиб, ит овчиларга хизмат қилган.

Ўрта Осиёда мезолит даври одамлари сўнгти тош асрига нисбатан жадал ривожланиб, кейинги даврлар маданияти ривожланиши учун катта имкониятлар яратиб берганлар.

Неолит даври моддий маданияти ва ҳўжалиги. Ўрта Осиёнинг жанубида неолит даври милоддан аввали VI минг йилликда бошланган. Неолит тош асрининг сўнгти ва якунловчи босқичи ҳисобланади. Бу даврда одамлар турли табиий шароитга мослаша бошлангар ва шундан келиб чиқиб, турли географик худудларга тениши уй-жойлар, меҳнат куроллари ва ҳўжаликлар ҳам ҳар хил шаклда ривожланиб борган.

Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлими жанубий ўлкаларида яшаган кишилар дәхқончилик, чорвачилик ва уй ҳунармандчилиги шаклари билан машғул бўлганлар. Шимолий ўлкаларда яшовчи аҳоли, (тоғлар, тоғолди ва даштлар) табиий шароити туфайли, аввалидек, асосан овчилик ва балиқчилик билан шугулланиб, моддий маданият жиҳатдан орқада қолиб кетган. Бунга ҳўжаликларнинг нотекис ривожланиши сабаб бўлган.

Жанубий Туркманистон аҳолиси 8-7 минг йил аввал дәхқончиликнинг дастлабки шаклари билан шугуллана бошлаганлар. Илк неолитда ўтроқ маконлар ва пахсадан курилган уйлар пайдо бўлади (Жойтун, Чагалли, Чўпонтепа). Дон қолдиқлари (арпа, буғдой), тошдан ишланган ўроқлар, пичоқлар, ёргучоқлар дәхқончилик кашиф этилганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларида неолит даври қабилалари тоғларда, дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, кўл бўйларида яшаб, табиий имкониятидан келиб чиққан ҳолда овчилик ва балиқчилик билан шугулланганлар (Хоразмда Калтаминон маданияти, Жанубий Тожикистондаги Ҳисор маданияти ёки Фарғона неолит даври маданиятлари). Неолит даврининг энг катта ютукларидан бири - бу кулолчиликнинг пайдо бўлишидир. Қадимги Шарқ

тариҳидан мълумки, энг қадимги идишлар милоддан аввалги VIII-VII минг йилликларга оид булиб, ёғочдан ясалган ва новдадан түқилган. Саватлар байзан лой билан сувалган ва ана шундай сават тасодифан гулханга тушиб қолтан бўлиши мумкин. Ўтда саватнинг новдалари куйиб кетган, сувалган лой эса шу дараражада қотиб қолган. Албатта, лой гулханга бошقا вазиятларда ҳам тушиб қолиши мумкин эди. Одамлар ўтда куйган лойнинг пишиклигини эътиборга олиб, лойдан ясалган ва гулханда куйдирилган буюмларнинг рўзгор учун фойдали амалий аҳамиятини тушуниб етганлар. Шу асосда кулолчилик ривож топган.

Неолит даври кишилари қай билимлар, йўллар ва услублар орқали кулолчиликни кашф этмасинлар, улар лойдан ҳар хил идишлар ясашни ва уларни оловда пиширишни ўргандиларки, бу ўша замон учун жуда катта маданий ютуқ эди.

Сопол идишлар овқат тайёрлаш ва озиқ-овқатларни сақлаш учун одамларга янги имкон яратган. Чорвадор ва деҳқон, овчи ва балиқчилар ҳам сопол идишлардан кенг фойдалантганлар. Неолитда вужудга келган кулолчилик, айниқса деҳқончилик ва уй чорвачилиги тараққиёти учун зарурый шарт эди.

Жанубий Туркманистондаги неолит даври маданияти Жойтун маданияти деб аталади (милоддан аввалги VI-V м.и.). Жойтун Ўрта Осиё ҳудудида энг машҳур деҳқончилик масканидир.

Жойтун манзилгоҳи харобалари Ашхободдан 25 км шимолдаги Коракум билан кесилиб чегараланган ерларда жойлашади. Жойтун маконида ярим гектар майдонни эгаллаган 30 та бир хонали қадимги уй-жойларнинг қолдиклари топиб текширилган. Уйларнинг ҳар бирида алоҳида ўзоқлар, суфалар ва токчалар бор. Ҳар бир уйда якка 5-6 кишидан иборат оила яшаган. Демак, Жойтун қишилогида 30 та уй-жой булиб, уларда 150-180 киппи яшапи мумкин бўлган.

Жойтунликлар деҳқончилик билан бирга эчки ва қўй боққанлар. Уйларнинг сатҳидаги лой сувогида арпа ва буғдой донлари сақланиб қолган.

Жойтунда топилган сопол идишлар рангли нақшлар билан безатилган. Идишлар ҳар хил шакллардан иборат булиб (хумча, туваксимон, қозонча, косасимон, пиёла), қадимги деҳқоннинг хўжалик ҳаёти ва уй рўзгорида катта аҳамиятга эга бўлган.

Жойтун харобаларида тош болталар, ўроқлар, камон ўқлари-нинг учлари, мунҷоқлар, урчуқлар ҳамда лойдан ишланган ва гулханда пиширилган одамлар ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари топилган.

Неолитда кулолчиликдан ташқари, түқимачилик ҳам қашф этилади, ўзаро буом ва озиқ-овқат алмашинуви ривожланади, қадимги жамоаларнинг моддий ва маънавий маданияти жадал ривож топади.

Хўжаликнинг илгор ишлаб чиқарувчи шакллари - деҳқончилик ва чорвачиликнинг қашф этилиши тарих фанида «неолит инқиlobи» деб аталади. Одам узоқ тарих давомида табиатда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотдан фойдаланиб, хўжаликларнинг ибтидоий шаклларини ривожлантирган. Бу жараён одамнинг ақлий ва жисмоний тараққиёти, билимлари, тажрибаси, амалий машғулотлари ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганилиги билан бевосига боғлиқ бўлган. Мезолит ва неолит даврига келиб, инсон ўз меҳнат фаолияти билан табиатта фаол таъсир этиб, илгор унумдорлик хўжалигига ўта бошлаган.

Шу билан бирга энг қадимги хўжалик турлари (маданиятларнинг нотекис ривожланганилиги туфайли) неолитда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўрта Осиёning турли вилоятларида (Хоразм, Бухоро воҳаси, Фарғона, Ҳисор тоғлари) овчилик ва балиқчilik шу даврда хўжаликнинг асосини ташкил этган.

Хоразм тупроғида Калтаминор маданиятига тегишли (милоддан аввалги V-IV минг йилликлар) Ёнбошқалъя (Жонбошқалъя) макони дикқатга сазовордир. Бу ерда 290 кв. метр ҳажмли турар жойнинг қолдиги топилган. Бу макон чайла шаклида бўлиб, ёғоч устун, синчлар билан кўтарилиган. Чайла ўртасида катта марказий ўчоқ қолдиги, унинг атрофидан эса 100 га яқин майдада ўчоқлар қолдиклари топилган. Этнографик маълумотлар билан солиширилган ҳолда, Калтаминор маданияти манзилгоҳлари йирик жамоалар аъзоларига тегишли бўлганлиги аниқланган.

Манзилгоҳ ўртасидаги катта марказий ўчоқ турли маросимлар пайтида бугун жамоа аъзоларига хизмат қилган. Унинг атрофида жойлашган майдада ўчоқлар эса айрим оиласаларга тегишли бўлган.


Калтаминор маданияти маконларидан сопол идишлар, тош қиргичлар, нуклеуслар, найза ва ўқларнинг учлари ва бошқа тош куроллар топилган.

Неолит даври ёдгорликлари Бухоро воҳаси ва Қизилкумда ҳам топиб текширилган. Даравозақир I маконидан чайласимон уй-жой қолдиги, бир нечта ўчоқ, тош куроллар ва сопол идиши парчалари топилди.

Археологик маълумотларга кўра, Зарафшон этакларида неолит даври маконларидан 17 мингдан ортиқ тош қуроллар топиб текширилган. Уларнинг орасида силлиқланган болта ва поналар, пичоқлар, қиргичлар, ўқ ва найза учлари бор.

Неолит даврида қадимги қабилалар Ўрта Осиё ҳудудларини көнг миқёсда әгаллайтилар. Бу даврда үлкамиз ҳудудларида дәхқонлар билан бирга овчилар ва балиқчилар ҳам яшаганлиги аниқланды. Хуллас, неолит даври ёдгорликлари Ўрта Осиё қадимги тарихи-пинг долзарб масалаларини үрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Хонакилаштирилган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг дастлабки марказлари



Тош даври маданиятининг ривожланиши



Энеолит даври. Хўжалик. Ҳунармандчилик. Маддий маданият.
Энеолит - мистош давридир. Милоддан аввалги IV минг йилларга-ча одамлар фақат тошдан, ёғочдан ва суюқдан ясалган қуроллардан фойдаланганлар. Мисдан ишланган қуроллар ва буюмлардан фойдаланиш инсоният тарихида яна бир улкан босқич бўлиб, турли вилоятлар тараққиётининг янги асосда ривожини тезлаштиришга имкон берган.

Энеолит даврига ўтилиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада юксалганлигини кўрсатади. Мисдан ишланган қуроллар тош қуролларга қараганда анча такомиллашган бўлса-да, лекин мис кучли ва оғир қуроллар ясаш учун яроқсиз бўлган. Шу сабабдан, энеолит даври қабилалари тош қуроллардан ҳам кенг фойдаланганлар. Мис ва тош қуролларнинг ишлатилиши қадимги хўжалик тармоқлари-нинг ривожланишида катта аҳамиятта эга бўлган.

Қадимги Шарқда ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши асосида катта, серсув дарёлар водийла-рида шаҳар-давлатлар пайдо бўлди. Бу ерда қулай табиий шароитлардан ташқари, ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг умумий ривожини тезлаштиришга имкон берган.

Қабилаларнинг ижтимоий, иктисодий ва маданий тараққиёти бир хил даражада бўлмаган. Неолит даври қабилалари орасида ву-жудга келган иктисодий ва маданий нотекислик мистош замонида анча кучайди. Мазкур даврда Европа ва Осиё аҳолиси хилма-хил хўжалик турларига бўлинган. Шу асосда ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий этган.

Овчилик ва балиқчилик асосида ривожланған жамиятлар икти-содий ва маданий жиҳатдан орқада қолган. Уларнинг ижтимоий муносабатларида тош даври тузумига хос хусусиятлар сакланган. Лекин қадимги Шарқ давлатлари чегараларида яшовчи деҳқончилик билан машғул бўлган қабилалар ҳам (Кавказорти, Ўрта Осиёнинг жануби) қадимги уруғчилик тузумининг кўпгина хусусиятларини сақлаб қолганлар. Бу вилоятларда деҳқончилик ортиқча маҳсулотларни кент даражада яратилишига асос бўлмаган. Уругчилик, қабилавий тузум хусусиятлари сақланиб қолган ҳолда, жамоалар озиқ-овқат маҳсулотини умумий мулкка айлантириб, маҳсулотлар баравар тақсимланган эди. Тузумнинг мустаҳкам бўлганлиги, истеъмол воситаларининг бараварлиги, меҳнат унумдорлигигининг пастилиги ва хўжаликни бутун уруғ аъзолари биргаликда бошқарганлити - ибтидоий тузумнинг асосий белгилариdir.

Энеолиг даври қабилаларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёти бир хил даражада бўлмаган. Бу давр тарихи ҳам Ўрта Осиё ахолиси иқтисодий-маданий жиҳатдан нотекис ривожланганидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида неолит билан энеолит хронологик жиҳатдан бир вақтга тўғри келган. Туркманистоннинг жанубида мистош даврининг бошланиши милоддан аввалти IV минг йилликка мансуб бўлган бўлса, худди ўша замонда Ўрта Осиёнинг шимолий дашт ва шарқий тоғлик вилоятларида қадимий қабилалар асосан овчилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шуғулланганлар. Бу икки давр (неолит ва энеолит) маданий-хўжалик даражалари жиҳатдан бир-биридан фарқ қилган. Маданий-хўжалик турлари қадимги машгулотлар, турар жой, уй-рўзгор буюмлари, ишлаб чиқариш қуроллари асосида ўрганилади.

Металлчиликнинг кашф этилиши ва хўжалиқда мис қуролларнинг жорий қилиниши бир неча асрлар давомида содир бўлган. Одамлар ўз меҳнат қуролларини ясаш учун ҳар хил тошлар қидириш жараёнида табиий мисга дуч келганлар. Дастилабки меҳнат қуроллари ердан соғ ҳолда топилган мисдан ясалган. Кучли оловда мис рудасини суюқликка айлантириш металлчиликнинг ривожланишига сабаб бўлган. Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг бир неча вилоятларида очиқ мис конлари, улар атрофида металл эритиш қўралари топилди.

Мисдан ҳарбий қуроллар, уй-рўзгор буюмлари ва зеб-зийнатлар ҳам тайёрланган. Аммо мис юмшоқ металл сифатида, қабилаларнинг хўжалик ҳаётида тошдан ишланган қуролларни сиқиб чиқаролмаган, ҳатто бутун илк металл асри давомида тош қуроллардан кенг фойдаланилган. Шунинг учун ҳам бу давр мистош даври деб аталади.

Ўрта Осиё энеолит даврининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлари моддий топилмалар асосида ўрганилади. Бу ҳудуднинг жануб қисмида Жойтун маданиятининг анъаналари янги асосда анча юксак даражада ривож топиб, янги маданий-тариҳий жараёнлар билан боғланади.

Илк ва ривожланган мистош даврида қабилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида катта фарқлар ва нотекисликлар сақланади. Янги хўжалик турлари - дехқончилик ва уй чорвачилиги аввалидек Ўрта Осиёнинг жануби-гарбидаги кулай географик шароитда ривожланиши туфайли, бу ердаги қабилаларнинг маданий-хўжалик ва ишлаб чиқариш тараққиётининг янги

босқичи бошланади. Қуий Зарафшон ва Амударё ҳавзаларида яшовчи қабилалар зироатчиликка ўтмаганлар. Ўрта Осиёning шарқий қисмидаги туманлар аҳолиси хўжалигида овчилик устунлик қилас эди.

Ўрта Осиёning шимолий ва шарқий вилоятларида Калтаминонга Ҳисор маданиятларига мансуб маданий-хўжалик турлари тарқалган. Даشت ва тоғ маконларидан топилган хилма-хил моддий манбаларни ўрганиш натижалари (сопол идишлар, тош куроллар, ҳайвон ва күшлар суюклари) қабилаларнинг иқтисодий ҳаётида овчилик ва балиқчilik тирикчиликнинг асосий манбаи бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга даشت қабилалари тарихида чорвачиликнинг ilk босқичи бошланган. Аҳолининг асосий қисми дарёларнинг ирмоқлари соҳилида ва кўллар атрофига яшаган. Табиий бойликлар энеолит даври одамлари учун ҳаёт манбаи эди.

Жанубий Туркманистанда Жойтун маданияти асосида Анов I-II ва Намозгоҳ I-III даврига мансуб энеолит даври маданияти кенг ҳудудда тарқалган.

Копетдог атрофидаги ерлар ўзининг табиати ва иқлими жиҳатидан (ерлари қуруқ ва иссиқ иқлимли) дехқончилик учун қулай эди. Энг қадимти сугориш тармоқлари шундай шароитга эга бўлган сойлар этакларида вужудга келган. Тоғ дарёлари бўйларида яшовчи қабилалар қадимдан арпа, буғдой, беда, полиз ва бошқа экинларни сугоришида, асосан сой сувларидан фойдаланганлар.

Жанубий Туркманистанда энеолит замонига мансуб 32 та қадимги макон маълум. Уларнинг асосий қисми Ашхободга яқин жойда ва Геоксур воҳасидан (куйи Мурғоб ва Тажон дарёлари воҳасида) топиб текширилди. Геоксур воҳаси 8 та қадимги манзилгоҳдан иборат бўлиб, энеолит даврида ўғроқ дехқончилик туманига айланган эди. Геоксур воҳанинг аҳолиси 4000-5000 кишидан иборат бўлган.

Геоксуртепа I атрофидаги қадимги сугориш майдонлари 50-75 гектар бўлиб, каналларнинг узунлиги ўртacha 3 км.ни ташкил этган. Қабилаларнинг ҳаётида чорвачилик ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Маконлардан ёввойи күшлар ва ҳайвонлар суюклари топилган. Овчилик дехқончилик қабилалари ҳаётида сақланган бўлса ҳам, лекин хўжалик тури сифатида катта аҳамиятга эга бўлмаган.

Энеолит даври маданиятини яратган қадимги дехқонлар атрофи деворлар билан ўралган қишлоқларда, пахса ёки хом гишглардан қурилган уйларда яшаганлар. Уй-жойлар думалоқ ва тўртбурчак шаклда бўлган. Уйларнинг деворлари сомонли қоришима билан сувалган. Дастлаб эшиклар учун ёғоч ишлатилмай, улар ҳайвон тери-

лари билан түсилган, сүнгти энеолит даврида ёғоч әшиклар пайдо бўлган. Баъзи манзилгоҳлар мудофаа деворлари билан ўралган.

Курилиш услублари анча ривожланган. Уйлар ичида тўрт бурчакли ёки ҳалқа шаклидаги ўчоклар ўрнатилган. Туар жойлар ёнида дон сақлаш учун хўжалик хоналари ва маҳсус молхоналар курилган. Аҳоли кўпроқ майда чорва - қўй ва эчкиларни боққанлар.

Жанубий Туркманистон энеолит замони сопол буюмлари қадимги хунармандчилик касбини ўрганишида юяг қимматли моддий манба ҳисобланади. Сопол идишлар рангдор бўлиб, нақшлар ичида геометрик чизиқлар ва ҳайвон ёки күш расмлари учрайди. Сопол буюмлар ҳар хил шаклларда ясалган, кўпчилик сопол идишларнинг таги ясси. Дон сақлаши учун ҳумсимон идишлар ишлатилган. Улар билан бирга товоқсимон, пиёла ва косасимон майда идишлар ҳам бўлган. Сопол буюмларнинг қизил, қора ва сарик рангли нақшлари минерал бўёқлар билан ишланган.

Моддий топилмалар орасида мис пичоқлар ва иғналар, тошдан ясалган ўроқ ва пичноқ қадамлари, қиргичлар, найза ва ўқ пайконлари, ёргучоқлар ва бошқа куроллар учрайди.

Энеолит даври қадимги жамиятнинг ижтимоий, хўжалик ва маданий ривожланишида катта ўзгаришлар содир бўлган. Сүнгти энеолит она уруғи - матриархат тузумидан патриархат - ота уруғига ўтувчи давр бўлиб ҳисобланади, лекин ота уруғи ҳукмронлиги факат бронза асрида ўрнатилиб, қадимги қабилалар орасида кенг ёйилди.

Археологик қазишмалари натижасида топилган манбалар эътиқод ва илк диний қарашлардан ҳам далолат беради. Энеолит даври ибодатхоналарида рангли девор нақшлари топилган. Иншоотлар ўргасидаги марказий ўчоқ диний маросимлар ўтказишга хизмат қўлган. Бу ўтга сигинишнинг дастлабки шакллари бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки одамлар ибодатхонадаги марказий ўчоқни овқат пишириш учун эмас, балки табиий кучларга сигиниш максадида ишлатгандар. Дехқончилик қабилалари орасида оловдан ташқари қуёшга, ерга, сувга, ҳосилдорликка сигиниш кенг тарқалган. Ибодатхоналар энеолит даври ижтимоий ҳаётининг диний марказлари ҳисобланган бўлиши мумкин.

Лойдан ишланган ҳайвон ҳайкалчалари ва рангли сопол идишлардаги ҳайвон расмлари тотемизм (ҳайвонларга сигиниш) шакллари билан боғлиқ бўлган.

Металлчиликнинг кенг ёйилиши ва меҳнат куроллари ясашиб услуби ўзгариши билан одамлар мис, қалай ва қўргошин конларини қидиришга мажбур бўлганлар (айниқса, мисни қалай билан, қўргошин билан бирга эритиб, қотириш услубини ўрганиб олгандан

сүнг). Илк мистош даврида мис жуда қимматли ашё булиб, соғ мис фақат айрим жойларда учраган.

Дәхқончилек қабилаларининг узоқ вилоятларга тарқалиши янги ерларни ўзлаштиришдан ташқари, табиий қазилма бойликлар, мис конларини қидириш билан боғлик булган.

Бу мисолда, юқори Зарафшоннинг Панжикент шаҳридан 15 км. гарбда топилган Саразм манзилгоҳи муҳим ёдгорликдир.

Саразм маконига милоддан аввали IV минг йилликнинг охирида асос солинган. Қадимги қишлоқ қурилишлари кўп хонали уйлардан иборатдир. Уй-жойлар кичик оиласаларга мўлжалланиб, 2-3 хонали қилиб қурилган. Улар уй-жой ва рўзгор-хўжалик вазифасини бажарган. Туар жойга мосланган хоналардан думалоқ шаклда ишланган ўчоқлар топилган.

Зарафшон воҳасининг юқори қисмида дәхқончилек маданияти ёйилиштига Жанубий Туркманистоннинг Геоксур туридаги аҳолиси сабаб бўлганлигидан дарак беради, лекин Саразм мoddий топилмалари орасида Жанубий Афғонистон ва Калтамиор маданиятларига мансуб буюмлар ҳам бор. Улар энеолит даври қабилалари ўртасида генг маданий ва иқтисодий алоқалардан далолат беради.

Ўрта Осиёдаги энеолит даври жамияти олдинги неолит замони жамиятидан ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиёти даражаси юқори бўлиши билан ажралиб туради. Энеолит даври аҳолисининг энг катта ишлаб чиқариш ютуғи, бу сунъий сугориш - ирригациянинг ривож топшириди.

Бошқа бир маданий янгиликлардан бири - бу сўнгти мистош замони қурилишида меъморий режалаштиришга амал қилинишиди. Кўчалтар, майдонлар ва катта жамоа бинолари тартиб билан қурилган. Бинокорликда пахсадан ташқари, хом гишг ишлатила бошланди.

Қабилалар маҳсулотлари умумий мулкка айлантирилган бўлиб, жамоадаги айрим оиласарнинг ўртасида баравар тақсимланар эди. Уй жамоасининг аъзолари умумий туар жойда яшаганлар, биргалишиб меҳнат қилганлар, қуроллар, рўзгор буюмлари ва хўжалик маҳсулотлари умумий бўлган.

Энеолит замони тарихий-маданий муносабатларини ўрганишда Ўрта Осиё, Эрон ва Месопотамия аҳолисининг маданий алоқалари га эътибор бериш лозим. Ўрта Осиё жанубидаги мистош даври қурилишида ва тасвирий санъатида қадимги Шарқ давлатларининг маданий таъсирини кўриш мумкин. Ташқи савдо ва айирбошлиш асосида Ўрта Осиё жанубида мисдан ишланган идишлар, қуроллар ва зеб-зийнатлар кўпайиб борган.

Энеолит даврининг асосий хусусиятлари



ИЛК ДАВЛАТЧИЛИККА ЎТИШ ДАВРИ

Ўрта Осиё аҳолиси бронза босқичига ўтгач, маҳаллий ишлаб чиқариш тараққиётида янги давр бошланади. Бронза даври милоддан аввалги III минг йилликнинг ўрталари, II минг йилликка мансубdir. Бронза - бу мис билан қўргошин ва қалай қотишмасидир.

У ўз хусусиятлари билан мисдан устун туради. Бронза мисга қаранды қаттиқ ва пишиқдир.

Бронза металгилигининг илк ватани Кичик Осиё ва Иккидарё оралиги бўлган. Қадимги Миср, Месопотамия (Иккидарё оралиги), Кичик Осиё ва Эроннинг жануби-ғарбидаги бронза даврида давлатчилик жамияти кенг равнақ топган. Ўрта Осиё ҳудудида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар анча тараққий топиб, жанубий вилоятларида ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг шакллари янги асосда ривожланган.

Милоддан аввалги III-II минг йилларда дехқончилик ва чорвачилик, Ўрта Осиёнинг дастлабки ўчоқларидан шарқ томонга, яъни ҳозирги Ўзбекистон ва Тоҷикистон ҳудудларига кенг тарқала бошлайди. Бронза давридаги илк дехқончилик аҳолисининг тарихини ўрганиш учун Ўзбекистоннинг турли вилоятларида бир неча қадимги ёдгорликлар топиб текширилган.

Бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта муваффақиятларидан бири - бу қадимги дехқончиликнинг кенг ўйилишидан ташқари, милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида чорвачиликнинг дехқончиликдан маҳсус хўжалик сифатида ажralиб чиқишидир. Мазкур даврда ишлаб чиқариш муносабатлари тез ривожланиб, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга таъсир қилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида қадимги қабилаларнинг иқтисодий, ижтимоий тарихи ва моддий маданияти ҳам янги асосда тараққий этган.

Милоддан аввалги II минг йилликда дехқончилик ва чорвачилик Ўрта Осиё қабилалари хўжалигининг асосий соҳалари бўлган. Бронзадан ишланган куроллар қадимги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни тезлаштиргани туфайли, Ўрта Осиё чўлларида яшаган қабилалар асосан чорвачилик билан машғул бўлган. Чорвачиликнинг дехқончиликдан ажralиб чиқиши - бу дастлабки меҳнат тақсимотидир.

Бронзанинг каашф этилиши билан меҳнат куролларининг хиллари ҳам кўпайди. Бронзадан ханжар, пичоқ, найза, ўрок, жезойна, бигиз, мунчоқ, тамга, идиш ва бошқа буюмлар ишланган. Аммо тош бутун бронза даври давомида ҳам металл билан муваффақиятли равишда рақобат қилиб, куроллар ишлаш манбаи сифатида ўз аҳамиятгини йўқотмаган. Меҳнат куролларини ишлаб чиқариш учун бронза камчил металл бўлиб қолаверган. Тошдан пичоқлар, ўроқлар, ўқ ва найза учлари ҳам ясалган. Ёргуchoқлар аввалгидек кумтошлардан ишланган, тери ишлашда ҳам чақмоқтош қирғичлардан кенг фойдаланганлар.

Бронза даврида маҳсус ҳунармандчилик ишлаб чиқариши вужудга келган. Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида мутахассис кулоллар пайдо бўлган. Милоддан аввалги II минг йилларда кулолчилик ҳунарига чарх кенг жорий этилади. Чархни ихтиро қилиниши кулолларнинг ишини тезлаштириш ва сопол идишларнинг сифатини яхшилаш заруратидан келиб чиқсан. Кулолчилик чархининг ихтиро қилиниши натижасида сопол идишларнинг шакллари кўпайган.

Бу давр тарихий-маданий жараёнлари асосан моддий топилмалар ёрдамида ўрганилади. Қадимшуносларнинг кейинги йилларда ўтказган тадқиқотлари ўлкамизда яшаган қабилаларнинг маданий муносабатларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида ривожланган ишлаб чиқарувчи хўжаликлар асосида муҳим маданий ютуқлар вужудга келган. Кулолчилик, заргарлик, тўкувчилик, йигириш ва тўқимачилик маҳсус ҳунар-касларга айланган. Ўша даврда канал қазиб, дарёлардан сув чиқариш, канал ва ариқларни доимо тозалаб туриш, яъни сунъий суғориш ишлари кенг йўлга кўйилган. Дехқончиликда дон (арпа, буғдой, жавдар) экиш, чорва учун хашик бўладиган ўсимликлар ўстириш, сабзавот ва мевачилик ривожлантирилган.

Макошлар ва моддий маданият. Ўрта Осиёнинг шимолий ва шарқий вилоятларида мавжуд бўлган бронза даври ёдгорликлари жанубий туманларида бронза даври ёдгорликларидан ажralиб туради.

Жанубий Туркманистондаги бронза даври ўтроқ манзилгоҳларида кўп хонали ўй-жойлар топиб текширилди. Бундай уйларда катта патриархал оила жамоалари яшаган. Уйларнинг майдонлари 50-100 м² келади. Улар тўғри бурчакли ўй-жой ва рўзгор-хўжалик хоналаридан иборатdir. Уйларнинг ичидаги супалар ва ўчоқлар бўлган, деворларда токчалар ўрнатилган. Курилища пахса билан хом гингт ишлатилган.

Катта-катта марказий масканлар (Олтингепа, Намозгоҳтепа) мудофаа деворлари билан ўралган. Улар қадимги қишлоқ хўжалик туманларининг ҳунармандчилик ва айирбошлиш савдо марказлари бўлиб, аҳолига меҳнат қуроллари, яроғлар, сопол идишларни ишлаб чиқариш вазифасини ўтаган.

Жанубий Туркманистонда илк бронза даврига оид сопол идишлари рангдор бўлиб, улардаги нақшлар ичидаги ўсимликлар ва ҳайвон расмлари учрайди. Ривожланган бронза даври бошланиши билан сопол идишлар чархда ясалган ва йирик хумдоңларда пиширилган. Сопол буюмлар нақшсиз ва асосан тувак, хум, чойнак, товоқ ва кўпгина бошқа хил идишлардан иборатdir.

Сопол идишлар тайёрлаш бронза даврида такомиллашади. Катта хажмдаги хум ва хұмчасимон идишларда дон ва суюқ маҳсулотлар сақланған. Күза, тувак, коса, товоқсімон идишлар уй рұзгорида кенг фойдаланилған. Идишлар сиғатли бұлиши учун лой тайёрлашға тоза соф тупроқ танланған. Сополларнинг сиртига қизил, сарық, жигаранг бүйек - ангоб берилтән. Идишлардан сув ташиш, овқат ва дон сақлаш учун кенг фойдаланилған. Овқат пишириш учун ишлатилған қозонлар құлда ясалған.

Ўзбекистон тупрографияда милоддан аввалги II минг йиллікка оид маданият бир хилда тараққый топған әмас. Бу босқычда Сурхондарё, Зарафшон воҳаси ва Хоразмдан иборат учта үлкада энг қадимги маконлар топпилған. Ҳар қайси үлканинг маданий тараққиётіда ўзига хос хусусиятлар бўлған. Бу маданиятлар деҳқончилик, уй чорвачилиги ва чорвачилик-деҳқончилик билан шуғулланған қабилаларга мансубдир. Улар бир-биридан ажралған ҳолда тараққий эттан әмас, қабилалар ўртасида кенг маданий алоқалар ўрнатилған әди.

Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё) ўтроқ аҳолининг дастлабки марказларидан бири ҳисобланади. Ушбу вилоятдаги бронза даврига оид Сополлитепада тұртбурчаклы истеҳком қазиб очилди. Истеҳком ичида туар жойлар, рұзгор ва хўжалик хоналари, хунармандчилик устахоналарининг қолдиқлари топпилди. Сополлитепада 8 та гузарга тегишли уй-жой текширилған. Уй-жой сатҳлари лой билан сувалған, дон сақлаш учун ишлатилған хоналарнинг сатҳи ганч билан ҳам сувалған ёки хўжалик хоналарининг сатҳига сопол синкларни терилтән.

Моддий манбалар Сополлитепада күлолчилик ва металлчилик юксак даражада ривожланғаныдан далолат беради. Хилма-хил күлолчилик буюмлари хўжаликда чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сақлаш учун ишлатилған. Бронзадан ханжарлар, ўқ учлари ва найза пайконлари, пичоқлар, жез игналар ва идишлар ишланған. Ҳозирги Шеробод яқинидә йирик манзилгоҳ - Жарқутон топпилған. У шаҳар кўринишига эга бўлиб, қалъя ва аҳоли туар жойи қисмидан иборат бўлған. Қалъя ичида оловга сифиниш билан боғлиқ ибодатхона қолдиқлари топпилған.

Ўзбекистон худудида бронза даврида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланған қабилаларнинг моддий маданият ёдгорликлари Хоразм ва Зарафшон воҳасида ҳам топиб текширилған. Хоразмдаги маданият Тозабогёб маданияти номи билан машхур. Маконлар ярим ертўлалы уй-жойлардан иборат бўлиб, атрофида анхорлар ва қадимги сугориши майдонлари топпилған. Ертўлаларда

ҳайвон сүяклари, сопол идишлар, тощдан ва бронзадан ишланган куроллар топилди. Тозабоғёб сопол идишлари күлдә ишланган. Улар асосан қозон ва туваксимон идишлардан иборат бўлиб, хилма-хил геометрик чизиқлар билан нақшланган.

Куйи Зарафшон ерлари бронза даврида камсув бўлиб, улар асосан чорвачилик учун қулай бўлган эди. Дехқончилик купроқ Зарафшон тошқин сувлари ирмоқлари ҳосил қилган заҳ ерларда ривожланган.

Замонбобо маконида ярим ертўла чайла-уй қолдиқлари очилди. Тураг жойнинг узунлиги 23,5 м., эни 9 м. Макон майдонидан ўчоқ ўринлари, ҳайвон сүяклари, меҳнат куроллари ва уй-рӯзгор асбобларининг синиқлари топилди.

Ижтимоий-иктисодий муносабатлар. Бронза даврида Ўрта Осиё қадимги Шарқнинг муҳим маданий марказларидан бири бўлган. Тоғлар этакларидаги кичик ва катта воҳаларнинг қулай географик шароитига ривож топган дехқончилик сунъий сугоришга асосланган. Қадимги манзилгоҳларнинг атрофларида сугориши ерлари кенг майдонларга эга бўлган. Дарёлардан канал чиқариш усуслари анча ривожланиб, бронза даври сугорилиш хўжалиги дастлабки дехқончиликдан анча фарқ қилиб, ерни ҳайдаб дехқончилик қилишга асосланган.

Дехқончилик билан бирга одамлар ҳаётида уй чорвачилиги ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маконлардан кўй, эчки ва сигир сүяклари топилди. Уй чорвачилиги дехқончиликнинг ёрдамчи ирмоғи бўлган. Мисол учун, Сополлитепада 16 мингтacha ҳайвон сүяклари топилди, уларнинг асосий қисми қўй ва эчки сүяклари, бошқалари чўчқа, тuya, сигир, ит ва мушук сүякларидир. Шу билан бирга одамлар ҳаётида ёввойи қўшлар ва ҳайвонларни овлаш ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маконларда топилган буфу, жайрон, қулон, ёввойи чўчқа, қуён, ўрдак, кантар ва бошқа купгина ҳайвон ва парранда сүяклари қолдиқлари бу фикрни тасдиқлайди. Овчилик одамларнинг кўшимча машгулоти бўлган. Улар асосан ёввойи чўчқа, бугу ва қулонни овлаганлар.

Археологик топилмалар бронза даври ҳайвонот дунёси ҳозирги фаунага нисбатан анча бой бўлганлигини кўрсатади. Дарё водийлари, тоғлар ва даштлар хилма-хил ҳайвонлар ва күпшлар тарқалиши учун қулай табиий муҳит бўлган.

Тоғолди ва даштларда яшовчи аҳолининг асосий тирикчилик манбаи чорвачилик бўлган. Айниқса, Орол денгизи соҳилларига яқин чўлларда ва Куйи Зарафшон даштларида яшовчи аҳолининг иқти-

содий ҳаётида чорвачилик мұхым ақамиятта эга бўлган. Бу қабилалар асосан майда чорва, қорамол ва отларни ҳам боққанлар.

Металлургия ривожланиши учун хомашё конлари зарур бўлган. Қизилқумда бронза даврига мансуб қадимги мис конлари ва маъдан эритиш хумдонлари топиб текширилган.

Бронза асрида металлчиликнинг кенг ёйилиши ва меҳнат қуроларини ишлаб чиқариш услублари анча ўзгариши билан одамлар янги мис конларини қидиришга мажбур бўлганлар (айниқса, мисни қалай ва кўрошин билан бирга эритиб қотириш услубини ўрганиб олгандан сўнг). Лекин дастлабки металл даврида мис қимматли ашё бўлиб, соф мис фақат айрим жойларда учраган. Қабилаларнинг узоқ вилоятларга тарқалиши, янги ерларни ўзлаштиришдан ташқари, мис, қалай, кўрошин конларини қидириш билан боғлиқ бўлган.

Бронза даврида манзилгоҳлар янги ерларда кўплаб қурилган. Мурғоб ва Сурхондарё водийсидаги маълум бўлган маконларнинг асосий қисми дарё irmoқлari яқинида жойлашган. Улар қадимий айирбошлиш, савдо ва маданий алоқалар марказлари бўлган. Тоғ олди ва дашиб чегараларига яқин жойлашган ўтроқ қишлоқлар ҳосилдор дехқончилик туманларига айланган.

Бронза даврига оид буюмлар уй ҳунармандчилиги ҳам юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Одамлар лойдан, сувждан, тошдан, ёғочдан ва ҷармдан хилма-хил буюмлар ясаганлар. Ушбу даврда кийим жун ва зифир толасидан тўқилган. Тўқимачилик соҳасида ишлатилган сопол ва тошдан ясалган урчуқлар топилган.

Ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва ҳунармандчиликтининг ривожланиши асосида аҳолининг ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлган. Ер ҳайдаш дехқончилиги ортиқча маҳсулот ва мол айирбошлишни тартибга солища асосий вазифани бажарган эди.

Патриархал уругнинг ривожланиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан катта жамоа оиласаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳунармандчилик буюмларини ортиришлари учун қулай вазият яратилган. Бронза давр қабрларидан топилган буюмлар шу жараёндан далолат беради. Сополлитепадаги 39 та қабрдан сопол идишлардан ташқари, металл қуроллар ва зеб-зийнат буюмлари, айрим қабрлардан эса фақат сопол идишлар топилди.

Катта патриархал оиласаларга мансуб бронза тамғалар бургут, илон, түя ва бошқа ҳайвон тасвиirlари билан нақшланган. Улар айрим уругларнинг рамzlari бўлган.

Замонбобо қадимти қабристонида эркаклар қабрларидан тошилган тошилмалар орасида күпроқ сопол идишлар, чақмоқтошдан ишланган ўқ учлари ва найза пайконлари, пичоқсимон парракчалар учрайди. Аёллар қабрларидан қимматбаҳо тошлардан (ложувард, феруза, сардолик) ясалган турли шаклдаги мунчоқлар, маржонлар ва мис күзгулар тошилди.

Бронза даври манзилгоҳларидан тошиб текширилган кичик жамоа уй-жойлари билан бирга катта уруғ жамоалари, олтиндан ишланган зеб-зийнатлар, бой қабрлардан тошилган бронза идишлар ва яроғлар, қиммат тошлардан ясалган маржон ва уруғ бошлиқларининг шахсий тамгалари ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришлари ҳақида маълумотлар беради. Баъзи оиласларнинг бойликлари дон ва чорва молларидан иборат бўлган. Кулолчилик ва металлчилик буюмлари аста-секин савдо-сотиқ маҳсулотига айланган.

Лекин хусусий мулкчилик ва мол айирбошлиш қайси даражада ривожланганлиги ҳақида тарих фани аниқ маълумотларга эга эмас. Бронза даврида Ўрта Осиё жанубидаги ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг тараққиёти дастлабки давлатларга хос хусусиятларни ҳар томонлама ўрганишга имконият бермайди. Қабилалар ҳаётидан қадимги уруғчилик хусусиятлари, шу жумладан, катта оила аъзолари томонидан хўжаликни биргаликда олиб бориш, ерга биргаликда эгалик қилиш, умумий туар жойда (катта жамоа уйларида) яшаш анъаналари сақланиб қолган. Бу уйларда якка кичик оиласларга 2-3 хонали туар жойлар тегишли бўлса-да, лекин уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти - «умумий том остида», уруғ бошлиғи раҳбарлигига ўтганлиги билан изоҳланади.

Замонбобо воҳасида ота уруғи таркиб тоғандан сўнг, маҳаллий жамиятнинг ижтимоий тузумида катта ўзгаришлар содир бўлган. Олимлар фикрига кўра, Замонбобо маконида катта жамоа аъзолари яшаган. Жамоа асосини якка кичик оиласлар ташкил эттан. Умумий туар жойда ҳаёт кечирган уруғ аъзолари хўжалик ишларини биргаликда бажарганилар.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида Ўзбекистон ва Туркманистоннинг жанубий вилоятларида ишлаб чиқарувчи хўжаликлари асосида илк давлатчилик бирлашмаларига ўтиш жараёни бошланган.

Дастлабки давлатлар алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар ва сугориш тизими майдони билан чегараланган, нисбатан кичик худудда, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги

сүгорма дәхқончилик воҳаларида пайдо бўлган. Ўрта Осиёда илк давлат ўюшмалари дәхқончилик воҳалари аҳолисини четдан бўла-диган босқинлардан ҳимоя қилиш ва жамоадати муносабатларни ҳукуқий бошқариб туриш зарурати асосида ташкил топди.

Маданий алоқалар. Ўрта Осиё тупроғидаги қабилалар бир хилда тараққий топган эмас. Ҳар қайси ўлканинг маданий тараққиётидаги ўзига хос хусусиятлар бўлғанлиги аниқланган. Бу маданиятлар дәхқончилик, уй чорвачилиги ва ҳайдама чорвачилик билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Улар бир-биридан ажралган ҳолда ривожланмаганлар ва турли қабилалар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар доимий равишда кенг ривожланиб борган.

Замонбобо топилмаларида дашт чорвадор қабилалари маданиятига ва жанубий ўтроқ дәхқончилик маданиятларига мансуб хусусиятлар сақланиб, улар бир-биридан фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам бу иккала маданий анъаналар Куйи Зарафшонда, биринчидан, иқтисодий ва маданий алоқалар асосида, иккинчидан, Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ ва шимоли-шарқий чорвадор қабилаларининг ёилиши билан ҳам боғлиқ булиши мумкин эди.

Бронза даврида яшаш ерлари тобора кенгайиб борган. Металтургия, дәхқончилик ва чорвачиликнинг юксак даражада ривожланиши билан бирга табиий бойликлар, мис, қалай ва кўргошин конлари, сугориладиган ерлар ва кенг яйловлар қадимги қабилаларга доим зарур бўлиб турган. Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккингичи ярмида яйловларда боқиладиган чорвачилик ажралиб, маҳсус хўжалик турига айланган. Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Мургоб, Вахш, Панҷ дарёлари бўйлаб бронза даврида яшги ерларга кўчиш йўллари пайдо бўлди. Бу йўллар ёқасида қадимги маконлар, мозор-кўронлар ва қабрлар топиб текширилган.

Фарона водийисида II минг йиллик бошларига оид Ҳақ хазинаси бронзадан ишланган идиш, болта ва тўғногичлардан иборатдир. Ҳақ хазинаси буюмларига ўхшаган топилмалар Эрон, Жанубий Туркманистон ёдгорликларида кенг тарқалган. Улар Фарона водийисида савдо-айирбошлиш асосида пайдо бўлгани. Замонбобо қабристонида топилган баъзи мунчоклар Бадахшон ложувардидан ясалган.

Жанубий Тожикистон маконларидап ва қабристонларидан топилган сопол идишлар ичидаги Сурхондарё, Шимолий Афғонистон ва Жанубий Туркманистонда ишланган идишларрга ўхшаш сопол идишлар учрайди. Ўрта Осиё қабилаларини қадимги Шарқ давлатлари билан маданий алоқалар ва савдо йўллари бирлаштирган. Маъ-

лумки, Бадахшон төгларидан бошланган савдо йўллари Эрон ва Месопотамияга олиб борган. Бадахшонда қазиб чиқарилган қимматли тош-ложувардан ясалган буомлар Миср, Месопотамия ва Эрон ёдгорликларида топилган. Бундан ташқари, ўлкамизнинг баъзи вилоятларида Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистондан келтирилган сопол идишлар ва металл буомлар ҳам учрайди.

Олтингепадаги муҳим археологик топилмалар ичидаги олтиндан ясалган буқа ва бўри бошчалари ҳайкалчаларига эътибор бериши лозим. Олгин, кумуш ва бронзадан ишланган буқа бошчаси ҳайкалчалари Иккидарё оралиғидаги Ур шаҳрида кенг тарқалган ва милоддан аввалги 2600-2500 йиллар билан саналанади. Олтингепа топилмалари қадимги Шумер санъати ва ҳайкалтаро ширгитининг маданий таъсирини курсатади.

Олтингепада пахсадан ва хом фиштдан ишланган зинапояли минора ибодатхона очилган (унинг номи -зиккурат). Зиккуратлар Иккидарё оралиғида Урук даврида пайдо бўлган.

Аҳолиси, этик жараёнлар. Ўрта Осиё бронза даври тадқиқотчилари ихтиёрида ёзувсиз манбалар мавжуд бўлиб, мазкур замоннинг аҳолиси, уларнинг қиёфаси антропологик манбалар асосида урганилади.

Бронза даврида Ўрта Осиё жанубида Ўртаер денгиз ирқининг вакиллари тарқалган. Ўрта Осиёнинг шимолий дашт ва чўл қисмларида жануб аҳолисидан фарқ қиласидан қабилалар яшаганлар.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ва Жанубий Тожикистоннинг тоф ва дашт вилоятларига жануби-гарбдан ва шимолдан дехқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган қабилалар келиб ўрнашган. Дашт қабилаларининг моддий маданияти ҳақида Вахш маконида топилган сопол буомлар ва бронза қуроллари далолат беради. Сопол идишлар кўлда ишланган ва уларнинг сирти мураккаб геометрик ўйма нақшлар билан қопланган. Бу идишлар милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Фарбий Сибир ва Қозогистоннинг даштларида ёйилган Андроново маданиятига доир идишларга ўхшаб кетади.

Жанубий Тожикистоннинг бронза даври аҳолиси таркибида янги гуруҳлар пайдо бўлганлиги археологик манбалар асосида исботланади. Тегузак ва Конгуртут маконларидан топиб текширилган уйжой қолдиқлари, сопол идишлар, меҳнат қуроллари ва зеб-зийнат буомлари Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ дехқончилик ва шимолий чорвачилик қабилаларининг ёйилиши билан изоҳланади. Бу қабилалар Коғирниҳон, Вахш ва Панҷ дарёлари даштларига, тоф

ёнбагирларига ёйилиб кеттган. Чорвадор қабилаларга мансуб бронза даври ёдгорлиги Самарқанд яқинидаги Мұмінобод қишилогида тек ширилған. Милоддан аввалғы II минг йилликнинг иккінчи ярмида Үрта Осиё дашт ва тоғ олдиларига чорвадор қабилалар кенг миқёс-да келип үрнаша бошлади. Уларнинг моддий маданияти Жанубий Сибир ва Қозогистоннинг чүлларида яшаган аҳоли маданиятiga үшшаб кетади. Дашт қабилалари тарқалғанлығидан, айниқса сопол идишшар, металл буюмлар ва чорвадор қабилаларга мансуб қадим-ги қабрлар тузилиши далолат беради.

Чорвадорларнинг баъзи бир гурухлари ўтроқ була бошлаган ва дәхқончилик билан шуғулланувчи қабилаларнинг чегараларида жойлашған. Қадимги аҳоли дарё соҳишлири бўйлаб, чўл, тоғ ёнбагирларида ҳам тарқалған. Бу вазият аҳоли чорва боқиши ҳамда дәхқончилик билан шуғулланиши мақсадида қулай географик ерларни ўзлаштирганлитини курсатади.

Зарафшон, Ҳисор, Боботоғ ва Помир тоғлари ёнбагирларидаги яйловларда қабилалар асосан майда чорва боққанлар. Улар воҳаларда яшовчи дәхқончилик билан шуғулланувчи аҳоли билан кенг маданий муносабатларда бўлған. Үрта Осиёдаги бронза даври қабилалари ўлкамизда яшаб ўтган қадимги элатларга асос солған. Ўзбекистон худудида ҳам жойлашған шу элатларнинг вакиллари ўзбек халқининг қадимги аждодларидан бўлиб, улар ҳақида айрим мав-лумотлар қадимги ёзма манбаларда сақланган.

Милоддан аввалғы I минг йилликда Үрта Осиё тупроғида бир неча йирик тарихий-маданий вилоятлар - Хоразм, Сўғд, Бақтрия, Марғиёна, Фарғона, Шош (Чоч) пайдо бўлған.

ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАР ДАВРИ

Ёзма манбалар. Милоддан аввалғы IX-VIII асрлар Үрта Осиё тарихида бронза давридан илк темир асрига ўтиш даври бўлған.

Үрта Осиёнинг темир даври тарихини ўрганишда ёзма манбаларнинг камлиги ҳамда тўлиқ эмаслигини эътиборга олиш лозим. Асосий ёзма манбалар аҳамонийлар ва юонон-рим даврига таалуқли бўлиб, улар Үрта Осиё худудидан ташқарида тузилгандир.

Үрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадимий вилоятлари жамияти тўғрисида муҳим ёзма манбалар «Авесто», аҳамонийлар даври ёзма ёдгорликлари ва қадимги юонон тарихшунослари ҳикоя қиладилар.

«Авесто» энг қадимги қисмларининг барчаси замонамизгача етиб келмаган. Бу тўплам эрамизнинг III-VII асрларида таҳрир қилинган.

«Авесто»нинг бизгача етиб келган матнлари тўрт китобни ўз ичига олади. Ясна (дуолар ёки қурбошлиқ келтириш), Яштлар (маъбудалар учун мадҳиялар), Видевдат (девларга қарши қонун), Виспрат (барча хукмдорлар). Бу китоблар ёзилган тилни авесто тили дейилади, чунки бу тил «Авесто» туфайли маълум.

«Авесто» кўп қатламли, мураккаб манба бўлиб, асрлар давомида шаклланган. Унинг турли қисмларида Заратуштра «заотара» ёки «атаурвон», яъни коҳин тарзида тилга олинади. Зардуштийлик дини тарихи бўйича етакчи мутахассислар мазкур ҳолатга ўз эътиборларини қаратиб, Заратуштра бу диннинг ягона асосчисидир, шунинг билан бирга у ҳам коҳин, ҳам пайғамбар эди, деб фараз қиласидар.

«Авесто» маълумотларининг тарихий саналари кўп йиллардан бери олимлар орасида тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда. «Авесто»да курсатилган мамлакатларнинг географик ўрнини ва чегараларини аниқлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузумини ва «Авесто» тушунчаларини ўрганишга бағишиланган катта илмий адабиёт мавжуд.

«Авесто»нинг энг қадими қисмлари кенг ҳудудда жойлашган жамиятни тасвирлаб, бу жамият ҳақидаги ёзувсиз замонларга оид тасаввурларни сақлаганлар. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, «Авесто» тили қадимги Форс тилидан нисбатан анча олдинги босқичда пайдо бўлган. Ўрта Осиё учун «Авесто» маълумотлари археологик манбалар билан солиштирилган ҳолда кенг даврий чегара оралиғида - бронза давридан тортиб қадимги дунё - антик давргача бўлган ижтимоий-иқтисодий тарихни ёритишида фойдаланилади.

Бундай ёндашув ҳамиша ҳам ўзини оқлайвермасада, ёзма ва археологик манбаларни бир-бирита солиштириш заруратидан келиб чиқсан.

«Авесто» Заратуштра (Зардушт) динидаги халқларнинг шариат қонунлари мажмуудир ва зардуштийлик динининг муқаддас китобидир. Заратуштра (юнонча Зороастр) исми билан аталган зардуштийлик (заратуштризм, зороастризм) Ўрта Осиёда ислом дини жорий этилгандан олдин кенг тарқалган. «Авесто» Ўрта Осиё вилоятларининг қадимги тарихи, ижтимоий тузуми, иқтисодий ҳаёти ва маънавий маданиятини ўрганишда муҳим манбадир.

Ўрта Осиёда Заратуштра эътиқодини биринчи бўлиб подшо Кави Виштасп қабул қилган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда Ўрта Осиё ҳудудидаги халқлар зардуштийликка эътиқод қилган. Шу даврдан бошлаб янги дин милюдий VIII асргача Ўрта Осиёда линий эътиқод сифатида кенг ёйилди.

«Авесто»нинг қадимги қисмлари аҳамонийлар давридан олдин-роқ замонларга оид бўлган. «Авесто» маълумотларига кўра, ушбу давр қабилалари бирлашмаси вилоят - «дахию» бўлган, уруғ жамоаси - «вис», айрим оиласлар - «нмана»дан ташкил топган, қабила эса «занту» деб аталган. Аҳоли коҳинлар, жангчилар, дехқонлар ва чорвадорлар тоифасига бўлинган. «Авесто» тўпламида чорвачилик ва дехқончилик ҳаётига оид маълумотлар жуда ҳам кўп сақланган.

«Авесто»нинг энг қадимги ҳудудий географик номлари Ўрта Осиё вилоятлари билан боғланган (Яшт, 10 боб). Рўйхатдаги биринчи мамлакат - «Арёнам Вайчах» ёки «Арёшайёна», «Арёнам Вайжо». У юртда кўпдан-кўп яйловларга эга баланд тоғлар, кенг дарёлар ва чуқур кўллар бўлган. Яшт китобида тилга олинган бошқа мамлакатлар - Иската, Поругу, Моуру, Гава Сўғда (Сўғд макони) ва Хоразм.

«Авесто» Видевдат китобининг биринчи бобида санаб ўтилган вилоятлар Яшт мамлакатлари рўйхатидан анча фарқ қиласди: Арёнам Вайжо, Гава, Моуру, Бахди, Нисайя, Аръё, Ваэкерета, Урва, Хнанта, Хайтумант, Рага, Чахро ва Варна.

«Авесто»нинг қадимги географик тушунчлалари ва манбада кўрсатилган мамлакатларниң рўйхати асосида зардуштийликнинг илк ватани ва Заратуштра туғилган юрти ҳақида ҳикоя қилиш мумкин. Олимлар ўртасида «Авесто» ватани - Хоразм, зардуштийликнинг ёйлиши марказлари эса Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари билан боғланади. Бу назарияниң тарафдорлари «Авесто»нинг йирик мамлакатлари Хоразм, Марғиёна, Сўғд, Бақтрия Ўрта Осиёда жойлашганлигига эътибор берадилар. Шунинг билан бирга Арёнам Вайжони ҳам бу кенг ўлка деб тушуниши мумкин. У ерда баланд тоғлар - Помир, Ҳисор, Тангритоғ, чуқур кўллар - Каспий, Орол, Иссиққўл, кенг дарёлар - Амударё ва Сирдарё жойлашган деб фараз қилинади.

«Авесто»да келтирилган қадимги маълумотлар Ўрта Осиёда ҳарбий сиёсий бирлашма ташкил топган даврларга (мил. авв. IX-VIII асрлар) мансубдир. Бу бирлашма - Арёшайёна ёки Арёнам Вайжо, жуда катта ҳарбий аҳамиятта эга бўлган. Шу давр аҳолисининг бир кисми ўгроқ дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, бошқа бир гуруҳи эса кўчиб юрадиган чорвачилик шаклига ўтган. Улар ўртасидаги сиёсий қарама-қаршиликлар, кураш ва тинимсиз босқинлар «хонадонларга, қишлоқ, вилоят ва мамлакатга қашшоқлик ва вайронлик келтирдилар». «Авесто»да шу давр хукм сурган подшолар сулоласи - кавийлар («Шоҳнома»да - кайёнийлар) рўйхати куйидагича: Ҳаошъёнх («Шоҳнома»да - Хушанг), Йима (Жамшид),

Съёваршон (Сиёвуш), Кави Хаосров (Кай-Хисров), Кави Виштасп, Кави Қават (Кай-Кубот), Кави Усан (Кайковус), Кави Пишин (Кай-Пишин), Кави Аршан (Кай-Ареш). Кави Виштасидан бошлиб сұнгилари Зарагуштра таълимотининг тарафдорлари бўлган.

Кави Хаосрав арийлар мамлакатларини бирлаштирувчи подио бўлиб, «тур» - чорвадор қабилаларнинг йўлбошчиси Франграсён («Шохнома»да-Афросиёб) билан жанг қилган. «Авесто»да ёритилган қадимги қабилаларнинг тиллари бир-бирига яқин эди, уларниң этник қиёфасида ҳам анча ұхшашиклар мавжуд бўлган. Ўтроқ ва кўчманчи қабилалар ўртасидаги асосий фарқлар эътиқод, маънавий ва моддий маданийти ҳамда хўжаликларида бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб турган. «Авесто»нинг Моуру, Сўгда, Бахди, Хоразм аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, «тур» қабилаларининг (ва кейин сак-массагет қабилаларининг) иқтисодий ҳаётида чорвачилик устунлик қилган. Ўрта Осиёнинг даштлари ва тоғлари чорвачилик ривожланишига қулай шароит яратиб берган.

«Авесто»да тилга олинган қабилаларнинг дастлабки ватани Арёшайёна (Арёнам Вайжо) ҳам яйловларга сероб ерлар билан бой бўлган. Яшт қитобининг үнингчи бобида бундай хабар қилинади: «У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан-кўп ҳарбий юришлар қилали, у ерда ўтлоқлар ва сувга сероб баланд тоғлар чорвачилик ҳаётига асос солтан». Шунинг учун ҳам Арёнам Вайжо тангри Ахурамзда ифодаси билан яшаш учун энг яхши жой деб ҳисобланган ва «Авесто»нинг рўйхатларида бу ўлка биринчи навбатда тилга олинади.

«Авесто»нинг географик тушунчалари қадимги форс тилида ёритилган аҳамонийлар ёзма манбаларида ва қадимги тарихшунослар асарларида такрор этилган. Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда яшаб ўтган қабилалар янги этник жараёнларга асос солиб, шу худудда сўғедлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, марғиёналиклар ва сак-массагетлар пайдо бўлишиларига сабабчи бўлган. Ушбу элатларнинг тарихи ӯзаро кенг маданий таъсирлар ва алоқалар асосида ривожланиб, бир-бирига яқин бўлган.

Аҳамонийлар михсимон ёзувлари (милоддан аввалги VI-IV асрлар) Беҳистун ва Нақши Рустам қоятошлари, Суза, Хамадон ва Персепол шаҳарларида топиб текширилган. Улар қадимги форс тилидаги турли ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларга доир подио буйруқларидан ва нутқларидан иборат. Аҳамонийлар даври ёзувларида Ўрта Осиё халқлари ва вилоятлари тўғрисида айрим маълумотлар бор.

Милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида (540-530-522 йиллар давомида) Ўрта Осиё вилоятлари аҳамонийлар хукмронлиги остига тушиб қолади. Улар Ўрта Осиёда икки юз йилча ҳукмронлик қилғандар. Эрондаги қадимги Персепол шаҳри саройининг деворларида бақтрыяликлар, хоразмликлар, сўғлар ва сакларнинг уйиб ишланган бўртма расмлари топилсан (Доро I ва Ксеркс подшолар сарой деворларида бўртма расмларида турли ҳалқларнинг хирож келтириши манзараси тасвирланган). Бу расмлар Ўрта Осиёда яшаган ҳалқларнинг ўзига хос куроллари, кийим-бошлари ва қиёфасини кўрсатиб туради. Персепол саройлари деворларига солинган бўртма расмда Хоразм, Сүғд, Бақтрия ва саклар вилоятларидан хирож тұловчилар шоҳга турли хил идишлар, кийим-кечаклар, газмоллар, зеб-зийнатлар, ҳарбий куроллар ёки от, түя ҳамда кўй олиб келаётганларни кўрсатилган.

Қадимги юнон тарихчилари Гекатей, Геродот ва Ктесий асарлари Ўрта Осиё ҳалқларининг тарихий ва географик қиёфасини кўрсатиб беради.

Кўчманчи қабилаларни юнон тарихчилари скифлар ва сарматлар, саклар ва массагетлар деб атаганлар. Аҳамонийлар даври ёзувларида эса улар «шак»-саклар деб ёритилган ва тўрт катта гурухга бўлинган: сака-хаумоварка, сака-тиграхауда, сака-тиай-пара сўтдам ва сака-тиай-дарайё.

Аҳамоний подшоларига тегишли бўлган энг муҳим ёзувлар - Беҳистун ёзувлари бўлиб, улар Доро I буйругига кўра, қояга уйиб ёзилган (бу қоя Кармон-Ҳамадон йулида жойлашган).

Накци Рустам, Суза, Ҳамадон ёзувлари ҳамда Доро I ҳайкалидаги ёзувлар шу подшоҳ хукмронлик қилган йилларга мансубдир. Бу ёзувларнинг барчаси қадимги форс, элом ва акгад тилларида битилган. «Девларга қарши» Ксеркс даври ёзувлари (мил. авв. 486-465 й.) ҳамда Артаксеркс III (мил. авв. 359-358 й.) ёзувлари бир мунча кейинги даврга тааллуклидир. Шунингдек, Ур ва Урукдан топилган, акгад тилида битилган Кир II (мил. авв. 559-530 й.) қисқа матнлари, Куддусадаги ибодатхоналинг тикланиши тўғрисидаги қадимги яхудий ва оромий тилларида битилган.

Қадимги форс ёзувлари турли хилдаги тарихий тадқиқотлар учун катта аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳада кўплаб тадқиқотчилар асарлари мавжуд.

Солиқ тўловчилар вилоятларнинг умумий рўйхатини ҳисобга олмаган ҳолда (Доро I ва Ксеркс хукмронлиги даврлари) бу ёзувлар, асосан Ўрта Осиё үлкалари тўғрисида жуда ҳам маълумот беради.

Милоддан аввалги V-IV асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихи, қадимги юонон тарихшуносларининг дикқат марказига тушиб қолган. Бу борада Ўрта Осиё халқлари түғрисида маълумотлар берувчи Геродотнинг «Тарих» китоби айниқса қимматлидир. Бу муҳим ва дунёда машҳур асарда Геродот Бақтрия, Бақтра, бақтрияликлар, сак-массагетлар, сұғдлар, хоразмликларни тилга олиб, уларни моддий маданийти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган.

Геродотнинг Ўрта Осиё түғрисида маълумотлари турли масалалар билан бирга бевосита юонон-форс урушларига бориб тақалади. Форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари ҳамда Акес - Амударё дарёсининг сувларидан фойдаланиши түғрисидаги манбалар бундан мустаснодир.

Бошқа бир юонон тарихшуноси Ктесий Кичик Осиёдаги Книд шаҳридан бўлиб, милоддан аввалги 414 йилдан бошлиб, аҳамонийлар подшоси Артаксеркс II саройида табиб вазифасини бажартган. Ктесийни қадимги Шарқ тарихи жуда қизиқтирган, шунинг учун ҳам у қадимги вилоятлар ва шаҳарлар түғрисида анча маълумотлар тўплаган. Айниқса юонон тарихшуносини Ҳиндистон ва Бақтрия қизиқтирган. Шунинг учун ҳам Ктесий ўзининг «Персика» деб номланган асарининг катта бир қисмини бақтрияликлар тарихига бағишилаган.

Ктесий Бақтрияниң шаҳарлари, унинг мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган пойтахти ҳақида, шу шаҳарни қамал қилган Оссурия подшоси Нин түғрисида ҳикоя қиласди: «...Нин бақтрияликларга қарши ҳарбий юриш қилган. У Бақтрияниң мустаҳкам қалъалари, аҳолисининг кўп сонлиги ва жасурлиги ҳақида хабардор бўлиб, ўзига бўйсундирган халқлардан кўп сонли қўшинларни йигиб олган. Уларга сардор бўлиб, Нин Бақтрия юртига бостириб кирган, аммо вилоятдаги хилма-хил тор тоғ-дараларидан ўтиш учун ўз қўшинларини бир неча қисмларга бўлишга мажбур бўлган. Бақтриядаги йирик шаҳарлар орасида, машҳур Бақтра номли шаҳар бўлган. Бу шаҳар мамлакат пойтахти бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган, унда ички қалъя - подшо саройи алоҳида ажралиб турган».

Бақтраниң оссурияликлар томонидан қамал қилиниши түғрисида яна бир юонон тарихшуноси Ксенофонт ҳам маълумот беради. Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳар ва манзилгоҳлари түғрисида қадимги юонон муаллифлари асарларида маълумотлар учрамайди. Мавжуд шаҳарлар уларга номаълум бўлган бўлса керак.

«Авесто»нинг энг қадимги қисмлари, аҳамонийлар ёзувлари, Геродот, Ктесий ва Ксенофонт асарлари Ўрта Осиё түғрисидаги

ёзма манбаларнинг ilk турлари ҳисобланаб, ўлкамиздаги аҳоли, вилоятлар, алоҳида жойлар ва дарёлар номларини, ижтимоий-иқти-содий ва сиёсий тузум тўғрисидаги маълумотларни, аҳамонийлар подшоларининг Ўрта Осиёга юришлари, қадимги ҳалқлар турмушки, лини, маданияти ва бошқа ёритувчи маълумотларни ўз ичига олади.

Археология манбалари. Ўрта Осиё ilk темир даврига оид моддий маданият ёдгорликларига ниҳоятда бойдир. Ўлкада кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топиб текширилган қишлоқ ва шаҳар ҳаробалари қадимий маданий учоқлар бўлиб ҳисобланади. Куйи Мурғоб, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида, Хоразм ва Фарғона водийларида ilk темир даврига оид жуда кўп ёдгорликлар борлиги маълум бўлди.

Энг қадимги темир буюмлар Ўрта Осиёдаги 22 та ёдгорликлардан топилган бўлиб, улар асосан Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистоннинг жанубидаги топилмалар - темир пичоқ, ўроқ, ҳарбий ва рўзгор буюмларидан иборат бўлиб, Ўрта Осиёда темирчилик кашф этилиши ҳақидаги тасаввурларимизни анча кентайтиради.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларига оид ёдгорликларидан Жанубий Туркманистонда Ёзтепа, Арвалитепа, Учтепа, Сурхондарёда Кучуктепа, Бандихон ва Қизилтепа, Қашқадарёда Сангирапта, Узунқир ва Ерқурғон, Зарафшон воҳасида - Афросиёб ва Кўктепа, Фарғона водийсида Даъварзин, Чуст, Бозтепа ва бошқалар ҳисобланади. Шу даврга оид ҳом гиштдан ва пахсадан курилган бинолар, меҳнат куроллари, ҳунармандчилик буюмлари ва бошқа топилмалар Ўрта Осиёда моддий маданият юксак даражада бўлганлиги ҳақида далолат беради.

Милоддан аввалги VII-IV асрларга мансуб Бақтрия, Марғиёна ва Сўғдиёна ерларида топиб текширилган археологик ёдгорликларнинг ўзи 350 тадир, қадимги Хоразм ерларида 200 дан ортиқ ilk темир даври қишлоқ ва шаҳар ҳаробалари топиб текширилган. Улар сугорма деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли маданиятидан далолат беради.

Қадимги кўчманчилар тарихини ўрганишида Куйи Сирдарёда жойлашган Тагискен мақбараларига эътибор бериш лозим (милоддан аввалги IX-VII асрлар). Улар ҳом гиштдан бино қилинган тўртбурчак, ҳалқасимон мақбаралардир.

Сакларнинг ёдгорликлари қуи Зарафшон, Амударё, Орол денгизи атрофида, Помир ва Тангриот ҳудудларидан топилган. Улар асосан мозор-кўргонлардан иборатдир. Топилмалар орасида бронза ва темирдан ишланган ҳарбий куроллар, зеб-зийнат буюмлари, меҳнат куроллари ва сопол идишлар учрайди. Помирдаги Оқбейт,

Томди ва Аличур, Фарғонадаги Даشت Ашт, Қўйи Сирдарё Уйгарак ёдгорликлари қадимги кўчманчилардан қолган мозор-қўргонлар ёки катта жамоа қабристонларири.

Моддий маданият ёдгорликлари Ўрта Осиёда ҳунармандлилар, курилиш ва меъморчиллик қай даражада тараққий қилганини, хўжалик ҳаётининг турли томонлари, турмуш ва ижтимоий муносабатларни ўрганишга имкон беради. Топилган археологик ёдгорликлар муҳим тарихий аҳамиятга эга. Моддий маданият манбалари орасида меҳнат қуроллари (пичоқ, ўроқ, болта), кулолчилик буюмлари ва турли хил идишлар, яроғ аслаҳалар (қилич, ўқ ва найза учи, дубулға, ханжар) ва бошқа буюмларни курсатиб ўтиш мумкин. Илк темир даври моддий манбалари ишлаб чиқариш ва иқтисодий жараёнларнинг ривожланганлиги тўғрисида аниқ равишда маълумот беради.

Ўрта Осиё ёдгорликлари (Афросиёб, қадимги Марв, Қизилтепа, Ерқўргон, Узунқир, Кўзалиқир)да ўтказилган қазишилар натижасида топилган моддий манбалар марғиёналиклар, бақтрияликлар, хоразмликлар ва сўғдлар тарихини чуқур ўрганишга имкон бериб, күшни мамлакатларнинг ҳалқлари билан ўзаро муносабатларини аниқлаш имконини яратади.

Археологик қазишилар натижасида маданий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган энг қадимги шаҳарларнинг харобалари топилди. Савдо йўллари ёқасида жойлашган Афросиёб (Мароканда), Узунқир, Кўктепа, Қизилтепа, Ерқалья ва бошқалар қалин мудофаа деворлари билан уралган бўлиб, шаҳар ичкарисидан турли қурилишлар топилган.

Аҳамонийлар даврига мансуб «Амударё хазинаси» ҳақида ҳам алоҳида айтиб ўтиш керак. Бу хазина 1877 йилда Жанубий Тожикистондаги Кубадиён беклиги ерларида топилган (ҳозир Лондондаги Британ музейида сакланмоқда) ва 180 та заргарлик зеб-зийнат буюмларидан иборат бўлган. Улар юксак даражада ишланган санъат буюмларири. Амударё хазинасида Эрон ва қадимги Юнонистон шаҳарларида зарб этилган кумушдан ва олтиндан ишланган тантаг пуллар ҳам бор.

Тарихий география. Қадимги юонон ва рим муаллифлари Ўрта Осиё вилоятлари (Бақтрия, Сүғдиена) чегаралари тўғрисида ёзib кўрсатганда, тарихшунослар маҳаллий элатларнинг аралаш жойлашуви вазиятини ҳисобга олмаганлари каби, турли вилоятларнинг ўзига хос географик хусусиятлари ҳамда ҳалқларнинг худудий ёйилиши турларини аниқ белгилаб беролмаганлар. Геродот маълумотларида «Бақтрия ҳалқи» тушунчаси маълум бир этник бирликни бирлаштирган бўлиши мумкин. Аммо бу бирлик ягона этнос -

халқни бирлаштирганми ёки бир неча элатларни бирлаштирганми, бу нарса ноаник.

Ўрта Осиёда энг қадимги халқларнинг алоҳида шаклланиши ва этник ҳудудларнинг ажralа бошлиш масаласи жуда мураккаб илмий муаммо ҳисобланади. Бунинг сабаби, ёзма манбаларда қадимги халқларнинг ажralа бориши жараёни аниқ кўрсатилмаганидир.

«Халқ» маъносини берувчи «этнос» сўзи Геродотнинг «Тарихи»да жуда кўп учрайди (тадқиқотчилар ҳисобига кўра, тарихчи бу сўзни 145 марта ишлатган ва фақат икки жойдагина бу сўз Бақтрияга нисбатан ишлатилади). Бақтрия, бақтрияликлар (ёки Сүғдиёна, сүғдийлар) номлари ёзма манбаларда босқинчиларга (Кир II, Искандар) қарши турган халқлар ёки давлатнинг бир қисми бўлиб назарда тутилган.

Ўрта Осиёда аҳоли жойлашган вилоятларнинг номлари турли даврларга оид ёзма манбаларда сақчаниб қолган. Биз қўриб чиқётган ҳудудлар юонон-рим муаллифлари асарларида Марғиёна, Бақтриёна, Хорасмия, Сүғдиёна бўлса, шунга мос равишда қадимги форс ёзувларида Марғуш, Бақтриш, Хваразми, Сўғеда «Авесто»нинг энг қадимги қисмларида тилга олинган Моуру, Баҳди, Хвариззам ва Сўғладир.

Қадимги форс ёзувларини ўрганиш асосида Ўрта Осиёнинг сиёсий тарихи тўлароқ тадқиқ қилинди. Қадимги форс ёзувларида Ўрта Осиё ўлкалари сатрапликларининг санаб ўтилиши, уларни аҳамонийлар томонидан босиб олиниши аниқ кўрсатиб берилади, лекин ушбу ўлкаларнинг чегаралари ва тарихий географияси тўғрисида етарли даражада маълумотлар йўқ.

Ёзма манбаларда Ўрта Осиё вилоятларининг номларини келтирилиши маълум изчилилликка эга бўлсада, уларнинг тартиб саналари турличадир:

Мамлакатлар	Яшт	Видевдат	Аҳамонийлар ёзувлари		
			Бехистун	Суза	Нақши Рустам
Марғиёна	3	3	йўқ	йўқ	йўқ
Бақтрия	йўқ	4	16	6	5
Сўғдиёна	5	2	17	7	6
Хоразм	6	йўқ	15	11	7

Аҳамонийлар ёзувларида (Геродотнинг «Тарих» асарида ҳам) Марғиёна мустақил вилоят сифатида ажратилмаган. Сўғед эса шу манбаларда чекка вилоят сифатида кўрсатилади. «Авесто»нинг Видевдат китобидаги рўйхатда Бақтрияниң Сўғеддан кейин тилга олиниши қадимги форс ёзувларида Сўғеднинг ҳар доим Бақтриядан сўнг санаб ўтилиши, улар орасида ҳудудий чегара бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Лекин, Геродот, Ксенофонт ва Ктесий бу вақтта келиб, нафакат Ўрта Осиёдаги халқларнинг аниқ жойлашуви, балки уларнинг умумий ҳудудий чегараларидан ҳам бехабар бўлган бўлсалар керак.

Македониялик Александрнинг юришлари тарихий географиянинг долзарб муаммоларини ҳал қилишида асос бўлди. Манбалар шу нуқтаи назардан ҳозирги тарихий адабиётларда етарли даражада ёритилган.

Юнон даври ёзма манбаларида, Марокандага юриш қилаётган Александр кўшинлари йўлида Амударё Бақтрия ва Сўғед ўртасидаги чегара сифатида кўрсатилган. Окс-Амударёдан шимолроқда сўғедийлар ерларининг жойлашганилиги түгрисида далиллар учрамайди. Страбон «Окс дарёси Бақтрия ерларини Сўғдиёнадан ажратади» деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кура, Бақтрия Арея чегараси бўйлаб, шимол йўналишида Марғиёна ва Сўғдиёна оралиғида бўлиб, Окс-Амударёдан жануб томонда жойлашган.

Бу манбалар аҳамонийлар даври маълумотлари билан тўғри келади. Чунки бу ёзувларда Бақтрия, Сўғед билан Арея ёки Сўғед билан Парфия оралиғида жойлашган деб таъкидланади. Аммо қадимги форс манбаларида Ўрта Осиё вилоятларининг чегаралари ҳақида аниқ маълумотлар ишқ.

Қадимги юнон тарихшуноси Аррианнинг ёзишига кўра, Окс дарёсидан ўтиш билан Сўғдиёна ерлари бошланган. Страбон маълумотларида Сўғдиёна чегаралари анча кенг бўлиб, муаллиф Сўғдиёнани «Бақтриядан юқорида, шарқий йўналишида» Окс ва Яксарт оралиғига жойлаштиради. У ҳолда Сўғед таркибида Амударёнинг ўнг қирғогида жойлашган, манбаларда тилга олинмаган ва номсиз қолаёттан Вахш, Коғирниҳон ва Сурхон водийларини киритиш мумкин. Аммо ушбу дарёлар воҳалари тарихий ва географик жиҳатдан Бақтрияниң таркибида бўлиб, унинг шимолий қисмида жойлашганлар.

Қадимги муаллифларнинг Ўрта Осиё жанубидаги халқларнинг жойлашуви ҳамда тарихий вилоятларнинг ҳудудий чегаралари тўғрисидаги тасаввурлари бир мунча умумий бўлган. Римлик тарихчи

Курций Руфнинг битта гапи бунга мисол бўлади: «Танаис (Сирдарё) бақтриялларни скифлардан ажратиб туради», ёки тарихчи яна шу нарсани таъкидлайдики, бақтрияллар «урушқоқ скиф қабилаларидан анча узоқ бўлмаган жойларда яшайди».

«Авесто»нинг энг қадимги қисмлари Сұғдиёнага таъриф бериб, мамлакатни иккита номда ажратиб курсатади - Сұғда ва Гава Сұғда. Бу далил Сұғда «мамлакати» яна Гава сингари алоҳида вилоятларга бўлиншишидан далолат бермасмикан ёки Гава, Сұғданинг энг қадими номини ташкил этганми?

«Авесто»нинг мамлакатлар рўйхатида биринчи навбатда тилга олинаётган Арёшайёна, Арёнам Вайжони - бу кенг ҳудудда жойлашган ўлка деб тушуниш мумкин. Видевдат китобнинг маҳсус бобида Арёнам Вайжо Ванхви Даити дарёси атрофида жойлашган деб эълон қилинганд. «Қишиш у ерда ўн ой давом этади, ёз икки ой, қишиш ойларининг сувлари совуқ, ерлари совуқ, ўсимликлари совуқ, қишишнинг охирида у ерда катта тошқин сув пайдо бўлади».

Ванхви Даити дарёси бизга номаълум бўлиб, у ҳақида - бу йирик серсув дарё деб фарз қилиш мумкин. Арёнам Вайжо иқлими баланд төғли вилоятлар табиятига яқин бўлиб кўришади. Аммо Арёнам Вайжонинг географик чегаралари тўғрисида «Авесто»да аник маълумотлар йўқ.

Худди шундай вазият Ўрта Осиё кўчманчи элатларининг тарихий географиясини ўрганишда такрорланади. Геродот массагетларнинг ҳудудий жойлашуви ҳақида бундай ёзади: «Бу массагетлар жасур ва беҳисоб қабиладир. Улар шарқда, куёш чиқиши йўналишида, Араке дарёсининг нариги ёғида жойлашганлар... Аракс дарёси Матиёна тоғларидан бошлиб оқади». Аракс - бу Амударё, Матиёна тоғлари Геродотнинг тушунишча, Помир ёки Ҳиндикуш тизмалариdir, чунки тарихчининг айтишича, Матиёна тоғларидан Ҳиспл дарёси ҳам бошлиланади.

Аҳамонийлар ёзувлари сакларнинг яшаш жойларини дengiz ва дарёлар билан боғлайди. Катта серсув дарё ёнида (Амударё) «чуққи қалпоқ, кийиб юрган» кўчманчилар, «дengиздан нариги ёдаги саклар» тўғрисида ҳам манбаларда маълумот бор.

Сўнгги йиллар илмий адабиётларида Ўрта Осиё қадимги вилоятларининг ҳудудий чегаралари тўғрисидаги баҳс-мунозаралар яна жонланаб кетди.

Айниқса, Бақтрия ва Сұғдиёна чегаралари тўғрисидаги мавзуу энг долзарб масала бўлиб, бу муаммони ҳал қилиши учун олимлар маҳсус тадқиқотлар олиб боришган.

Юнон-рим тарихчилари худудий чегараларни Ўрта Осиёдаги йирик дарёлар бўйича курсатиб беришлари анъанаисига аниқ фикр билдириш мумкин. Бундай анъана маҳаллий аҳолининг яшаш ерлари ва вилоятларнинг чегаралари тўғрисида қадимги тарихшунослар аниқ ва тула тасаввурга эга бўлмаганлари ҳақида далолат беради. Шунинг учун ҳам юнон-рим тарихчилари худудий чегараларни дарёлар бўйича ажратгандар.

Аракс, Окс ёки Амударёни чегара сифатида кўрсатганда, «дарё маданий чегара» ва «дарё маъмурий ёки сиёсий чегара» сифатида таъкидлаш мумкин. Баъзи бир олимлар фикрича, Амударё кўп ҳолларда худудий-сиёсий чегара вазифасини бажарган бўлсада, вилоятлар ўтрасида ҳеч қачон маданий чегара бўлмаган. Бу фикр билан тула қўшилиб бўлмайди, чунки турли даврларда, аҳамонийлар даври ёки антик даврда Амударё давлатлар ўтрасидаги чегара вазифасини бажармаган.

Қадимги замонларда Амударё бўйидаги замонавий Карки шаҳри атрофидан бошлаб ҳеч ким яшамайдиган ёки жуда кам аҳоли яшайдиган «ҳеч кимга қарашли» бўлмаган бепоён даштлар ва чўллар бошланган. Бундай «чегаралар» - худудлар юзлаб километрларга ҷузилган. Шунинг учун ҳам бу ерлар ёзма манбаларда бевосита сўғдийларга қарашли деб кўрсатилган.

Сўғдиёна худуди аҳамонийлар даврида ва бундан қадимроқ замонларда Амударёдан ўтиш билан бошланмаган, чунки Қашқадарё воҳасида тоғиб текширилган ўтрок сўғдий аҳолининг қишлоқ ҳаробалари Амударёдан анча олис масофада жойлашган. Шунинг учун ҳам Сўғдиёна билан Бақтрия ўтрасидаги худудий чегаралар Амударёдан (айниқса, ҳозирги Термиздан Каркигача бўлган ерларда) ўтмаган булиши керак.

Ўтрок аҳоли яшовчи вилоятлар ўтрасида чегара вазифасини табиий географик омил сифатида чўллар ва тоғлар бажарган. Кўп ҳолларда чўл ва тоғлар этник чегараларда аралаш жойлашув ерларга айланиб қолганларни тасодиф бўлмаса керак. Ҳисор, Бойсун ва Кўхитот тизмалари Бақтрия ва Сўғд ўтрасидаги табиий чегара бўлган.

Тарихий маълумотларга кўра, қадимги Хоразм худуди ўрта Амударё оқимиidan бошлаб Орол денгизигача ерларни ўз ичига олган, Бақтрия ерлари - бу Афғонистоннинг шимоли-шарқи (Балхоб, Кундуз, Панҷ, Бадаҳшон воҳалари), Жанубий Тожикистон (Коғирниҳон, Вахш, Панҷ воҳалари), Сурхондарё вилояти.

Бақтрияниң худудий чегаралари: жанубда - Ҳиндикӯш тизмаси, шимолда - Ҳисор тоғлари, шарқда - Помир, гарбда - Амударё-

нинг ўрта оқими ҳисобланади. «Бақтрия» номи Бақтра дарёсидан олинган (хозирги Балхоб).

Сүедиёна - ҳозирги Қашқадарё ва Зарафшон воҳалариидир. Сүғдиёнанинг географик чегаралари: фарбда Бухоро воҳасидан шарқда Ҳисор тоглари бўйлаб, жанубда Қашқадарё ва Кўҳитог оралигида, шимолда эса Нурота тизмаларига бориб тақалган.

Марғиёна - Туркманистон жанубидаги Мурроб воҳаси, Парфия - Туркманистоннинг жануби-гарби, Эроннинг шимоли-шарқи. Ўрта Осиё ўтрок вилоятларининг қўшини ерларида қўчманчи сак-массагетлар қабилалари яшаган (Помир, Тангритоғ, Жанубий Қозогистон, Тошкент, Сирдарё вилояти, Кўйи Зарафшон, Кўйи Амударё ва Сирдарё, Орол дентизи атрофлари).

Маданият, иқтисод ва ижтимоий тузум. Милоддан аввалти VII-VI асрларга мансуб моддий манбалар Ўрта Осиё маданияти тарихини Ўрганишда катта аҳамиятта эгадир. Бақтрия, Сүедиёна, Хоразм ва Марғиёна тупроғида атрофи деворлар билан ўралган уй-кўргонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари, айрим катта-катта қалъалар топиб текширилган (Қизилтепа, Бандиҳонтепа, Еркўргон, Узунқир, Афросиёб, Кўктепа, Кўзалиқир, Ерқальъа). Бу ёдгорликлардан қадимги уй-жойлар, саройлар, кулолчилик ва металлчилик устахоналарининг қолдиқлари қазиб очилган.

Ўрта Осиёning турли вилоятларида Афросиёб, Узунқир, Қизилтепа, Кўктепа, Еркўргон каби дастлабки шаҳар марказлари равнақ топган. Ушбу шаҳарларда бинокорлик, хунармандчилик ва савдо юксак даражада ривожланган.

Сурхондарёдаги Қизилтепанинг шимоли-гарбий қисмида кўргон қолдиқлари жойлашган. Кўргоннинг баландлиги ҳозир ҳам 10 метр келади. Пахса ва хом гишт билан ўралган шаҳар деворлари қалин ва мустаҳкам бўлиб, мудофаа деворларининг ўртасида аскарлар юриши учун маҳсус йўлак ўрнатилган. Шаҳар деворлари устига ўқ отиши учун мудофаа буржалари қурилган. Деворларда ҳар икки метрда шинаклар қолдирилган.

Қизилтепа атрофида тўртбурчак шаклида қурилган қадимий уй-кўргонлар қолдиқлари топилган (Қизилчатепа). Улар пахса деворлар билан ўралган ва хом гиштлардан қурилган уй-жой, хўжалик хоналари, ошхоналардан ҳамда ички ҳовлидан иборат. Пахса деворлар билан мустаҳкамланган ташқи қисмда подахона бўлган.

Ёдгорликларда топилган бронза ва темирдан ясалган пичоқ ва ўроқлар, бронза идишлар ҳамда ўқ учлари, сопол урчуқлар ва идишлилар, металли игна ва бигизлар қадимги вилоятларда хунармандчи-

лик - темирчилик, кулолчилик, тұқувчилик ва тикувчилик фоят тараққий тошанылыгини курсатади.

Ұрта Осиёning дашият ва төглик жойларида ящаган саклар хұжалигига чорвачилик, айниңса катта аҳамиятта эга бўлган. Бу қабилалар қорамол, майда чорва ҳамда отни кўпілаб урчиттганлар. Сакларнинг ёдгорликлари Куйи Зарафшон, Амударё, Орол денгизи атрофида, Помир ва Тёншон тогларида топилган. Улар асосан мозор-қўргонлардан иборатдир. Топилмалар орасида бронза ва темирдан ҳарбий куроллар, зеб-зийнат буюмлари, меҳнат куроллари ва сопол идишлар учрайди. Сакларнинг мозор-қўргонларидан от анжомлари топилган.

Помирда жойлашган Аличур, Томди ва бошқа ёдгорликлардан темирдан ясалган қиличлар топилган. Курол дастасининг боши ўйсимон қайириб кўйилган. Кўчманчиларнинг мозор-қўргонларида ҳарбий болталар, ханжарлар ва бронза ўқлари жуда кўп учрайди. Сакларнинг ўқлари баргсимон, икки ёни қиррали бўлган.

Сакларнинг от анжомлари, ўқлари ва ханжарлари скиф ярогаслаҳаларига үхшаб, Шарқий Европа даштлари қўчманчи қабилаларининг ҳарбий куроллари турларини эслатади. Бронздан ишланган санъат буюмларида ҳам яқин хусусиятлар ва катта үхшашлик бор. Илк темир даври қўчманчиларини кенг қамровли маданий алоқалар бир-бiri билан боғлаб турган. Сакларнинг шаҳар харобалари топилмаган. Кўчманчиларнинг уй-жойи ертула ва чайласимон уйлардан иборат бўлган. Йиллар давомида чорвадорлар янги, емашашак мўл ерларга ва яйловларга кўчиб юрганлар. Ўтрақ ҳаёт улар учун муҳим вазифа бўлмаган. Қадимти юонон муаллифларининг маълумотларига қараганда, чорвадорлар кўчиб юрганда, уларнинг юк анжомлари араваларга ортилган.

Геродот бундай хабар қиласади: «Массагетлар отда ва пиёда жант қиласидилар. Массагетларнинг яроғ-аслаҳалари найза, болта ва ўйёйлардан иборатдир. Уларнинг барча нарсалари олтгиндан ва мисдан ишланган. Болта, ўқ ва найза учлари мисдан ишланган, уларнинг ўз усти-бошлари олтин билан нақшланган... темир ва кумушдан ясалган буюмлар уларнинг рўзгорида ишлатилмайди, чунки бу металлар массагетларнинг ерларида умуман учрамайди, аммо олтин ва мис уларнинг ерларида жуда ҳам кўпdir».

Ұрта Осиё даштларида чорвачилик айниңса катта аҳамиятта эга бўлган. «Авесто»да тилга олинган айрим қадимги қабилалар чорвачилик билан ҳаёт кечирганлар. «Авесто» китобларида қадимти чорвачилик ҳаёти ҳақида маълумотлар турли қисмларда сакланниб, бун-




1-расм. Қадимги шаҳар харобаларининг узоқдан куриниши.




2-расм. Археологик қазув ишлари натижасида топилган уй-жойлар қолдиқлари.

3-расм. Илк палеолит даври тош куроллари. Он Арча ва Кичик Коратов маконлари.




4-расм. Тош асри ёдгорликлари (1-палеолит ёдгорликлари, 2-Жойтун маданиятига мансуб манзилгоҳ, 3-Калтаминор маданияти ёдгорликлари)



10-расм. Чагаллитепа. Неолит даври уй-жойларининг тузилиши.




11-расм. Энеолит даври нақшли сопол идишлари.




12-расм. Энеолит давридаги маконларнинг тузилиши.

13-расм. Энеолит даври ҳайкалчалари ва сопол идишлари.



14-расм. Энеолит ва бронза даври ёдгорликлари (1-үтрок дәхқончилик манзилгоҳлари, 2-чорвадор қабилалар манзилгоҳлари, 3-қадимги қабристон, 4-алоҳида топилмалар, 5-чорвадорлар манзилгоҳлари гуруҳи).



44-расм. Мил.ав.VI-IV аср уй-жойи қолдиқлари. Қызылтепа.



45-расм. Аҳамонийлар даврига оид қадимги қишлоқ харобалари.

дай хабар қилинади: «Ахурамаздага мурожаат қилиб, пайғамбар айтүрки: «Сен ўша, ким бизга ҳаёт манбаси чорвани дунёга келтириб, яратгансан»».

«Ахурамазда Арта ёрдами билан чорва учун хашак бўладиган ўсимликларни яратган. Чорвага яхши эга керак. Ушбу ердаги чорва соҳибларига мен эркин юришни ва эркин ҳаётни таъмин қиласман».

«Биз Ахурамаздан улуғлаймиз, у чорвани, сув ва ўсимликларни, ёруғлик ва ерни яратиб, бошқа яхшиликларни ҳам вужудга келтирган. Ахурамазда яратган барча нарсанинг ичида биринчи ўринда чорва туради. Биз чорвага тинч ўтлов ва емиш таъминлашга чақирамиз».

«Авесто»нинг энг қадимги тўпламларида дехқончилик ҳақида маълумотлар учрамайди. Видевдат қисмида дехқончилик савоб иш деб ҳисобланган: «Ким агар сўл ва ўнг қўли, ўнг ва сўл қўли билан бу заминга ишлов берса, о Спитама Заратуштра, у ерга манфаат келтиради».

«Ахир кўпдан-кўп вақтдан бери шудгор қилинмаган ер қаноатланмайди, у қўшчи меҳнатидан эзгуликни кутади, шунингдек кўп вақтдан бери фарзанд кўрмаган гўзал ёш аёл ҳам эзгуликни эридан орзу қилиб кутади».

Хўжалик юритиш максадида дехқонлар томонидан ўзлаштирилган худудларда аҳоли зич жойлашган бўлиб, ўзлаштирилмаган бепоён ерлардан фарқ қилган ҳолда қадимги «маданий хўжалик воҳалар» деб аталади. Уларнинг ҳар бирида ҳосилдор ерлар ва сугориш тизимидан ташқари уй-қўрғонлар ва манзилгоҳлар, экин экилмаган ерлар ва яйловлар мавжуд бўлган. Қадимги дехқончилик туманларининг ривожланиши табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳит билан боғлиқ бўлиб, бу муҳит уларни қадимги маданий-хўжалик туманлари деб ҳисоблаш имконини беради.

Ўрта Осиёда қадимги дехқончилик туманларининг тузилиши турлича эди. Манзилгоҳларнинг сони ва ўзлаштирилган ерларнинг майдонига қараб, қадимги воҳалар бир неча гуруҳларга бўлинган: майда, майдони 1,5 кв.км туманлар ва йирик, майдони 35-50 кв. км бўлган воҳалар. Воҳаларнинг тузилиши ва уларнинг умумий майдони фақат аҳолининг сони ва унинг жойлашиш хусусиятларига эмас, балки суформа дехқончилик ҳудудлари ва сугориш тармоқларининг чегаралари билан ҳам узвий боғлиқ эди.

Милоддан аввалги I минг йиликнинг биринчи ярмида аҳоли нисбатан зич жойлашган ўтроқ воҳаларда дехқончилик хўжалиги жадал ривожланган. Бу воҳалар ҳосилдор тоголди текисликларида

ёки дарё этакларида жойлашган булиб, даштларга нисбатан дәхқончилек учун кулай шароитта эга бўлган.

Ўрта Осиё илк темир даври маконларидан дәхқончилек билан боғлиқ бўлган меҳнат қуроллари топилган. Ҳар бир йирик манзилгоҳларда ёки алоҳида уй-қўргонларда галла туйгич, келисоп, ҳовончалар топилган. Ушбу қуроллар ҳар бир жамоанинг ишлаб чиқарув қуроллари таркибига кирган. Уй-қўргонлар жамоаларининг асосий маҳсулотлари қишилоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириши ва уларни қайта ишлашдан иборат бўлган.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг жанубидаги бронза ва илк темир даври манзилгоҳларидан арпа ва буғдой донлари қолдиқлари топилган. Қашқадарё воҳасида милоддан аввалги VIII-VI асрларга оид узум уруғлари топиб текширилган (Узунқир). Қадимги сўғидиллар йирик мевали узумлар (меванинг диаметри 18,5 мм.ни ташкил этган), шунингдек майда мевали узумлар (меванинг диаметри 10-14 мм) етиштирганлар.

Ўрта Осиё турли воҳалари дәхқончилек хўжаликларида бошокли экинзорлар (арпа, сули) катта аҳамият касб этган. Ҳисор ва Зарафшон тоғолди тизмалари кенг яйловларга эга булиб, чорвачиликнинг жадал ривожланиши учун замин яратган, бу эса лалмикор дәхқончилек билан ёнма-ён юз берган. Үрганишаётган давр Ўрта Осиёning манзилгоҳларида кулолчилик ишлаб чиқарилиши ривожланиб, кулолчилик хумдоңлари топилган.

Қадимги уй-жойларда кўп сонли сопол идишлар топилган. Арпа, буғдой, тариқ донлари ва улар учун кавланган ўралар, ун ва буғдой сақлаш учун ишлатилган хумлар ва хумчалар жамоаларининг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятта эга бўлганлигини кўрсатади. Ерни ҳайдаб дәхқончилек қилиш, сунъий сугориши ишларини кенг йўлга қўйиш, дон экиш, чорва учун хашак бўладиган ўсимликларни ўстириши, мевачиликни ривожлантириши - ҳаёт манбай касби булиб қолган.

Айрим уй-қўргонларда маҳсус устахоналар қолдиқлари топиб текширилган. Бу устахоналарда оила аъзолари уй рўзгорига керакли буомларни ишлаб чиқарганлар. Масалан, тошдан ишланган дәхқончилек қуроллари, (ўроқлар, ёрғучоқлар, ҳовончалар, қўлда ишланган кулолчилик буомлари - сопол идишлар, чироғдон, урчуқ бошлари), бўйра ва тери тўшамалари ва бошқалар - уй ҳунар касби маҳсулотлари бўлган.

Шаҳар марказларининг маҳсус ҳунармандчилек устахоналарида ишлаб чиқарилган сопол идишлар, металл қуроллари ва бошқа

ашёлар хұжаликда кенг ишлатилған. Жамоалар үртасида айрбошлиш ва савдо-сотиқ юксак даражада тараққый топған.

Аҳамонийлар давридан олдин Ўрта Осиёда танга пуллар номағлум бұлған. Шунинг учун ҳам қишлоқ жамоалари үртасидаги савдо-сотиқ жараённан «пул» вазифасини күолчилик ва темирчilik буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорва бажарған. Қишлоқ жамоаларидан етиштирилған маҳсулотнинг асосий қисми шу жойнинг үзіда, янын айрим жамоалар үртасида истеммол қилинған.

Ташқы савдода (вилоятлар, мамлакатлар үртасида) пул үлчовини хомашё, қымматбаҳо хунармандчилек буюмлари (металл идишилар, ярг-аслаҳалар, зеб-зийнатлар), қымматбаҳо тошлар ҳамда олтин ва күмуш бажарған. Бақтрия тупроғида топилған Фуллюл (Афғонистон) ва Амударё (Тожикистан) хазиналаридаги юқори санъат даражасида ишланған олтин ва күмуш буюмлари шундан далолат беріши мүмкін.

Ўрта Осиёдан бошланған савдо йүллари қадимги Шарқ мамлакатларига олиб борған. Ктесий хабарига күра, Бақтрия вилояты олтин ва күмуш конларига бой бұлған. Оссурия подшоларининг савдогарлари бронзадан ишланған идишлар, ярг-аслаҳаларни хомашё олтин ва күмушға алмастырылғанлар. Иккидарё оралиғи ва Эрон шаҳарларидан ясалған бронза идишлар Бақтрияның милоддан аввалғы II минг йиллікка оид ёдгорлікларидан ҳам топилған.

Милоддан аввали VII-VI асрларда Ўрта Осиё жамиятининг асоси кичик оиласынан иборат бұлған. Ҳар бир кичик оиланы үртача 5-6 киши ташкил қылған. Улар катта патриархал оила аъзолары бұлған. Катта оила (20-25 киши) умумий уй-жойда яшаган. Бу уйларда айрим кичик оилаларға маҳсус турар жойлар тегишли бұлса-да, лекин уларнинг ижтимоий-иктисодий ҳәети - «умумий том остида» катта оила (уй эгаси «иманопати») раҳбарлығыда үтгандығы билан изоҳланади. Жамоалар ҳәетида уругчилек даврининг айрим хусусиятлари сақланиб қолған. Катта оила аъзолары томонидан хұжаликни ташкил этиш, ерга биргаликта әгалик қилиш ва умумий турар жойда - уй-күргөнларда яшаш одати бундан далолат беради. Аммо құшни катта оилалар үртасидаги ер әгалиги, хусусий мулк ва чорва бойліларды түрли хил бұлғын, бир-биридан аңға фарқ қылған. «Авесто»да қадимги жамият тузумини күрсатувчи алохидан сұзлар учрайди. Масалан, уй-жой (оила жамоаси)-«нмана», «дмана», «айрим маизилгоҳ» (уруг жамоаси)-«вис» деб аталған. «Авесто»да шаҳар жамоасининг түшүнчеси учрамайды, қабила-«занту», қабилалар иттифоқи-«дахилю» деб аталған.

Оила, уруг ва қабила бошлигини билдириш учун «пати» сүзи ишлатилган. Мамлакатни идора қилган шахс «кави» ёки «састар» деб аталган. Яшт китобида бундай хабар қилинади: «Күп яйловларга эга бўлган Митрани биз улуглаймиз. Унга ҳеч ким ёлғон гапиролмайди: уйда оила бошлифи, уруг оқсоқоли, қабила йўлбошчиси ва мамлакат ҳокими ҳам ёлғончи бўлса, газабланган Митра бутунлай оилани, уругни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам тамоман йўқ қиласди».

«Састар» сўзи билан қабилаларнинг ҳарбий йўлбошчиси белгиланган, халқ йиғилиши (мажлис) «въяха» деб аталган. «Авесто»нинг Яшт китобида келтирилган маълумотлар Ўрта Осиёда қабилаларнинг сиёсий бирлашмаси таркиб топган даврларга мансуб бўлиши мумкин. «Авесто»да «шаҳар» сўзи ёки «шаҳар жамоаси» тушунчаси учрамаслиги, милоддан аввалги IX-VIII асрларда Ўрта Осиёда йирик шаҳарлар равнақ топмаганлигидан далолат беради.

Сурхондарёдаги Қизилтепа атрофида тўртбурчак шаклида қурилган уй-кўргонлари бир неча қушни уйлардан иборат бўлиб, алоҳида жойлашган айрим қишлоқ манзилгоҳ жамоасини - қариндош катта оиласлар (12-16 оила) гуруҳини ташкил қилганлар. Қадимги шаҳарларнинг атрофида бир неча манзилгоҳлар жойлашган, уларнинг суформа майдонлари ва экинзорлари 3-5 кв.км ерни эгаллаган. Ҳар бир катта оила ўз хўжалигига маълум микдорда чегаралangan ер майдонини сугориш учун ишлатган. Қизилтепа шаҳар жамоаси аъзоларининг баъзилари ерга эгалик қилганлар ва деҳқончилик билан шуғулланган бўлсалар, бошқаларининг касби ва амалий вазифалири хунармандчиллик, бинокорлик, савдо ва ташкилий ижтимоий ишлар бўлган.

Шунинг учун ҳам милоддан аввалги VII-VI асрларда Ўрта Осиё жанубий вилоятлари жамиятларининг тузилиши «Авесто» тизимиға нисбатан анча фарқ қилган. Айрим манзилгоҳлар ва шаҳар жамоаларга бўлинishi жараёни шундан далолат беради. «Авесто» жамияти тўрт асосий қисмларга бўлинган - оила, уруг, қабила, вилоят. Археологик маълумотларга кўра, Хоразм, Марғиёна, Сўғд ва Бағтирияда қадимги жамият тузилиши анча мураккаб бўлиб, милоддан аввалги VII-VI асрларда «қўшнилар жамоаси», шаҳар ва қишлоқ жамоалари тараққий топган. Уларнинг ҳудудий, иқтисодий ва ижтимоий бирлашуви қабилавий бирлашувдан анча фарқ қилиб, илк давлатлар пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Дип. Ўрта Осиёнинг қадимги диний эътиқодлари «Авесто» маълумотлари асосида ўрганилади. «Авесто»нинг дунёга келиши зар-

дүштийлик динининг тарих саҳнасида пайдо бўлиши билан боғлик, Зардуштийлик (зороастризм) дини эса шунчалик қадимийки, антик дунё тарихчилари ва мазкур дин намоёндалари ҳам унинг қачон ва қаерда пайдо бўлганлигини аниқ айтиб бера олмаганлар. «Авесто» энг қадимги зардуштийликкача бўлган диний анъаналарни ҳам қамраб олган. Заратуштра ана шу анъаналар руҳида тарбияланган бўлиб, анъаналар унинг янги таълимотига монелик қитмagan. Бу ўринда, энг аввало табиат кучларига ҳурмат бажо келтириш - кўёш юлдуз, оловга сифинишга чорловчи қадимги мадҳиялар назарда тутилмоқда. Яна унда қаҳрамонларнинг эзгулик йўлидаги шонли ишларини мадҳ этувчи қадимги достон ва ривоятлар мавжуд. Тартибга чақириш, адолатта интилиш, хулқ, одоб тантанаси, тинч ҳаёт, эзгуликка даъват Зардушт тарғиботининг асосини ташкил этади.

Зардуштийларнинг улуг ва донишманд худоси Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, баҳт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат тарафдори худоси бўлиб ҳисобланган. Ахурамазда - осмонни, дунёни, ҳаётни ва ёруғликни яратади. Бунга жавобан, унга қарши Ахриман (Анҳра Манё) ўлим, ёвузлик ва зулматни яратди.

Эзгулик худоси Ахурамазда ва ёвузлик худоси Анҳра Манё тўхтовсиз курашганлар. Фалакда бошланган тантрилар ўртасидаги кураш табиат ва инсон ҳаётида ҳам давом этади. Зардуштийларнинг линий фалсафаси қўйидаги қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган - ҳаёт ва ўлим, соғлиқ ва касаллик, ҳақиқат ва ёлрон, уруш ва тинчлик. Зардуштнинг эътиқодича, эзгулик ва ёвузлик кучлари курашида яхшилик ва адолат кучлари албатта ғолиб келади.

Инсон ўз ҳалол ишлари, тўғри фикрлари ва ҳақиқат сўзлари билан Анҳра Манёга қарши бўлиши лозим. Ахлоқий етуклиknи кўпайтириб, инсонларга ҳурмат билан яшаганлар баҳтли ҳаёт кечиради. Бу диний таълимот одамзотнинг ер юзида фаровон яшашига, инсон манфаатларига алоҳида аҳамият беради, тирик ҳаёт тимсолларига чуқур эҳтиром кўрсатади. «Авесто» гояларига кўра, ер юзидағи ҳаётни адолат, ҳақиқат, эзгу ният, эзгу фикр ва савобли ишлар бошқармоги керак. Ёвуз ишлар билан машҳур бўлган одамларни дўзахдаги зулмат ва азоб кутиб олади деб фараз қилинган.

Зардушт биринчилардан бўлиб одамнинг вафотидан кейинги одил ҳукм, инсоният учун умумий охирги синов ҳақида, баҳтли, завол билмас ҳаёт, доимий адолат ўрнатилиши ҳақида таълимотта асос солган.

Зардуштийлар дунё тарихи 12 минг йил давомида ривожланади деб ҳисоблаганлар. Дунё ривожланиши тўрт босқичга бўлинib, ҳар

бир давр 3 минг йилдан иборат бўлган. Биринчи босқич бу курин-мас маънавий дунё. Иккинчи даврда Ахурамазда осмонни, юлдузларни, ойни ва қуёшни яратиб, уз маконига қуёшдан нариги ёғидаги узоқ жойларда асос соглан.

Худди шу даврда Анхра Манёнинг ёвузлик фаолияти бошланади. У дастлабки Ягона Гавмард одамга касаллик ва ўлим келтиради. Аммо биринчи одамдан эркак ва аёл пайдо бўлади. Улар инсоният уруғини вужудга келтиради.

Учинчи босқич «Авесто»нинг афсонавий қаҳрамонларининг иш-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиб, «олтин давр» деб аталган. «Олтин давр подшолигида» совуқ ёки бутунлай иссиқ иқлимини, касаллини, ўлимни ва қарилкни инсоният умуман билмаган. Ахурамазда иродаси билан ерда тулиқ баҳт-саодатлик, озиқ-овқатларнинг ва молнинг сероблиги устунлик қилиган.

Анхра Манё «олтин давр» тинч ва баҳтли ҳаётига қарши бўлиб, очлик, касаллик ва ўлимни яратган. Ахурамазда ва Анхра Манё ўртасидаги кураш фоят кучайиб, авж даражасига етган.

Заратуштра вафотидан сўнг, дунё тарихида тўртингчи босқич бошланган. Заратуштра 77 ёнга тўлиб, милоддан аввалги VI асрда вафот этган деб фараз қилинади (милоддан аввалги 553-541 йиллар атрофида).

Тўртингчи босқичнинг сўнгти йилларида, зардуштийлар фалса-фасига кўра, дунё ва инсоният тақдирини ҳал қитувчи, дунё ҳаётини қутқарувчи шахс - бу Заратуштранинг ўғли Саошъянт пайдо бўлади. У Анхра Манё кучларига қарши ҳаракат қилиб, ерни «алангали эритилган темир оқимида» тозалаб бериши лозим бўлади. Зардуштийлар ривоятига кура, олов худоси Атар баланд тоғда темирни эритиб, алангали суюқлик дарёсини ер юзига йўналтиради. Ҳар бир инсон ана шу дарёдан кечиб ўтиши лозим бўлади. Ҳақиқаттуйлар учун олов ёлқини янги соғилган сутдек туйилади, гуноҳкорларнинг ичи эритилган темир билан тўлиб ёнғинга айланади. Алангали суюқ темир дарёси ер тагига оқиб, дўзахни, Анхра Манёни, зулматни ва барча ёвуз кучларни йўқ қиласиди. Бундан кейин Ахурамазда осмонда ва ерда ягона тангри бўлиб, ерда баҳту саодат, адолат ва яхшилик тантана қилиб, инсоният ўлим нималигини билмайди. Жанинат ва ердаги яшовчилар бирлашадилар, замин жаннатга айланади. Янгиланган дунё «мангу завол билмайдиган» бўлади. Одамларнинг муносабатлари, фикрлари, сўzlари ва ишлари тинчлик ва баҳтлийлик мақсади билан боғланади. Заратуштранинг насиҳатларига кўра, доимий фарогатли ҳаёт инсон учун узоқ нотаниш ҳаёлий жаннатда эмас, балки инсон учун яқин, унга таниш жонли дунёда

булиши лозим. Бу маррага етиш учун одамлар жуда күп мураккаб ва жиддий синовлардан ўтишлари керак.

Ахурамазда ва Ахра Манё худоларидан ташқари, «Авесто» бир қатор бошқа худолар фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қиласади. Митра, Хоума, Анахита, Аши ва Зурвон шулар жумласидандир.

Митра, «Авесто»нинг энг қадимги қисмларида бўлиб, бу шартнома худосидир. У гуноҳларга қарши «мингта қулоқ ва ўн мингта кўзларга» эга бўлиб, ҳеч қачон уйқуни билмаган, одамлар ҳаётини назорат қилиб, тартиб-интизом ва қонунларни бузишга йўл бермаган. Митра қонун ва тартиб-интизомни сақловчи худо ҳисобланади. У худоларнинг ўртасида биринчى бўлиб, осмондаги ўлмас кўёшга яқинлашиб борган. Сўнти давр зардуштийлар фалсафасида Митра қуёш худосига айланган. Геродотнинг айтишича: «Массагетлар улуғлаган ягона худо - бу қуёшдир. Куёшга улар отларни курбон қиласидилар, чунки энг шиддатли худога, дунёдаги энг чаққон - тез чопар жонни курбон қилиш лозим деб ўйлайдилар».

Анахита (Ноҳит) ҳақида маълумотлар Яшт китобида сақланган. Анахита муқаддас сув, ер ва ҳосилдорлик худоси ҳисобланган. Анахита инсонга баҳт-саодат келтирувчи ва етарли даражада маҳсулот, озиқ-овқат берувчи худо деб аталган.

Табиат кучларига сифиниш одати Ўрта Осиё ҳалқларининг диний эътиқодлари энг қадимги сифинишлар билан анча боғлиқ бўлғанлигидан далолат беради. Ер, сув, олов, юлдузлар ва қуёш муқаддас кучлар деб ҳисобланган. Муқаддас оловга сифиниш алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Қадимги Бақтрия, Марғиёна ва Хоразм мақонларида «оловхоналар» топиб текширилган. Кагта оила ва қишлоқ жамоаларининг ўйларидаги маҳсус хоналарида алангали муқаддас ўчоқлар ёниб турган.

Милоддан аввалги IX-VII асрларга мансуб Хоразм, Бақтрия, Марғиёна ва Сўғдиёна қишлоқ ва шаҳар харобаларида худоларрга бағищланган маҳсус ибодатхоналар топилмаган. Мабудаларнинг ҳайкаллари ёки тасвирий санъатдаги расмлар ҳам ҳозирги вақтгача номаълум. Қадимги элатлар очик ҳавода баланд тепаликларда ва дарё бўйларида ибодат ва қурбонлик қилиб, ер ва осмон - худоларнинг ибодатхонаси деб фараз қилганлар.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига мансуб Мурғоб, Сурхондарё, Қашқадарё ва Ўрта Амударё воҳаларидағи ўтроқ аҳолининг қадимги қабрлари топилмаган. Олимларнинг фикрига кўра, бу даврда Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида зардуштийлар қонунларига оид дағи этиш маросими тарқалган. Шу

қонунларга кўра, жасадни кўмиш, сувга ташлаш, гулханда куйдириш ман қилинган. Шунинг учун ҳам жасадни зардуштийлар уйжойдан, манзилгоҳдан, шаҳардан, тупроқдан, муқаддас оловдан ва сувдан четлаштириб, уни тошли ва кумли тепаликларга ёки бошқа маҳсус жойларга олиб бориб қолдиргандар. Уйдан, оловдан ва сувдан узоқ жойларда ташлаб қолдирилган мурдаларни йиртқич ҳайвонлар ва күшлар йўқ қўлганлар. Йил давомида қор ва ёмғир сувлари мурда суякларини ювиб, уларни күёшнинг муқаддас нури тозалагандан сўнг, очиқ қабристонларга маҳсус одамлар келиб, тозалантган суякларни шаҳар ва қишлоқларга олиб келганлар. Фақат шундай мураккаб дағн маросимидан кейингина суякларни ерга кўмиш ёки маҳсус хоналарда (сопол идишларда, тобутчаларда) сақлаш мумкин эди.

Суғдиёнадаги Сангиrtleпа, Бақтриядаги Қизилтепа, Қизилча ва Бандихонтепа атрофилда милюддан аввалти IX-VIII ва VII-VI асрларга мансуб одамларнинг тарқоқ суяклари топиб текцирилган. Бу даврла Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида зардуштийлар урф-одатларига оид дағн маросими тарқалган.

Сангиrtleпа ва Қизилтепада одамларнинг тарқоқ суяклари уйларнинг сатҳлари тагидан ҳам топилган. Бу маросим бронза даври анъаналари, яъни жасадни уй-жойларда сатҳлар тагидаги қабрларда дағн этиши одати билан анча боғлиқ бўлган. Аммо, шунга эътибор бериш лозимки - Ўрта Осиё жанубидаги илк темир даврига оид маҳсус мақбаралар, уларнинг вазифасини бажарувчи бошқа иншоотлар ва суяклар сақлаш учун ишлатилган сопол тобутчалар («остодон», «оссуарий»)лар топилмаган.

«Авесто», ахлоқий ва ҳуқуқий қоидалар. Жимоят ва жазо турлари. Ривоятга кўра, Заратуштра 30 ёшга тўлганда ҳақиқий дин таълимоти унинг қалбидан ўрин олган. Шу давр мураккаб, нотинч бир давр эди. Босқинлар, урушлар инсон зотига чексиз жудоликлар, ўлим келтирди. Қабилалар бир-бири билан ёвлашарди. Йўлбошчилик ва жангчилар ҳарбий юришларга чиқиб, кучсиз ва ҳимояга муҳтожларни талар ва қулга айлантирап эдилар.

Заратуштранинг бир неча бор бедодлик ва зўравонликлар гувоҳи бўлганлиги учун, унинг дастлабки тарғиботлари ёвузилик, зўравонлик ва ўлимга қарши қаратилган. Шу туфайли тартибга чақириш, адолатга интилиш, хулқ, одоб тантанаси, тинч ҳаёт, эзгуликка даъват Заратуштра тарғиботининг асосини ташкил этган. «Куч ва имконим борича мен одамларни ҳақиқат «аша»га чорлайман», -дея Заратуштра улуф ва донишманд тангри Ахурамаздага қасамёд этади.

«Аша» - тартиб, имон ваadolat тимсоли. Унга яхши ният, яхши сүз ва савобли ишлар билангина эришиш мумкин. Бироқ ўз му-роқабаларининг барида Заратуштрага эзгулик ва адолатга қарши бўлган, олий тангри Ахурамазда душмани Анхра Манё бошлиқ қора кучлар мавжудлиги аён бўлади.

Заратуштра таълимоти инсонпарварлик гоялари билан узвий боғланган бўлиб, унда инсон учун алоҳида муҳим ўрин ажратилган. Яхшилик ва ёвузликнинг курашида унга хоҳлаган томонини ёқлаш имконияти яратилади. Шунингдек, ҳар бир инсон ёвузликни йўқотиши ва эзгуликни ўрнатиш ишида иштирок этиши мумкин. Бу ишда ҳамма тенг ҳуқуқидир. Қабилалар ўртасидаги кураш ва тинимсиз босқынлар («Улар хонадонларга, қишлоқ, вилоят ва мамлакатта қашшоқлик ва вайроналик келтирадилар») шароитида Заратуштра марказлашган курдатли ҳукмдори бўлган сиёсий уюшма яратишга чақиради. «Марҳаматли ҳукмдор шодлик кезган қишлоқлар учун тингчлик ўрнатади», -дейди Заратуштра.

Зардуштийлик фалсафасига кўра, одамларнинг ёмонлик кучларига қарши курашига фақат дин эмас, ибодат, самимий фикр, яхши сүз ва тадбиркорлик, шунингдек, ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларга оғишимай амал қилишлари ҳам асос бўла олади.

Одамларнинг ижтимоий-иктисодий муносабатлари маълум қонун-қоидаларга асосланганни ҳақида Яшт ва Видевдат боблари маълумот беради. Оила ва жамоадаги берилган сўздан ёки қасамдан воз кеччиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдномани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган: «О, Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатга завол келтиради, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга пугур етказади. О, Спитама, аҳдингни бузма...»

«Авесто»нинг гувоҳлик беришича, эру-хотин ўртасидаги шартнома эллик каррали, ота ва ўғил ўртасидаги шартнома юз каррали кўёв билан қайнота ўртасидаги шартнома саксон каррали, акаукалар ўртасидаги шартнома эса тўқсон каррали ҳисобланган. Ёши улуф кишилар сўзини қайтариш танбехга лойик, деб топилган, қолган ҳолатларда, масалан фарзанд отага қўл кўтарса, бу оғир жиноят ҳисобланиб, тан жазоси берилган.

«Авесто» қуйидаги жиноят турлари ҳақида маълумот беради: динга ва шахсга қарши, мулкий, ахлоқий, оиласа қарши, табиятта қарши, муқаддас ҳайвонларга, айниқса итга қарши.

Зардуштийларнинг қонунларига кўра, жасадни ерга кўмиш, сувга ташлаш, гулханда куйдириш ман қилинган. Шунинг учун ҳам гуноҳлар ичида энг оғири одам ва итлар жасадини «гупроқча топши-

риш», «дунёда ҳеч бир жазо, ҳеч бир товон бундай гуноҳни поклай олмайди, - дей «Авесто» таъкидлайди.

Шахста қарши ҳаракатлар ичида қуролни қўлга олиб таҳдид солиш, бирорни калтаклаб, уни хушидан кетказиш, унга жароҳат етказиш, қонини оқизиш, суюгини синдириш, бошини ёриш каби ҳаракатлар қаттиқ жазоланган.

Мулкий жиноятлардан ўғрилик, фирибгарлик, талон-тарож, босқин, қарздорликни «Авесто» гуноҳ деб ҳисоблайди. «Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади». Олинган қарзни ўзлаштириш ҳам жиноят ҳисобланган.

«Авесто» оилани, фарзандларни, уй-жойни асрраб-авайлашга чақиради: «Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир». Одамлар бир-бирларига мададкор бўлиши керак, масалан, бой камбағалга. Зардуштийлар жамоа аъзоларининг кундалик ҳаётидаги хулқи учун жавобгарлигини ҳис қўлганлар. Уларни мақсадли, умумий ҳаётий муаммолар ва вазифалар оғир дақиқаларда бирлаштирган, эртанги куннинг фаровон бўлишига умид бағишлаган.

Оила ва жамиятдаги ахлоқий ва ҳукуқий муносабатлар, жумладан хонадон эгаси ва оила аъзолари, эр ва хотин, ота ва ўғил, куёв ва қайнота, қўшилар ўртасида кенг қамровли бўлиб, улар ёлғон, зўравонлик ва ноҳақликка қарши қаратилган.

Инсон олов, сув ва заминнинг поклигини таъминлаши, табиатни асрраб-авайлаши лозим эди. Сув ва олов қошида қасамни бузган одам оғир гуноҳкор ҳисобланиб, кимда-ким қасамни бузса, у маълум миқдорда қамчин билан саваланган. «Авесто» саноғи олтита аҳднома (қасам, кафолат)га риоя қилишга чақиради (сўз, қўл, қўй, сигир, одам, вилоят қасами).

«Авесто»да меҳнатта юксак эҳтиром билан муносабат билдирилади. Инсон меҳнат қилиши лозим, бирор хунар, қурилиш, зироат ва чорвачилик билан шуғуллансан, дейилади: «Ким дон сочиб, ғалла етиштиурса, у тақводорлик, ҳаққонийлик ўрнаган бўлади».

Ноҳақлик ва жиноятта тўсиқ қўйиш, уларнинг олдини олиш мақсадида «Авесто» қонунлари инсон ва жамоанинг ҳар кунги ҳаётини, ички ва ташқи муносабатларини ҳукуқий назорат қилишга қаратилган. «Авесто» юксак ахлоқ, покиза виждан, марҳаматлик, инсонга ва она заминга нисбатан доимий ғамхўрликни тарғиб этади. Бугунги кунда ҳам «Авесто» фалсафаси долзарбдир. У инсониятнинг ёруғ келажагига, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига ва адолат тантанасига ишонч ва умид бағишлайди.

ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Юзлаб мингийилликларни ўз ичига олган инсоният тарихида дастлабки давлатлар ва шаҳарларнинг ташкил топиши, хунармандчилик ва савдолинг ривожланиши, ёзувнинг келиб чиқиши - нисбатан кейинроқ содир бўлган ҳодисалардир. Давлатчилик жаҳон тарихида милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирларида вужудга келиб, инсоният ривожининг сўнгти 5 минг йили билан боғланади.

Қадимги давлатлар ривожининг турли босқичларига, турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятлар хос бўлган. Даставвал, илк давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари - дәҳқончилик ва чорвачилик қаерда олдин ривож топган бўлса, ўша ерда вужудга келди.

Ибтидоий тарихда аҳолининг жойлашуви қариндош-қондошлик алоқалари билан белгиланган. У ёки бу ҳудудда фақат битта уруг аъзолари яшаган. Хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари тараққиёти аҳоли жойлашуви ҳудудларининг кенгайишига, ташки алоқаларнинг узлуксиз ривожланишига олиб келган. Ишлаб чиқариш зарурати ва бошқа иқтисодий омиллар шуни тақозо этган. Шу тариқа аҳолининг аралаш жойлашуви тарихи бошланади. Бунда бир ҳудудда турли уруг намоёндалари яшайдиган бўлган. Жамиятнинг янги ҳудудий ташкилоти вужудга келиб, қон-қариндош уругчилик жамоаси ўрнига ҳудудий күшчилик жамоаси келади.

Бу жамоаларнинг вакиллари алоҳида қишлоқлар, экинзорлар ва сугориш тармоқлари билан чегараланган, яъни тўла ўзлаштирилган ва муттасил хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиб келинган воҳа-туманларда ҳаёт кечириб, ички ва ташки муносабатларининг вазифаларини ҳал қилинча, бирлашишга ҳаракат қўлганлар. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат таҳсимоти, ташки ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, жамоадаги диний урф-одатларни бажариш каби масалалар ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг пайдо бўлишига асос солди.

Ўзбек халқи, Ўрта Осиё халқлари ва уларнинг аждодлари тарихида илк давлатчиликнинг вужудга келиши масаласини ўрганиш долзарб вазифадир. Бу муаммони ўрганинча ёзма ва археологик манбалар кўп жиҳатдан ёрдам беради. Давлат тузуми вужудга келишини ёритиб берадиган асосий ёзма манба «Авесто» ва қадимги дунё муаллифлари қолдирган маълумотлардир. Ўрта Осиёда илк дав-

латчилик тузумига замин яраттан бронза давридаги сүйрәм дәхқончилик ривожланиши ва ихтисослашган ҳунармандчилдік дір. Үрта Осиёда давлатчилик тузумига үтиш жараёни фақат ички сабабларга боелік бұлмай, Шарқдаги юқори даражада ривожланған анъанавий тарихий маданий алоқаларға ҳам болғып әди. Бақтрия худудидан топилған юқори сифатлы олтін, кумуш ва бронза буомлари ташқы савдо ва ўзаро алоқаларнинг ривожланишидан далолат беради.

Қадимги Шарқ давлат марказлари билан маданий мұносабатлары муаммоси долзарб мавзу бұлиб, археологик маңлумоттар ўзаро алоқалардаги мавжуд технологияк ва иқтисодий таъсирни күрсатади. Яқынча Олд Осиё давлатларининг Үрта Осиёга сиёсий юришларининг бошланиши ахамонийлар билан боеланып келинарди. Оссурияning Бақтрияға ҳарбий юришлари ҳақида маңлумотлар айрим тарихшунослар томонидан умуман рад этилған. Хоразм, Бақтрия ва Мидияning сиёсий алоқалари ҳали охиригача исботланмаган бұлсада, бундай алоқалар бұлиши мүмкін, деб ҳисобланмоқда.

Хозирги пайтда оссуриялекер билан қалай конлари мавжуд булған Үрта Осиё вилоятлари үртасидаги савдо алоқалари тадқиқотчиларни шубхалантирмаяпты ва ниҳоят Панж ҳавзасидаги милоддан аввалғы IV-III минг йиллекерге оид Хараппа маданияти савдо маконларининг очилиши ёки Сурхон ва Балхоб воҳаларидаги милоддан аввалғы XI минг йиллікка мансуб үтрең манзилгоҳларнинг тарқалиши турли жамоаларнинг янги ерларни ўзлаштириш фаолияти билан боеланған.

Археологик ва ёзма манбаларни ўрганиш шуни күрсатадыки, илк Темир даври Хоразм, Бақтрия, Марғиёна ва Сүғд жамоаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оиласыдан иборат уй жамоалари (кatta оила вакиллари) ташкил этган. Уй-құрғонлар жойлашуvinинг ташқы белгилари ёк, уй-жамоалари афтидан анча йирик худудий құшни жамоаларни ташкил қылғанидан далолат беради. Бошқарув тартибида катта оиласы (уй жамоасы) бошлиқдари ёки уй эгалари, шунингдек, алоҳида қишлоқ құрғонларини бошқарувчи жамоалар катта ақамиятта эга бўлған.

Алоҳида уйлар үртасидаги қариндошчилек мұносабатлари каби белгилар афтидан, иккинчи даражали бўлиб борган. Бу шунда қўринаиди, ҳар бир катта оила мумкин бўлған қариндошчилек алоқаларига қарамасдан, алоҳида уй-жойға, ишлаб чиқариш куролларига эга бўлишган, ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорвлари бўлған ёки ўзини иқтисод жиҳатидан таъминлай оладиган хўжаликни акс эттирган. Катта оиласы жамоалар шакли жамоа

ишилаб чиқариши ва хўжалик ҳаракатига мувофиқ эди. Маълумки, у жамоани иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига олиб келди.

Фарб илмий адабиётларида «йўлбошчи-бошқарувлари жамияти» деган тушунча қўлланилади ва давлат тизимига ўтиш босқичларидан бири «чифдом» деб аталади. Тадқиқотчилар фикрига кўра, «чифдом» тушунчаси давлат даражасига кўтарилимаган жамият ташкилотини акс эттиради. Бу босқичда йўлбошчилар жамоани ўз қўллари остида бирлаштириб, ишилаб чиқаришни назорат қилганлар.

Ижтимоий мансабларни эгаллаш, жамоа ишилаб чиқариши ишилари ва ижтимоий меҳнат тақсимоти билан боғлиқ бўлган. Бошқарув фаолият зарурати ишилаб чиқаришни ташкиллаштиришда, ишилаб чиқариши жараёнини назорат қилиш ва жамоа маҳсулотини тақсимлашда, шу ишилар билан маҳсус шугууланувчи айрим шахсларни юзага чиқарди.

Шу тарзда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиёти жамиятда ўз обру-эътиборига эга ва ижтимоий ишилаб чиқариши билан доимий шугууланмайдиган ижтимоий ва хўжалик ҳаётини назорат қиладиган ва бошқарадиган шахсларнинг сараланишига олиб келган. Аммо бу кишилар на қулдор, на эзувчи ҳам бўлмаганлар. Бундай одамларнинг сараланишига уларнинг шахсий ахлоқий хислатлари, билим ва нуфузлари сабаб бўлган. Шу асосда ишилаб чиқариши фаолиятидан ташкилий-бошқарув фаолияти ажрайиб чиқсан.

Раҳбар-йўлбошчининг нуфузи юқори бўлса-да, жамиятдаги ишилаб чиқариш жараёни бошқарув ютуқларига асосланган ижтимоий ҳокимият ҳали сиёсий давлат мақоми даражасига етмаган ижтимоий ташкилот турини ўзида ифода этган. Бундай ташкилот бошқарувчиси лавозимини бажарувчи шахслар бу лавозим эвазига мoddий рабботлантирилганлар. Моддий бойликларни тақсимлаш ва жамоа маҳсулотидан олинадиган улуш бундай кишиларнинг жамиятдаги ўрни ва амалига боғлиқ бўлган. Шундай қилиб, йўлбошчи раҳбарнинг дастлабки ижтимоий фойдали фаолияти касбий бошқарувчиликка айланди.

Шу тариқа илк давлатчиликка ўтиш жараёни бошланган. Иккинчи босқич жамоанинг ўзини-ӯзи бошқарув муассасаларини йўлбошчи ҳокимиятига тўла бўйсундирилиши билан боғланади ва шунда жамоа аъзоларининг ички ва ташқи, ўзаро алоқаларининг ҳукуқий тартиботининг зарурати янада ривож топиб, такомиллашади. Бу ҳолат давлатнинг турли вазифаларини ҳукуқий тартибга солиб, ҳокимиятни ҳукуқий жиҳатдан расмийлаштиради.

Айтилганлардан шундай хуносага келиндики, қадимги Шарқнинг илк давлатлари тарихи дастлаб жамиятнинг куллар ва қул-

дорларга булинишидан бошланмаган. Ушбу жараённинг муҳим омиларидан бири мулкий табақаланиш бўлмасдан, синфий қарама-қаршиликнинг алоқаси бўлмаган жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатидан булинишидир. Бу ҳол, энг аввало, иқтисодий, ҳарбий ва диний омилларга боғлиқ бўлган. Давлатчиликнинг асослари сиёсий институтлар шакллангандан кейинги чукур ижтимоий табақаланиш жараёни бошлангани билан боғланади.

Илк давлатларнинг ишлаб чиқарувчилик ҳаётида озод жамоа аъзоларининг меҳнати муҳим ўрин тутади. Аҳоли сонининг ўсиши ҳамда янги аҳоли жойлаша оладиган худудларга, бўз ерлар ва чорва учун яйлов, маъданларга бой манбаларга эга бўлиш эҳтиёжи катта ё кичик урушларга сабаб бўлган. Доимий ҳарбий тўқнашувлар шароитида баъзи давлатлар тор-мор келтирилиб, бошқалари кучайган. Саноқсиз асирлар ва хонавайрон бўлган жамоа аъзолари кулликка тушганлар. Улар меҳнатидан ишлаб чиқариш мақсадларида кенг фойдаланилган. Шу тарзда тарихда қадимги Миср, Оссуриядек ўртамиёна худудга эга давлатлар ва кейинчалик йирик, дунёвий миқёсдаги Аҳамонийлар салтанатидек давлатлар вужудга келган. Шунинг учун ҳам илк давлатларнинг тарихи - бу дастлабки босқинчилик урушлари тарихидир, бу қулдорлик деб аталувчи қадимги давлатлар тарихидир, чунки уларнинг ҳуқмдорлари кўпдан кўп вилоятлар ва ҳалқларни ўзига бўйсундиришни мақсад қилиб, кучсиз ва ҳимояга муҳтожларни талаб, қулга айлантирас эдилар.

Тарихий маълумотларга кўра, илк темир даврида Ўрта Осиё жанубидаги жамоаларда «уй эгаси», «қишлоқ оқсоқоли», «оқсоқоллар кенгаши», «туман ҳокими» каби мансаблар мавжуд эди. Ижтимоий тузумнинг бу поғонаси илк давлатчиликнинг энг юқори даражаси бўлиб, у жамоаларнинг ижтимоий ҳаётида обру-эътиборини, ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Уй-қўргон эгаси ўз авлодларига ҳам таъсирини ўтказган. Кейинчалик улар ўз ҳақ-хукуқларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилгандар. Жамоа учун ташкилий бошқарув кенг кўламдаги курилиш, сугориш ва дәхқончилик ишларини ташкил этиш пайтида зарур эди. Йулбошчи-ҳокимларнинг бошқалардан ажralиб туришига қадимги шаҳарларнинг ички қальясида уларнинг алоҳида жойлашган сарой қўргонлари ҳам гувоҳ бўлади. Бу ҳокимият ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, шаҳар ва қишлоқлар худудини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳаётни, шунингдек, курилиш, ҳунармандчилик ва сугориш ишларини ташкил этиб, жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб турган. Қадимги туман ва вилоятлар, шаҳар марказларининг аҳамияти,

айниңса ҳарбий тұқнашувлар пайтида ошиб, шаҳар худудидан тұман ахолиси учун бошпана, ижтимоий мулкнинг асосини ташкил этувчи чорва подалари учун пана жой сифатида фойдаланилған. Ҳокимиятта шаҳар жамоаси ва унинг атрофидаги үй-құрғонлар жамоаларининг вакиллари ҳам бүйсуниши лозим әди.

Үй-құрғон әгалари ойладаги ва жамоадаги иш юритувчилар сифатида анъанавий қишлоқ ҳұжалик шаклларини ривожлантириш, озик овқат маҳсулотларини күпайтириш мақсадыда турли муносабатларни бошқарыб турғанлар ҳамда уларнинг ҳақ-хукуқлари анча іоқори бўлган.

Бу ижтимоий тузумда айрим гурухлар деҳқончилик ҳұжалиги билан машғул бўлғанлар. Шунингдек, үй чорвачилити билан шуғулланувчилар, ихтисослашган хунармандчиллик, қурилиш ишлари, умуман, ишлаб чиқарувчилар бор әди. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш жараённіда банд бўлмаган ёки ҳўжалик ишлари билан камдан-кам шуғулланган шахслар мавжуд бўлган. Бу тоифага үй-құрғон әгалари, жамоа оқсоқоллари, диний арбоблар, туман ва вилоят ҳокими кабилар киради. Уларнинг барчаси жамият ишлаб чиқариш тартиби ва ҳаётидаги тутган ўрни билан фарқланганлар.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда илк давлатлар деҳқончилик иқтисоди, ихтисослашган хунармандчиллик ажralиб чиқиши туфайли шаклланган шаҳар марказлари асосида пайдо бўлган. Археологик маълумотлар масаланинг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммоларини ёритишга имконият яратади.

Ўтган аср охири ва асримиз бошларида «Авесто»даги маълумотлар Ўрта Осиё вилоятларининг Арёшайёна бўйича бирлашмаси, Гекатей ва Геродот асарларидан келиб чиққан «Катта Хоразм» масаласи, шунингдек Ктесийнинг қадимги Бақтрия подшолиги ҳақидағи маълумотлари Ўрта Осиё ва Ўзбекистон худудидаги илк давлатлар тарихини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбек халқи ва унинг аждодлари давлатчилик тарихи турли ўтроқ деҳқончилик вилоятлари тарихи билан bogланади. Қадимги Хоразм давлати шулар жумласидандир. Аҳамонийлардан олдинги даврда Хоразмда кучли давлат вужудга келган.

Хоразмда миloodдан аввалги VII-VI асрға мансуб катта-катта суғориши ишшоотларининг излари топиб текширилған. Амударёнинг ўрта ва қуїи оқими ерларида жойлашган Хоразм давлати худудидан миloodдан аввалги VII асрнинг охири V асрға оид кўпдан-кўп үй-құрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари топиб текширилған. Қадимги Хоразм шаҳар марказларидан бири Кўзалиқир мудофаа деворларининг тузилиши билан Бақтриядаги Қизилтепа шаҳар де-

ворларининг тузилишида анча ўхшашликлар топилди. Топиб текширилган моддий манбалар илк темир давридаги Хоразм, Маргийёна, Сўғдиёна ва Бақтрияда бир-бирига яқин маданиятлар ривож топгани ҳақида далолат беради.

Бақтрия давлатининг ривож топиши санасини милоддан аввалини 700-540 йиллар билан боғлаш мумкин. Янада қадимгироқ маълумотлар, яъни милоддан аввалигى IX-VIII асрларга оид археологик манбалар йирик Бақтрия давлати ҳақидаги маълумотларни тасдиқламайди. Бу даврга оид қадимги Бақтрияning энг катта манзилгоҳлари эгалаган майдони 2 гектардан зиёд эмас, уларниң мудофаа деворлари ёки хунармандчилик ишлаб чиқариш қолдиқлари топилмаган. Шу даврга оид Бақтрия худудида мустаҳкамланган йирик қалъалар бўлмаган. Милоддан аввалигى IX-VIII асрларда Ўрта Осиё тупроғида дастлабки кичик давлатлар ва ҳарбий сиёсий бирлашмалар пайдо бўлган.

Ктесийнинг «Персика» асарида қадимги Бақтрия давлати ҳақида, турли-туман истеҳкомлар ва қалъалар тўғрисида, давлатнинг аҳолиси кўп сонли бўлганлиги ҳақида, Оссурия подшоси Нин ва Бақтрия подшоси Оксиярт урушлари ҳақида ва бошқа маълумотлар келтирилган.

Кейинги йилларда Бақтрия тупроғида ўтказилган археологик қазишлар натижасида топиб текширилган дастлабки шаҳар ва қалъаларнинг моддий манбалари узоқ ўтмиш тарихий воқеаларидан далолат беради. Милоддан аввалигى VII-VI асрларда Бақтрияда дехқончилик хўжалиги, хунармандчилик ва савдо юксак даражада ривожланган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши хусусий мулкчилик ва айирбошлишни келтириб чиқарган, хомашё ва хунармандчилик буюмлари савдо маҳсулотига айланган. Бақтрия еридаги Бадахшонда қазиб чиқарилган ложувард Эрон ва Месопотамия мамлакатларига олиб борилган. Бақтриядан олтин, қўрошин ҳамда қалайи Оссурияга олиб борилган бўлиши мумкин. Аҳамонийлар даврининг ёзувлари Ўрта Осиёдан Эронга олтин, феруза, ложувард, от ва туялар, хунармандчилик буюмлари кўплаб олиб борилганидан хабар беради. Савдо-сотиқ ривожланиши асосида маданий муносабатлар тез тараққий этади.

Ёзма ва археологик манбалар қадимги Бақтрияда дастлабки шаҳарлар ривожланиши жараёнини аниқлаш имконини беради. Ктесийнинг таъкидлашича, Бақтрияning маркази Бақтра шаҳри бўлган. Бақтрияning бошқа марказлари Қизилтепа, Олгиндилёртепа, Бойтудашт, асосан айрим вилоятларда ҳарбий аҳамиятга, хунармандчилик ва савдо-сотиқ аҳамиятига эга бўлган.

Бу даврда Бақтрия ҳудудида қадимги ўтроқ аҳолининг олтидан кам бўлмаган - Балхоб, Сурхон, Кундуз, Коғирниҳон, Вахш ва Панҷ вилоятлари бўлиб, улар ўзида 30 та воҳани бирлаштирган.

Бу вилоятлар аҳолисининг маданий муносабатлари, хўжаликлар ривожланишининг бир-бирига ўҳшашилиги, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг яқин дараҷаси, умумий жойлашув ҳудуди сиёсий вазиятга боғлиқ бўлган ҳудудий уюшмалар, вилоятга қараганда кенгрок, масалан, ёзма манбалардаги «мамлакат»га тўғри келиши таҳмин қилинади. Аммо бундай уюшмаларга унча катта бўлмаган маъмурий ҳудудий ташкилотлар пойдевор бўлар эди.


Аҳоли аралаш ҳудудларда жойлашган ўтроқ вилоятлар сиёсий уюшмаларининг шаклланишини кучайтирган омилларидан бири ташқи ҳужум хавфи бўлиб, у айниқса даштлардаги кўчманчи қабилалар томонидан кучайиб борган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг кўпгина тоғлик ва дашт вилоятларидаги кўчманчилар курол-яроғ ривожлантириш соҳасида катта ютуқларга эришиб, маҳаллий ўтроқ дехқончилик аҳоли учун жуда хавфли ҳарбий кучга айланганлар.

Милоддан аввалги VII-VI асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида мудофаа тизими биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Мустаҳкам деворлар, мудофаа буржлари, хандаклар ҳимояланиш ва ҳужум қуроллари - найзалар, ўқлар, ханжарлар, жанговар болталар ва ўқ сифатида ишлатилган тош ядролар пайдо бўлади. Бу маълумотлар доимий ҳарбий тўқнашувлар ва сиёсий қарама-қаршиликлардан да-лолат беради.

Ўрта Осиёнинг ўтроқ дехқончилик вилоятларида давлатчилик тизимига ўтиш жараёни жуда эрта, милоддан аввалги II минг йилларининг ўрталарида бошланди. Милоддан аввалги IX-VIII асрларда «Авесто»да «Арёшайёна» ёки «Арёнам Вайжко» номи билан машҳур бўлган қадимги сиёсий бирлашма таркиб топган. Бу бирлашма ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Шу билан бирга Зарафшон, Қашқадарё, Сурхон ва Мурғоб воҳаларида майда давлат ташкилотлари ривожланган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда қадимги Хоразм ва қадимги Бақтрия мисолидаги йирик давлат уюшмаларининг вужудга келиши ҳақида таъкидлаш лозим.

Ушбу учта давр ўзбек халқи аждодлари тарихида ҳам давлатчилик тизимига ўтиш босқичи ва Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари бўлиб ҳисобланади.

Ибтидоий жамиятнинг асосий белгилари



МИЛОДДАН АВВАЛГИ VI-IV АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ

Сиёсий тарих. Милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё вилоятлари аҳамонийлар хукмронлиги остига тушиб қолган.

Эрондаги аҳамонийлар давлатига милоддан аввалги 559 йилда подшо Кир II асос солган (форсча Куруш- «подачи» деб таржима қилинади). Кир II Эроннинг «Парсуа» (Форс) вилоятининг подшоси бўлиб, Мидия давлати подшоси Астиагта қарши уруш бошлигаган. Бу курашда Астиаг енгилди.

Бундан кейин, Кир II қадимги Шарқдаги жуда кўп мамлакатлар устидан ўз ҳокимиётини ўрнатишни режалаштирган. Тарихан қисқа мuddат ичida, милоддан аввалги 547-546 йиллар давомида, Кир II Кичик Осиё давлатларини истило қилади. Геродотнинг хабарларига кўра, Кир II нинг ҳарбий юришларига «Бобил, Бақтрия халқи, саклар ва мисрликлар тўсиқ бўлиб турганлар».

Кичик ва Олд Осиёда ўз ҳокимиётини ўрнатиш учун иқтисодий бойликларни ва ҳарбий кучларни қўлга киритиш доим зарур бўлган. Курол кучи билан янги мамлакатларни ва турли халқларни бўйсундириш Кир учун асосий мақсад бўлиб турган.

Кир II Ўрта Осиёни қай тарзда босиб олганлиги ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Айрим қисқа маълумотлар Ктесийнинг «Персика» асарида ҳам бор. Қадимги юонон тарихшуноси айтишича: «Кир ва бақтрияликлар урушида ҳеч қайси томон вакиллари ғалаба қозонмаган». Аммо бақтрияликлар, аҳамонийлар давлатининг ҳарбий қудрати Шарқда анча мустаҳкамланганлитидан хабардор бўлиб, Кир II га ихтиёрий бўйсунадилар. Кир II ва Бақтрия урушлари ҳақида Ксенофонт ҳам ўзининг «Киропедия» асарида қисқа маълумот берган.

Геродот, Кир II нинг истилочилик режаларини кўрсатиб айтганда, Бақтрияни истило қилиш Бобилдан кейин иккинчи ўринда турганлиги ҳақида хабар беради. Кир II Бобилни милоддан аввалги 539 йилда ўзига бўйсундириган. Демак, 539 йилдан кейин Кир II Бақтрияга ҳужум қилиши керак эди. Аммо олимлар фикрларига кўра, Кир II Ўрта Осиё вилоятларининг иқтисодий бойликлари ва ҳарбий кучларига аниқ даражада баҳо бериб, милоддан аввалги 545-540 йиллар давомида Ўрта Осиёнинг жанубий қисмiga ҳарбий дилқатини қаратган. Шунинг учун Геродотнинг маълумотлари тарихий жиҳатдан бирмунча нотуғри деб ҳисобланади.

Бобил подшолиги ва Миср ўша замоннинг қудратли давлатлари бўлиб, уларни истило қилиш учун маҳсус тайёргарлик зарур бўлган.

Мисрга қарши юришдан Кир II воз кечган ва үлкани унинг ўғли (Кўмбиз, юончча Камбиз) истило қилган.

Эроннинг шимоли-шарқи ва Ўрта Осиёдаги сиёсий аҳволнинг ўзгариши туфайли Кир II Бобилни забт этиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлган. Ўрта Осиё қўчманчи қабилалари томонидан аҳамонийлар давлатига қарши хужум уюштириш хавфи пайдо бўлиб, сакларга қарши Эроннинг чегараларида мустаҳкам қальяларидан ўз вақтида форс қўшинлари томонидан фойдаланиш режалаشتаришган. Шунинг учун ҳам Бобилдан олдин, Кир II Парфия, Ария, Марғиёна, Бақтрия ва Сўғдиёнани ўзига бўйсундирган. Сирдарёга яқин, ҳозирги Ўратепа атрофида, Кир II янги мустаҳкам қальяга асос солган, деб фараз қилинади. Бу Курушкат (Кир шаҳри) номли курдатли қалья ҳам қўчманчиларга қарши истеҳком сифатида қурилган. Курушкатни (юончча Кирополис) македониялик Александр милоддан аввалги 329 йилда вайрон қилган.

Милоддан аввалги 530 йилга келиб, аҳамонийлар Ҳинд водийсидан Ўргаер дентлизигача бўлган худудда ўз хукмронлигини ўрнаттан бўлса-да, Ўрта Осиёдаги қўчманчилар мустаҳкил бўлиб яшаган.

Милоддан аввалги 530 йилнинг август ойида Кир II массагетларга қарши юриш қилган. Бу ҳарбий юриш ҳакидаги қадимги давр муаллифлари - Геродот ва Трог-Юстин маълумотлари сақланган бўлиб, улар бу воқеаларни турлича тасвирлаганлар.

Географик жиҳатдан Кир II нинг массагетларга қарши юришилари йўналишини аниқ ўрганиш муаммоси жуда ҳам мураккабдир. Ўрта Осиё қўчманчилари Каспий денгизи билан Сирдарё Ўртасидағи кент ўлкада жойлашганлар. Кир II нинг қўшинлари Парфия ва Марғиёна чегараларидан ўтиб, Амударё бўйларида яшовчи массагет қабилаларининг юритига кириб борганлар.

Кир II Аракс (Амударё)дан кечиб ўтиб, массагетлар ерларининг ичкарисига кириб борган. Юришиларининг бир кунлик йўлидан сўнг, Эрон подшоси ортга қайтган. Аммо шу жойда, Геродотнинг хабарига кура, Кир II ўз қўшинларининг заиф бир қисмини ҳамда улар билан бирга озиқ-овқатлар заҳираларини ва ичимликларни маҳсус қолдирган. Массагетларнинг бир гурухи форсларга хужум қилиб, уларни қириб ташлаганлар. Фалабадан сўнг массагетлар шароб ичиб ухлаб қолганлар. Бундан сўнг собиқ жанг майдонига форсларнинг асосий қўшинлари қайтиб келиб, массагетларнинг бир қисмини жойида ўлдирганлар бошқа бирларини асирикка олганлар. Уларнинг орасида Тўмариснинг ўғли Спаргапис ҳам бўлган.

Геродотнинг хабарларига кўра, Тўмарис бошчилигидаги массателлар Эрон қўшинларини бутунлай мағлубияттга учратиб, барчасини йўқ қилганлар. Геродот асарида айтилишича, массателлар йўлбошчиси Тўмарис, уруш майдонидан Кирнинг жасадини топиб келишни буорган ва унинг бошини кесиб, қон билан тўлғазилган мешга соглан.

Бу ҳикояда ватанпарварлик, чет эл босқинчиларига қарши, мустақилик учун кураш, она ер мудофааси ва халқнинг жасурлиги мавзуси ёритилган. Ўрта Осиё халқлари тарихи учун юқорида келтирилган маълумотлар низоҳиятда катта аҳамиятга эгадир.

Кир II вафотидан сўнг таҳтга унинг ўғли Кўмбиз ўтиргди. Унинг ҳукмронлик даври, яъни милоддан аввалги 529-523 йиллар Ўрта Осиё халқлари сиёсий тарихи ҳақида ёзма манбаларда ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Кўмбиз Мисрни истило қилган Эрон подшосидир.

Кўмбиз вафотидан сўнг мамлакатда катта қўзғолонлар бошланган. Бу ҳақида Доро I (милоддан аввалги 522-486 йиллар) Беҳистун ёзувида бундай хабар қиласиди: «Элам, Мидия, Оссурия, Миср, Парфия, Марғиёна, Саттагадия, Саклар мендан ажralиб чиқиб кетдилар». Аҳамонийларга қарши, айниқса халқнинг катта қўзғолони Марғиёнада бўлган.

Беҳистун ёзувларида Доро I хабар қиласиди: «Марғиёна давлати мендан ажralиб чиқиб кетди. Марғиёналиқ Фрада исмли бир киши вилоятнинг ҳокими деб эълон қилинди. Кейин мен Бақтрия сатрапи ва менга бўйсунувчи одамим форс Дадаршишни ҳузуримга чақириб унга гапирдим: «Менга бўйсунмаганларни тор-мор қилиш керак». Ахурамазда иродаси билан менинг қўшипинларим қўзғоличиларни бутунлай мағлубияттга учратди. Бу жанг асиядий ойининг 23 нчи кунида содир бўлди. Шундан сўнг давлат меним қўлимга кирди. Мана мен Бақтриядада нималарни қилдим».

Милоддан аввалги 522 йилнинг 10 нчи декабрида (қадимги форс асиядий ойининг 23 нчи куни) Дадаршиш марғиёналикларни тор-мор қилган. Қўзғолон бостириш пайтда 55 минг одам ўлдирилган ва 7 минг кипи асирикка олинган. Асосий воқеалар Куйи Мургобда бўлиб ўтган, бу ерда Марғиёнанинг кўхна Марв шаҳар харобалари сақланган. Улар жумласидан Ерқалъя милоддан аввалги VII-VI асрларда пайдо бўлган. Ерқалъя - бу Марғиёна пойтахти ва шунингдек аҳамонийларга қарши кўзғолоннинг маркази деб ҳисобланади.

Беҳистун ёзувларидаги охирги сўзлар «Мана мен Бақтриядада нималарни қилдим» тушунарли эмас, чунки қўзғолон Марғиёнада бўлган. Бундан куйидаги хulosани чиқариш мумкин - Марғиёна

аҳамонийлар давридан олдин қадимги Бақтрия подшолигининг бир қисми бўлган ёки қўзғолондан сўнг Доро I Марғиёнани Бақтрия давлатига кўшиб олган.

Доро I бирлашган давлатни қайгадан тиклади. Нақши Рустам ёзувларида Доро I бундай хабар қиласди: «Мен - Доро, улуф шоҳ, шаҳаншоҳ, кўп мамлакатлар подшоси, аҳамоний, форс, форсни ўғли, арийлар уруғида таваллуд топган арий. Шоҳ Доро айтурки: «Форс вилоятидан ташқари қуидаги мамлакатларни мен бўйсун-дирганман, менга хирож тўловчи бўлган, менинг сўзимни ижро этган, менинг қонунимга асосланиб ривожланаётган: Мидия, Элам, Партава, Аръё, Бақтриш, Суфуда, Хваразми, Сака Хаумаварка, Сака Тиграхауда, дengизнинг нариги ёғидаги саклар».

Кир II давридаги дунёning барча мамлакатлари устидан ҳокимлик қилишга интилган аҳамонийлар Эрони йиллар давомида жуда йирик давлатта айлана борган. Доро I ўзидан олдин ўтган подшолар сиёсатини давом эттирган. Доро I қабрига қўйилган қабртошдаги битикларда: «Сен Эрон жангчисининг найзаси узоқ-узоқ мамлакатларгача бориб етганини билиб оласан» - деб ёзилган.

Қадимги форсларнинг Ўрта Осиё шимолига юришлари шафқатсиз якунланганилигини ва Кирнинг массагетлар қабилалари билан қаттиқ жанг пайтида ҳалок бўлганлиги Доро I нинг ташқи сиёса-тида инобатта олиниб, милоддан аввалги 519-518 йилда Доро I саклар (сака-тиграхауда)га қарши маҳсус юриш қилган.

Доро I хабар қиласди: «Сакларга қарши мен Сак юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўққи қалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим, дарё кемаларидаи кўприк қилиб, саклар юртига хужум қилдим. Уларнинг сардори - Скунха исмли одамни тутиб, менинг ҳузуримга келтирдилар. Мен ўз хоҳшим билан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўл остимга ўтди».

Доро I сак қабилалари устидан ғалабага эришган бўлса ҳам, Ўрта Осиё ҳалқлари аҳамонийларга қарши озодлик курашларини давом эттирганлар. Қадимги дунё тарихи муаллифи Полиен, ўзигача етиб келган ҳикояларга асосланиб, жасур Широқ тарихи орқали сакларнинг аҳамонийларга қарши қаҳрамонона курашини ҳикоя қиласди. Широқ ўз жонидан кечиб, қадимги форс қўшинларини сувсиз чўл ва саҳронинг ичкарисига олиб кириб, сакларнинг маконларини душман ҳужумидан сақлаб қолди, бундан ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Ўрта Осиёning бўйсундирилган вилоятларидан ва умуман, қадимги Шарқ вилоятларидан Доро I даврида катта-катта ўлкалар

барпо қилинган. Бу үлкаларни идора қылган ҳокимларни қадимги форслар «хшатрапаван», юононлар «сатрап» деб атаганлар.

Беҳистун ёзувлари, Геродот ва Ктесий маълумотлари асосида, олимлар Бақтрия сатраплари рўйхатини аниқлаганилар. Милоддан аввалти 530-522 йилларда Бақтрия сатрапи вазифасини Кир II нинг ўели Смердис (Бардия) бажарган (Қўмбиз подшонинг укаси), 522-486 й. Дадаршиш, 486-480 ва 480-465 й. Ариамен билан Масист - Доро I ўғиллари, 465-423 й. Артабон Гистасп, милоддан аввалги 335 йилгача маълумотлар йўқ, 335-329 йилларда Бесс - Бақтрия-нинг охирги сатрапи бўлган.

Юқорида кўрсатилган рўйхатдаги Бақтрия вилоятини идора қылган ҳокимлари тўрт вазиятда подшо ўғиллари ёки унинг акукалариидир. Муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашган Бақтрия аҳамонийлар давлатида катта иқтисодий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам уни идора қылган ҳокимлар аҳамонийлар суоласи вакиллари бўлган.

Бақтрия сатрап-ҳокимлари аҳамонийлар таҳтини эгаллаб олиш мақсадини доим ўз олдиларига кўйганлар. Маълумки, Қўмбиз буйругига биноан, унинг укаси Смердис (Бардия) ўлдирилган. Бақтрия ҳокими Масист аҳамонийлар подшоси Ксерксга қарши (Масистнинг акаси) Бақтрия вилоятида кўзғолон кўтаришга ҳаракат қылган, аммо унинг ўзи ҳам (оиласи билан), унинг тарафдорлари ҳам ҳалок бўладилар. Масистнинг ҳаракатлари ҳақида Геродот бундай ёзади: «У ўғиллари билан маслаҳатлашиб, улар ва ўзининг тарафдорлари билан бирга Бақтрияга йўл олади. Шоҳни таҳтдан афдариш мақсадида, у Бақтрия вилоятида кўзғолон кўтармоқчи бўлган. Агар у бақтрияликлар ва саклар олдига етиб борганда, ўз олдига кўйган мақсадини аниқ бажариши мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам бу халқлар Масистни ҳурмат қиларди, у Бақтрия сатрапи бўлган. Аммо Ксеркс Масистнинг ниятидан хабардор бўлиб, унинг кетидан ҳарбийларни юборади».

Геродотнинг айтишича, Доро I давлатни 10 та үлкага бўлган. Беҳистун, Накши Рустам ва Суза ёзувларида Эрон подшолиги 24 сатрапликка бўлиб кўрсатилган. Беҳистун ёзувлари рўйхатида Бақтрия-16, Сўёдёна-17 нчи ўринда кўрсатилган. Геродотнинг маълумотларига кўра, Бақтрия-12, саклар-15, Парфия, Сўғд ва Хоразм-16 нчи ўлка бўлган. Геродотнинг «Тарих» асарида сатрапликларнинг подшога тўлайдитан соликлари миқдори келтирилган.

Доро I нинг вафотидан сўнг унинг ўғли Ксеркс таҳтга ўтирган (милоддан аввалги 486 йил). Ксеркспнинг ташқи ҳарбий сиёсати

тарб мамлакатларига қарши қаратылған. Эронни курол күчи билан әнг күдратли давлатта айлантириш жараёни давом этади. Ксеркс қадимги Юнонистон ва Европа мамлакатлари устидан ҳукмронлик қилишни ўз олдига муҳим мақсад қилиб қўйган.

Ўрта Осиё ҳалқлари - бақтрияликлар, хоразмликлар, сүғдийлар ва саклар Ксеркс қўшинлари таркибида қадимги дунё тарихидан машхур бўлган Марафон ва Саламин жангларида қатнашганлар.

Буюк Эсхилнинг «Форслар» фожиасида (милоддан аввалги 472 йилда ёқ саҳнада ижро этилган) Тенагон ва Аритом - ёш бақтрияликтай жангчиларни исмлари тилга олинган. Улар Саламин жангидаги ҳалок бўлиб (милоддан аввалги 480 й), шу оролда дағи қилинган. «Бақтрия ҳалқи ҳалок бўлди», - деб Эсхил ўз асарида хулоса қилинган.

Марафон жангидаги сакларнинг отли қўшинлари ниҳоят катта жасурлик кўрсатиб, юнонларнинг жанговар марказий қисмини чекинишга мажбур қилганлар. Бақтрия ва сакларнинг чавандозлари аҳамонийлар қўшинларидағи әнг жасур қисмларидан бири бўлиб ҳисобланган. Юнон-форс урушлари даврида Ўрта Осиё ҳалқларининг ҳарбий күдрати катта аҳамиятта эга бўлган.

Кир II дан сўнг Кўмбиз ҳам, Доро I ва Ксеркс ҳам давлатни қайтадан тиклаш ва бирлаштиришга кўпдан-кўп ҳаракат қилганлар. Милоддан аввалги IV асрда сўнгти аҳамонийлар подшолари Артаксеркс II, Артаксеркс III, Доро III тўхтовсиз урушларни давом эттиришга мажбур бўлиб, давлатни жуда ҳам заифлаштирганлар. Бундан ташқари, барча бўсундирилган ҳалқлар ўз мустақилликларини тиклаш учун эронликларга қарши кураш бошлайдилар. Милоддан аввалги 334 йилда македониялик Александр, қадимги Шарқдаги иқтисодий ва сиёсий инқирозлардан фойдаланиб, Аҳамонийлар давлатига қарши уруш бошлайди. Милоддан аввалги 334-330 йиллар давомида македониялик Александр Эрон подшоси Доро III ни тор-мор қилиб, Ўрта Осиё чегараларига етиб келади: Шу тариқа аҳамонийларнинг Ўрта Осиёдаги икки юз йиллик ҳукмронлиги тарихи тутгайди.

Иқтисод ва ижтимоий тузум. Ўрта Осиёнинг қадимий вилоятлари жамияти тўғрисида ёзма манбалардан ташқари археологик манбалар далолат беради. Ўрта Осиё милоддан аввалги VI-IV асрларга оид моддий маданий ёдгорликларга бойдир. Жанубий Туркманистондаги Элкангепа, Ёзепа, Ерқальъа, Сурхондарёдаги Кучуктепа, Қизилтепа, Жанубий Тоҷикистонда Қалаимир, Бойтудашт, Хоразм, Кашиқадарё ва Фарғона воҳаларидағи Кўзалиқир, Дингилжа,

Еркүрғон, Узунқир, Даратепа, Эйлатонтепа харобалари шу даврга мансуб ёдгорликлардир.

Хом гиштдан ва пахсадан қурилган бинолар, металл қуроллар, хунармандчилек буюмлари үтгрөз дәхқончилек вилюятларида қадимий маданият юксак даражада бұлғанлыгын күрсатади.

Хоразмда милоддан аввалги VI-V асрларга мансуб катта-катта сугориши иншоотларининг излари топиб текширилган. Марғиёна, Сүғдиёна ва Бақтрия тупроғида ҳам қадимги сугориши каналлари аниқланған. Ушбу маълумотлар қадимги жамоатчилик томонидан тоят катта ер ишлари бажарылғанлыгидан далолат беради.

Хоразмдаги Кўзалиқир шаҳар харобаси қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан үралған. Суформа дәхқончилек билан шуғулланған аҳоли алоҳида жойлашған айрим оиласаларга тегипшли уйларда яшаган. Шулар жумласидан бұлған Дингилжа туар-жой ва хўжалик хоналаридан иборатдир.

Милоддан аввалги VI-IV асрда оила жамоаси жамиятнинг иқтисодий асоси бўлиб, у хўжаликни биргаликда бошқарган. Уй жамоасининг аъзолари катта патриархал оила бўлиб, улар умумий туар жойда яшаганлар ва мол-мулкка биргаликда эгалик қўлганлар.

Милоддан аввалги VI-IV асрларга мансуб моддий манбалар бинокорлик ва хунармандчилек, (темирчилик, кулолчилик, заргарлик, тўқувчилик) тарихини ўрганишда катта аҳамиятта эгадир. Хоразм, Бақтрия, Сүғдиёна, Марғиёна ва Фарғона тупроғида кулолчилик ва темирчилик устахоналарининг қолдиклари қазиб очилған. Бу ёдгорликлардан сопол идишлар, бронза ва темирдан ишланған буюмлар топилди. Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё халқлари ҳәтида ижтимоий, хўжалик ва маданий ўзгаришлар содир бўлған. Катта ва ўрта ҳажмдаги шаҳарлар вилюят ва туманлар марказларига айланған. Шу даврга оид Афросиёб-Мароканда (Сўғд тилида Смарканса) шаҳри 219 гектар майдонда жойлашған, Қизилтепа 22 га, Узунқир - 70 га, Кўктепа - 100 га, Ерқалъя - 20 гектар жойни эгаллаган.

Қадимги тарихчиларнинг маълумотларига кўра, Мароканданинг узуналлиги 11 километр келадиган ташқи девори бўлған. Мустаҳкам мудофаа деворлари билан Бақтра, Еркүрғон, Узунқир, Қизилтепа ва Ерқалъя ҳам үралған бўлған. Ўрта Осиё шаҳарларида қурилиш, хунармандчилек ва савдо юксак даражада ривожланған.

Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиёда дәхқончилек турили шаклларда ривожланған. Тоғ ёнбагирларда қадимги дәхқонлар сойларнинг сувларидан фойдаланғанлар. Маҳаллий сугориши тажрибасида сойлар-

дан канал ва ариқ чиқариш катта аҳамиятга эга бўлган. Йирик ва ўрта дарёларнинг водийларида катта ва узун каналлар қазилган бўлиб, сув омборлари курилган.

Қадимги замонлардан бошлиб зироатчилик билан шуғулланиш, дон экиш Ўрта Осиё халқлари учун савобли иш бўлиб, «Авесто»да арпа ва бүгдой муқаддас бошоқли экин ҳисобланган. Бошоқли экинлардан бүгдой, тарик, арпа айниқса кенг етиширилган. Болларда турли мевали дараҳтлар ўстирилган, чорва учун хашак бўладиган ўсимликлар ривожлантирилган.

Ўрта Осиё тоглари ва даштларида чорвачилик ҳатто бир неча асрлар давомида устунлик қилган. Қабилалар асосан майда чорва, қорамол ҳамда отни кўплаб урчитганлар.

Персепол саройи деворига солинган бўртма расмда Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна ва саклар вилоятидан хирож тўловчилар шоҳга от, тuya ҳамда қўй олиб келаётгани тасвирланган. Айниқса, қадимги Шарқда Бақтрия туялари, Хоразм ва сак юрти йилқилари машхур бўлган.

Ўрта Осиё табиий қазилма бойликлари қадимдан кенг маълум бўлган. Геродотнинг айтишича, саклар вилоятида «олтин ва мис жуда ҳам кўп» бўлган. Тарихчининг маълумотлари ҳақиқий бўлганлигини ҳозирги даврда Қизилқумда қазиб чиқарилаётган олтин исботлаб бериш мумкин.

Ўрта Осиёнинг табиий бойликлари Аҳамонийлар давлатида кенг ишлатилган. Суз шахрида топилган ёзувларда Доро I бундай эълон қилади: «Сузадаги саройни мен бунёд қилганимда, унинг безаклари узок юртлардан олиб келинган. Уака ёғочи - Гандхарадан, олтин - Сард ва Бақтриядан, ялтироқ тошлар ва ложувард - Сўғдиёндан, фируза - Хоразмдан етказиб берилган».

Ўрта Осиё халқлари аҳамонийларга жуда катта солиқлар тўлағанлар. Молия-солиқ ишлари саграп-ҳоким қўлида бўлган. Вилоятларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини сатраплар кузатиб борган. Бўйсундирилган ўлкалардаги бутун идора ишларини сатраплар назорат қилганилар.

Йирик ўлкаларнинг сатраплари аҳамонийлар сулоласидан бўлиб, Эрон подшоси номидан ўз ўлкаларини идора қилганлар. Бақтрия ва Хоразм ҳокимлари хузурида маҳсус қатъалар ва йирик саройлар бўлган. Бақтрия ўлкасининг иқтисодий бойликлари ва ҳарбий кучлари, сатрапларнинг ҳаддан ошиқ мустақиллiği аҳамонийлар подшосига қарши қўзғолонлар кўтаришга сабаб бўлган.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиёда қадимги пуллар тарқалган. Амударё хазинасида Эронда ва Юнонистонда (Афина

шахрида) зарб этилган танга пуллар бор. Дастребки танга пуллар эса милоддан аввалги VII асрда Кичик Осиё ва Афинада пайдо бўлган. Ўрта Осиё орқали қадимги йўллар турли вилоятларни бирлаштирган. Бадаҳшонда «ложувард йўли», Гарбий Сибир (Олтой)дан ўтган «олгин йўл» Ўрта Осиё худудидан ўтиб, Ўртаер денгизигача етиб борган. Қадимги йўллар савдони ривожлантириш ва алоқа хизматини кенг даражада йўлга кўйиш учун муҳим аҳамиятта эга бўлган. Геродот «шоҳ йўли» ҳақида хабар қилади. Бу йўл Кичик Осиёдан бошланиб, Бақтрия ва Хиндиистон вилоятларига етиб борган. Тог даралари ёнида, дарёлардан кечиб ўтилган жойларда истеҳкомлар курилган. Амударёнинг ўрта оқимида Одойтепа, Сурхондарёда Ташконтепа, Зарафшон тизмаси ёнбағридаги Узунқир ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ҳарбий аҳамиятта эга бўлган.

Ўрта Осиёда қулчилик муносабатлари қадимги Шарқ марказлари ва қадимги Юнонистонга нисбатан анча фарқ қилиб, деярли ривожланмаган. Жамият ҳаётида қишлоқ ҳужалиги катта аҳамиятта эга бўлган. Ўрта Осиёда қадимги қулчилик шаклларидан бири «уй қулчилити» бўлган. Эلام ва қадимги форс ёзувларидаги «курташ» билан «гарда» сўзлари «уй кули» тушунчасини билдиради. Улар турли иқтисодий вазифаларни бажарган. Мисол учун, «гарда-хунарманд», «гарда-бинокор»лар бўлган.

«Уй кули» «Авесто»да «вайса» деб аталади. «Вайса» ва «гарда»лар катта оила жамоаси эркин аъзолари билан умумий уйда яшаганлар. «Уй қулларининг» меҳнат фаолияти хунар касби, дехқончилик, уй чорвачилиги ва бошқа ишлаб чиқариш вазифалари билан боғланган. Уларнинг сони жамоанинг эркин аъзоларига нисбатан анча кам бўлган. Қишлоқ жамоаларининг иқтисодий ҳаётида жамият мустақил вакилларининг меҳнати - ишлаб чиқаришни асосий ривожлантираётган куч бўлган.

«Уй қуллари» камбағаллашиб қолган, хонавайрон, иш қидириб юрган мардикорлар ва қарздор жамоа аъзолари бўлишлари мумкин эди. Бу қишиларнинг барчаси жамоанинг эркин аҳолисидан келиб чиқкан ва уларнинг пайдо бўлиши иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ўзгариши билан узвий боғланган.

Ёзма манбаларнинг хабарига кўра, Кичик ва Олд Осиё шаҳларида Сүғдийна ва Бақтриядан олиб келинган «курташ»-«уй қуллари»дан бинокорлик, тоштарошлиқ ва куролсозлик ишларида кенг фойдаланганлар.

Куллар аҳволига тушиб қолган одамлар подию ва сатраплар устахоналарида, саройларида, ерларида ҳам меҳнат қилганлар. Эрон

ва Олд Осиёда «курташ» ва «гарда»лар хусусий мулкка эга бўлмаганлар. Ўрта Осиёнинг ижтимоий вазиятига кўра, улар эркин аҳолининг «мулки» бўлганлиги ҳақида ҳам ёзма манбаларда аниқ маълумотлар йўқ.

Маданият ва дип. Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё халқари-нинг маданий ҳайтида катта ўзгаришлар рўй берган. Ўлка вилоятлари қадимги Шарқ давлатлари билан кенг маданий алоқаларда бўлган. Ўрта Осиёда қуолчилик, заргарлик, тўқувчилик ва бошқа хунармандчилик касблари юксак даражада ривож топган, муҳим санъат ва маданият ёдгорликлари қўзга кўринарли ўринни эгаллайди.

Милоддан аввали VI-IV асрлар Ўрта Осиёда бинокорлик ғоятда тараққий қилган. Хоразм, Марғиёна, Бақтрия, Сүфиёна тупроғидаги қадимги шаҳарлар мудофаа деворлари билан ўралган. Марказий шаҳарларда вилоят ҳокимларининг кўп хонали саройлари бунёд этилган. Уларнинг баланд пойдевори бўлиб, қалин деворлар билан мустаҳкамланган. Шаҳарлар кенг жойларни эгаллаган. Жамоа уй-жойлари 6-8 хоналардан иборат бўлиб, пахса ва хом гиштдан курилган. Хоналарнинг девори ичига ва хоналарнинг марказий қисмида ўрнатилган сандал шаклдаги ўчоқлар бўлган.

Курилищда ганч, ёғоч, лой кенг даражада ишлатилган. Уйларда супа ва айвонлар бўлган. Мудофаа деворлари курилишида йирик, узунлиги 64-66 смлик гиштлар ишлатилган. Уй-жой сатҳдари лой билан сувалган, озиқ-овқат сақлаш учун ишлатилган хўжалик хоналарининг сатҳларига тошлир ва сопол синиқлари ўрнатилган.

Персепол саройининг тош деворларидағи сўғдлар, бақтрияликлар, хоразмликлар ва сакларнинг расмлари бу халқларнинг этник қиёфаси, қуроллари ва кийим бошлари қандай бўлганлигини тасвирлаб туради.

Ўрта Осиё халқларининг қуроллари ва қурол ясаш услублари қадимги Шарқда машхур ҳунар касби деб ҳисобланган. Бақтрия ўқ-ёйлари, Хоразм дудама-ханжарлари, сакларнинг ҳарбий болгалари бронздан ясалган. Геродот мунгазам равишида аҳамонийлар ҳарбий қўшинларидаги Ўрта Осиё халқларининг жангчилари ҳақида ёритади: «Бақтрияликларнинг уст-боши мидияликларнинг уст-бошига ўхшаган, улар ўқ-ёй ва калга наизалар билан қуролланганлар. Саклар узун чўққили қалпоқлар кийиб, камон ва ханжарлар билан қуролланганлар, яна уларда икки қиррали ҳарбий болгалар-сагарислар бўлган. Парфияликлар, хоразмликлар, сўғдлар, гандарийлар ва дадиклар бақтрияликларнинг қуролларига ўхшаган яроб-аслаҳалари билан ҳарбий юришни

бошлаганлар». Геродот массагетлар тұғрисида хабар қилиб, уларнинг отлиқ қүшинлари ва қороллари ҳақыда алоҳида айтиб үтади: «Массагетларнинг кийим-кечаклари ва турмуш тарзи скифларницидан унча фарқ қылмайды. Уларнинг отлиқ ва пиёда қүшинлари бұлиб, одатда камон, найза ва ҳарбий өзімдер билан жант қиладилар. Уларнинг барча нарсалари олтин ва мисдан ишланган. Құқмор, ўқ ва найзалар учлари мисдан ишланган, уларнинг уст-бошлари олтин билан нақшланган. Улар отларининг әгар-жабдуқларини ҳам уст-бошлари каби олтин билан безатадилар».

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига мансуб Үрта Осиё достонларини ўрганиш мұхим аҳамиятта әгадир. Шулар жумласидан Тұмарис ва Кир II уруши тұғрисида ҳикоя, ҳамда жасур Широқ ҳақыда достондир. Шу даврга оид Үрта Осиё халқлари ҳеч қандай ёзма маълумотларни қолдирмаганлар ва бу ҳикоялар қадимги тарихчилар Геродот ва Полиен асарларида сақланган.

Аҳамонийлар даврига оид Үрта Осиёнинг турли вилоятларида маҳсус линга ёки худоларга бағищланган йирик ибодатхоналар тоғылмаган. Доро I Беҳистун ёзувларида сакларни Ахурамаздага курбонлик қылмаганлари ҳақыда эълон қилиб, уларни гуноҳкор деб ҳисоблайди.

Үрта Осиёнинг күчманчи халқлари қуёшни ва оловни худо деб билғанлар. Оловни иззат-хурмат қилиш одати қадимги замонлардан сақланиб келган. Күчманчилар оловга очық жойларда қурбонлик қылғанлар.

Дәхқонларнинг уйларида маҳсус оловхоналар бўлган. Бу хоналарнинг ўчоқларида оловни доимо ёниб туришига ҳаракат қилинган (утни ишлаб чиқариш ғоят мураккаб масала эмас эди, аммо шубҳасиз оғир меҳнат бўлган). Оловни ошхоналарга, ўчоқларга, тандирларга ва сандалларга доимо кучириш зарур бўлган. Олов - ҳаёт манбаси, унинг худоси Атар - марҳаматли худо деб ҳисобланган.

Оловхоналар Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида топиб текширилган. Даратепада (Қашқадарё) оловга сифиниши айнаси билан боғлиқ бўлган катта вазасимон гулдон идиши ва сопол чироғдан топилган. Улар милоддан аввалги VII-IV асрлар билан саналади.

Муқаддас сувга ҳам очық жойларда курбонлик қилинган. Геродот ўзининг «Тарих» китобида бу ҳақда қайта-қайта тақрорлайды. Курбонлик маросими пайтида одам учун юзини шимол томонга қаратиш ман этилган. Шимол бу девлар макони, касалпик, ўлим ва ёвузлик юрти деб фараз қилинган.

Аҳамонийлар даврида Ахурамазда йирик давлатнинг турли халқлари учун олий ягона худо деб эълон қилинган. Ахурамазданинг ибодатхонаси бутун осмон ва дунё сайхон ерлари деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Ахурамаздани «маҳсус ибодатхоналарнинг деворлари билан ўраб ёки қамаб олиш» - бу фоят катта гуноҳ деб фараз қилинган. Подшо Ксеркс қадимги юононларни ибодатхоналарини - бу худолар учун зулм қамоги деб ҳисоблаган. Подшо Ксеркс айттурки: «Девларни иззат-хурмат қилиш гуноҳdir. Девларни қадрланган жойларда, мен Ахурамаздага ва ҳаққонийликка таъзим қилдим».

Шундай қилиб, Эрон катта давлатга айланиши билан давлатдини ва олий Ахурамазда худонинг ягона эътиқодини қабул қилиш талаб қилинган. Ўрта Осиё ва бошқа қадимги Шарқ вилоятларида ҳам, бу сиёsat қадимги диний қарашларни сақлашга халақит бермаган.

Қадимги форслар бўйсундирилган халқларнинг дини ва худоларини ҳам иззат-хурмат қилганлар. Геродотнинг айттишича, юононфорс урушлари даврида, қадимги форс лашкарбошиси Мардоний Платея жангидан олдин, юонон худоларидан ёрдам сўраб, уларга курбонлик қилган. Олимлар фикрига кўра, Ксеркс томонидан баъзи бир ибодатхоналарнинг бузилиши сабабли, унга қарши кўзғолон кўтарганлар ёки ҳарбий қаршилик кўрсатганларни, маҳаллий худоларнинг ёрдамидан ажратиш мақсадидан келиб чиққан.

Узоқ ўтмишида халқлар ўргасида маданий муносабатларнинг ривож топишида, уларнинг дин, тил ва миллий тафовутлари ўзаро алоқаларга тўсқинлик қилмаган. Турли халқдар бир-бирининг фоялари, дини ва дунёқарашларига хурмат билан қараганлар.

Масалан, ер ва сув, олов ва бошқа табиат кучлари худоларининг номлари турли давлатларда хилма-хил бўлса-да, уларни эътиқоди, худудий ва сиёсий чегараларга қарамасдан, баравар сажда қилинган.

Геродот қадимги Шарқ худолари ва ибодатхоналари ҳақида хурмат билан ҳикоя қиласди. Тарихчи ўзга халқларнинг маданияти, эътиқоди, урф-одатлари тўғрисида ёзиб қолдирар экан, уларнинг маданий-маънавий қадриятларига заррача нописаңд, бехурматлик билан қарамайди ёки уларга нисбатан қадимги буюк юонон маданиятини устун қўймайди. Геродотнинг айтишича, қадимги халқларнинг катта байрамларидан бири - бу инсонни туғилган куни ҳисобланган. Ўрта Осиё халқларининг ҳаётидаги тирилувчи табиат байрами муҳим аҳамиятга эта бўлиб, бу байрам аҳолининг анъанавий ҳўжалити ва ўтроқ қабилаларнинг дунёқарашларига асосланган.

Аҳамонийлар давлатида ҳар йил 12 ой ва 365 кундан ҳисобланган булиб, уларнинг номлари Ахурамазда, Митра, Анахита, қўёш ва бошқалар билан боғланган. Дастреба бу йилнома Ўрта Осиёда пайдо булиб, кейин Эронда жорий этилган. Доро I даврида дастреба Ўрта Осиёда кенг ёйилган зардуштийлар фояларидан аҳамонийлар ўз давлатини мустаҳкамлаш ва бирлаштириш мақсадида кенг фойдалана бошлиши жараёни ушбу фикрни асослаши мумкин.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда наврӯз байрамини ўтрок дехқончилик аҳоли томонидан нишонлаш кенг даражада бошланган. Қадимги замонларда ҳам ушбу байрам март ойининг охирги ҳафтасига тўғри келарди.

Наврӯз инсонларнинг дунё қарашлари билан анча боғлиқ бўлган. Ўрта Осиёда табиат тирилишига бағишлиланган маросимлар дехқончилик хўжалиги кенг ёйилиши билан бошланган. Шунинг учун ҳам наврӯзининг дастребаки тарихи жуда ҳам қадимги даврларга бориб тақалади. Аҳамонийлар давридан олдин Хоразм, Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёна ва бошқа вилоятларда наврӯз катта умумхалқ байрами, табиатга ва инсон ҳаётига баҳт-саодат, ҳосилдорлик, соғсаломатлик ва қўпдан-қўп яхшиликлар келтирувчи байрам булиб ҳисобланган.

Табиатнинг эзгулик кучлари туғилган кунда кўча ва хонадонларда озодалик ўринатилган. Уй томонларининг тўрт бурчагида олов ёқилган, тоза ва тиник сув солинган сопол идишларга дастребаки яшил барглар ташланган. Одамлар «Авесто»дан мадхиялар куйлаб, қадимги дуолардан ўқиганлар. Улар яхшилик ва ёруғлик тангрисини барча ёмонликларни йўқотишга, олов, сув, дала ва боғларга янги ҳаёт бағишлишга чақиргаслар.

Милоддан аввалги V-IV асрларга оид оромий алифбесига асосланган қадимги Хоразм ёзуви намунаси топилган. У хумнинг сиртида тасвирланган. Бизнинг замонамизгача турли хил археологик манбалар сақланиб келди. Ажҳодларимизнинг моддий ва маънавий мероси ҳалқимизнинг маънавий бойлиги булиб, узоқ ўтмишни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЕТЛАР

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқтол, мафкура. Асарлар тұплами. 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бұсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлық шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йүк. Т., «Шарқ», 1998.

«Авесто» китоби - тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбай» мавзуудаги илмий-амалий семинар материаллари. Т., 2000.

Археологлар ҳыкоя қылади. Муаллифлар жамоаси. Т., «Фан», 1974.

Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т., «Ўзбекистон», 1997.

Аскarov А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Т., «Фан», 1977.

Бойс М. Зороастрейцы. Верования и обычаи. Пер. с англ. И.М.Стеблин-Каменского. М., «Наука», 1987.

Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. // Материалы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Вып.8. М., «Наука», 1962.

Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.8, М., «Наука», 1973.

Воробьёва М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // «Этнография и археология Средней Азии». М., «Наука», 1979.

Геродот. История. В девяти книгах. Пер. Г.А. Стратановского. Л., «Наука», 1972.

Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскarov А. Первобытная культура и возникновение орошающего земледелия в низовьях Зарафшана. Т., «Фан», 1966.

Дандамаев М.А. Политическая история ахеменидской державы. М., «Наука», 1985.

Итина М.А.История степных племён Южного Приаралья. Тр. Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. 10, М., «Наука», 1977.

Исламов У.И. Пещера Мачай. Т., «Фан», 1975.

Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Т., «Фан», 1986.

Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоя тошларидаги расмлари Т., «Фан», 1976.

- Кабиров Ж. Сагдулаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т., «Ўқитувчи», 1990.
- Касымов М.Р. Многослойная палеолитическая стоянка Кульбулак в Узбекистане. // МИА., 185, М., 1972.
- Лисицына Г.И. Становление и развитие орошаемого земледелия в Южной Туркмении. М., «Наука», 1978.
- Литвинский Б.А. Пьянков И.В. Военное дело у народов Средней Азии VI-IV вв. до н.э. // «Вестник древней истории», 1966, № 3.
- Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане // МИА., 145, М.-Л., 1968.
- Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 73, М.-Л., 1959.
- Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. М.-Л., 1964.
- Массон В.М. Поселение Джейтун. Л., «Наука», 1971.
- Махмудов Т., «Авесто» ҳақида. Т., «Шарқ», 2000.
- Мирсаатов Т.М. Древние шахты Учтуга. «Фан», 1973.
- Молони Н. Археология. М., «Росмэн», 1996.
- Мончадская Е.А. О правителях Бактрии и Согдианы VI-IV веков до н.э. // Тр. Гос. Эрмитажа, 1961, Т.У.
- Мухамеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времён до начала XX в.). Т., «Фан», 1978.
- Норкулов Н. Аждодларимиз оташпараст бўлганми? // «Жамият ва бошқарув», 1998, №3.
- Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Т., «Фан», 1990.
- Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции (общие данные о стране: название и территория). Душанбе, «Дониш», 1982.
- Окладников А.П. Исследование мустьевской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик Таш // «Южный Узбекистан. Палеолитический человек». М., 1949.
- Ранов В.А. Каменный век Таджикистана. Душанбе, 1965.
- Ртвеладзе Э.В. Ўрта Осиёнинг қадимги танталари. Т., 1987.
- Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳукуқ тарихидан лавҳалар. Т., «Адолат», 2001.
- Сагдулаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т., «Ўқитувчи», 1996.
- Сагдулаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Т., «Фан», 1987.
- Сагдулаев А.С. Тарих, тараққиёт ва давлатчилик // Жамият ва бошқарув. 2000, №1.

- Сагдулаев А.С. Башқарув асосларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари // Жамият ва башқарув. 2004, 1-сон.
- Сагдулаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т., «Академия», 2000.
- Сарианиди В.И. Энеолитическое поселение Геоксюр // Тр. ЮТАКЭ, Т.Х., Ашхабад, 1960.
- Средняя Азия в эпоху камня и бронзы М., -Л., «Наука», 1969.
- Струве В.В. Восстание в Маргиане при Дарии I. // Материалы ЮТАКЭ, 1949, вып 1.
- Сулейманов Р.Х. Статическое изучение грота Обирахмат. Т., «Фан», 1972.
- Сулейманов Р., Исҳоқов М., Заратуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи. 1999, №1.
- Тарих, мустақиллик, миллӣй гоя // Республика илмий-назарий анжумани материалари. Т., «Академия», 2001.
- Толстов С.П. Древний Хорезм. М., Изд-во МГУ, 1948.
- Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962.
- Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т., «Фан», 1964.
- Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. Т., «Фан», 1980.
- Ҳўжайов Т.К., Абдулаев К. Аждодларимиз қиёфаси. Т., «Фан», 1990.
- Эшов Б. Сүғдиёна тарихидан лавҳалар. Т., «Университет», 2002.
- Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. II нашр. «Университет», 1997.
- Ўзбек давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиҳа // Ўзбекистон тарихи. 1999, №1.
- Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.С. Сагдулаев. Т., «Шарқ», 1998.
- Фуломов Я.Г. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. Т., «Фан», 1959.
- Фуломов Я. Археология тарих фани хизматида. Т., «Фан», 1976.
- Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Т., «Халқ Мерәси», 2000.
- Ширинов Т.Ш. Орудия производства и оружие эпохи бронзы среднеазиатского междуречья. Т., «Фан», 1986.

МУҢДАРИЖА

Муқаддима	3
Манбалар	5
Қадимги давр тарихини даврлаштириш ва унинг асосий хусусиятлари	7
Палеолит - қадимги тош даври тарихи. Моддий маданият	11
Мезолит, неолит ва энеолит даври тарихи	14
Илк давлатчиликка ўтиш даври	26
Энг қадимги давлатлар даври	35
Энг қадимги давлатларнинг ташкил топиши	59
Милоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиё	67
Адабиётлар	80